Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 16 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 47-48 (7141)

Da`vat

Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаш учун фидойилик билан курашиши мумкин.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Тошкент вилоятида жойлашган «Алоқачи» ва «Меҳржон» болалар оромгоҳлари Орол бўйида истиқомат қилувчи дастлабки 300 нафар ўқувчини қабул қилди. Болажонларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун сарфланадиган барча харажатларни касаба уюшмалари ва тегишли ташкилотлар ўз зиммаларига олдилар.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Аграр, сув хўжалиги масалалари ва Озиқ-овқат қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

• Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Хитой Бош вазирининг ўринбосари Цян Цичен раҳбарлигидаги делегация аъзолари Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлишди.

• Тошкентда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар божхона хизматлари раҳбарларининг халқаро анжумани якунланди.

• Шу кунларда мамлакатимизда Исландия «Қизил хоч» жамияти президенти Анна Трудур Торскельсдоттир бошчилигидаги делегация аъзолари меҳмон бўлиб туришибди.

• Иордания пойтахти Оммонда марҳум қирол Ҳусейннинг ўрнини эгаллаган Абдуллага тож кийдириш маросими бўлиб ўтди.

• 12 июнда Россия халқи ўз миллий байрами – Россия Федерацияси Мустақиллиги кунини нишонлади.

• Қирғизистон Республикаси Граждан мудофааси ва фавқулодда вазиятлар вазирининг маълумотига кўра, республиканинг Сузак тумани аҳолисига кўчки хавфи хуруж қилмоқда.

Ижро интизоми ва масъулият

2-бет

ОЛТИН ЁЗ –

Қуёшнинг кўзни қамаштириши...

Дов-дарахтларнинг майин шивирлаши... Ўт-ўланлардан таралаётган ис...

Хуллас, табиат қўйнидаги суҳбат... Бунга нима етсин?

Она табиат билан дўстлашиш ва сирлашиш учун, албатта, тоққа бориш шарт эмас. Бизни ўраб турган атроф-муҳитнинг ўзи ҳам нақадар гўзал ва жозибадор.

ЎТСИН СОЗ!

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 311-бошланғич мактаб қошида очилган «Бўстон» болалар оромгоҳи ҳам (суратда) 100 нафар мактаб ўқувчисини ўз бағрига олган. Вақтида таом, вақтида ўйин, вақтида суҳбат. Дамнинг мазмуни шунда. Буларнинг бари бир бутун бўлиб, «чиниқиш» деган тушунчани ҳосил қилади.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Jarayon

КОЛЛЕЖЛАР ҚУРИЛИШИ ЯКУНЛАНАДИ

Бунинг учун ҳаракат қизғин бормоқда

Олий Мажлис XIV сессиясида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳақида сўз юритган юртбошимиз бу соҳага эътиборни янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Мана орадан бироз вақт ўтди. Янги ўқув йилининг бошланишига эса, бор-йўғи 2 ойдан кўпроқ вақт қолди, холос. Хўш, бу йил ишга туширилиши мўлжалланган коллежлардаги реконструкция ва қурилиш ишларининг аҳволи қай даражада? Улар ўқув йили бошлангунга қадар битадими?» каби саволларга жавоб ахтариб Наманган вилоятига сафар қилдик.

Дастлаб вилоят ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Иброҳим Юсупов билан Наманган Давлат университети қошида очилган академик лицейда бўлдик.

— Гапнинг рости, матбуотнинг кучига қойил қолдим, — дея гап бошлади лицей директори Зоҳиджон Содиқов «Ўзбекистон овози»да чоп этилган «Коллежлар қачон битади?» мақоласини эсга олиб. – Бир ой ичида қарийб 35 млн сўмлик иш бажарилди. 276 ўринли ётоқхонамиз реконструкцияси битди ҳисоб. Томини ҳам тунука билан ёпиб беришди.

Дарҳақиқат, 1998 йил октябрь ойида қурилиши тўхтатилган ушбу лицейнинг ётоқхона биноси эндиликда ҳашаматли тус олган. Бино йўлакларидан тортиб хона деворларигача янгича услубда безак берилган. Содда, аммо чиройли қилиб ўрнатилган кошинлар кишига завқ бағишлайди. Ётоқхона секцияларга бўлиниб, ҳар секцияда иккитадан хона, ҳар бир хонада иккитадан талабага ётиш учун етарли шароит яратилган. Мазкур секциялар сантехника жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Бундан ташқари алоҳида кутубхона, қироатхона, шунингдек, дам олиш хоналари мавжуд.

«Наманганвилоятмебель» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти томонидан етказиб берилган юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар хоналарда тартибли ўрин олган. Сирасини айтганда, бу ерда олиб борилган ишлардан кўнглимиз тўлди.

Наманган туманидаги қишлоқ хўжалиги коллежига йўл олдик. 13-касб-ҳунар мактаби биноси асосида таъмирланаётган бу коллеж ўтган 1998 йил 1 сентябрдан ишга тушган эди. дастлаб бинонинг биринчи қавати тўлиқ замонавий талаблар асосида таъмирдан чиқарилган бўлиб, эндиликда 2-3-,4- қаватлари ҳам таъмирланаётир. Коллежнинг 400 ўринли эски ётоқхонаси қайта таъмирланиб, замонавий талаблар даражасида 156 ўринга келтирилди. Айни пайтда бу ерда 100 дан ортиқ қурувчилар икки сменада иш олиб боришмоқда. Айни пайтда ишнинг охири - пардозлашгина қолган, холос. Мазкур ўқув муассасасининг тажриба участкаларини, шунингдек, амалий-ўқув, машғулот хоналарини кўздан кечирдик. Бу ерда 20 тадан зиёдроқ қишлоқ хўжалик техникалари бўлиб, улар турадиган омборхона, марказий созлов участкалари таъмирланган. Тажриба майдончаси сифатида ажратилган 34,5 гектар майдоннинг 30 гектарида ғўза, қолган майдонларида эса, ем-хашак, озуқа бўладиган экинлар парваришланмоқда.

Вилоят ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича муовини Икромхон Каримов бизни Чуст шаҳрида янги қурилаётган 900 ўринли маиший хизмат йўналишидаги Коллеж қурилишига олиб бордилар.

Ҳоким ўринбосарининг келганини эшитган 80 нафар қурувчининг деярли ҳаммаси шийпонга йиғилди. Уларнинг маош ололмаётганларидан норозиликлари билиниб турарди.

—Тўғри, икки маҳал бепул овқат ташкил қилинган. Бироқ ўзимизни қорнимиз тўқ бўлиб, уйда фарзандларимиз оч ўтиришса хотиржам ишлолмас экансан-да, — деди қурувчилардан бири Нурмуҳаммад Асатиллаев.

(Давоми 2-бетда)

Reportaj

ТАЛАБАЛАР: «ИМТИҲОНГА ТАЙЁРМИЗ!»

Шу йилнинг 10 июнь куни Иккинчи Тошкент Давлат Тиббиёт Олийгоҳида одатдагидан ўзгача аҳвол кузатилди. Олийгоҳнинг эрталабдан гавжум бўлган ҳовлисига қадам қўяр эканмиз, бир-бирлари билан баралла овозда чақчақлашаётган,қувноқ ва шўх йигит-қизларни эмас, қўлидаги дафтар ёки китобдан кўз уза олмаётган жиддий қиёфадаги талабаларга кўзимиз тушади. Булар олийгоҳнинг тиббиёт профилактикаси факультети талабалари. Бугун уларнинг талабалик ҳаётида энг масъулиятли, улар ўз мутахассисликлари бўйича давлат имтиҳони топширадиган кун. Ҳовлидан ўқув биноси ичига кирганимизда имтиҳонга шай қилиб қўйилган учта ёруғ ва шинам хонани, Давлат Тест Марказидан бугунги синов саволларини келтиришларини кутаётган факультет декани ҳамда ўқитувчиларни учратдик. Фурсатдан фойдаланиб, улардан бугунги имтиҳон тўғрисида икки оғиз маълумот беришларини сўраганимизда, факультет декани, профессор Ўткир Миршаропов қуйидагиларни сўзлаб берди:

—Бугун бизнинг тиббиёт профилактикаси факультетимизнинг 74 нафар ўзбек ҳамда 27 нафар русийзабон талабалари санитария ва гигиена мутахассислиги бўйича давлат имтиҳони топширишади. Имтиҳон тест саволаридан иборат бўлиб,эпидемиология, гигиена ва санитарияга оид 108та саволдан ташкил топган. Тестларни талабалар олийгоҳга киришда қай усулда ечишган бўлишса, худди шундай усулда ечишади. Бунинг учун уларга тўрт соат вақт берилади. Тест саволлари ДТМ томонидан ишлаб чиқиб, олиб келинади.

Суҳбатимиз шу ерга келганда, ДТМ дан саволлар ҳам етиб келди. Ҳовлида турган талабаларнинг кўзлари дафтар ва китоблардан узилди, ҳаяжон ва ҳушёрлиги кучайди. Улардан ўз ички кечинмалари билан ўртоқлашишларини сўраганимизда 606-гуруҳ толиби А.Зокиров шундай деди:

—Қалбимизда ҳаяжон билан бирга ўз билимимизга бўлган ишонч ҳукмрон. Бугунги синовга ҳам олдингиларига бўлгани каби яхши тайёрланганмиз, насиб этса, бугунги синовдан ҳам, яқинда бўладиган шу фанлардан оғзаки-амалий имтиҳондан ҳам яхши ўтамиз.

Шу пайт, талабаларни гуруҳ-гуруҳи билан имтиҳон хоналарига чақира бошлашди. Йигит - қизлар бир-бирларига омад тилаб, бирин-кетин рўйхатдан ўтиб, имтиҳон хоналарига кириб кетишди.

Имтиҳонни ДТМ вакиллари ва олийгоҳнинг бошқа фанлар ўқитувчилари давлат имтиҳон комиссияси раиси М.Ҳакимов бошчилигида оладилар.

Синов бошланишидан олдин факультет декани ва бошқа ўқитувчилар талабаларга бугунги масъулиятли ишда муваффақият тиладилар ва имтиҳон бошланди. Худди шу жараён республикамизнинг бошқа тиббиёт олийгоҳларида ҳам кузатилди.

Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Иқтисодий ёғ дафтарига

ФОЙДАЛИ ЧУМОЛИЛАР

Олимлар АҚШнинг жануби шарқида учровчи қизил чумолиларнинг заҳаридан кучли таъсирга эга бўлган антибиотик олиш мумкинлигини кашф қилдилар. Маълум бўлишича, бу чумолиларнинг заҳари баъзи бактериялар ва айрим тур замбуруғларнинг кўпайишига йўл қўймас экан. Олимлар улардан тиббиётда янада самарали фойдаланиш ниятида тадқиқотларни давом эттиришмоқда.

МУСИҚА ШИНАВАНДАЛАРИ

Европалик бир гуруҳ мутахассислар помидор гуллаш даврида рок мусиқасини баланд қилиб қўйишни тавсия этмоқдалар. Уларнинг таъкидлашларича, садо таъсирида юзага келадиган ҳаво тебранишлари гул ғунчаларининг ўзаро чангланишига ва тезроқ очилишига ижобий таъсир кўрсатади.

МЕҲНАТКАШ ЯПОНЛАР

Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, дунё бўйича энг меҳнаткаш халқ японлар экан. Иш билан банд бўлган ҳар бир япон йил давомида ўртача 2096 соат умрини ишлаб чиқаришга сарф этаркан. Ҳозирча меҳнатсеварликда швейцарияликлар иккинчи (1966 соат), америкаликлар эса учинчи (1909 соат) ўринни эгаллаб туришибди.

ХАВФЛИ КУН

Олмониялик мутахассислар автомобил ҳалокати туфайли содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларни ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келишди: ҳафтанинг жума куни соат 12 дан 15 гача бўлган пайт ҳалокатлар энг кўп содир бўладиган вақтдир. Шунингдек, уларнинг фикрича, йилнинг бу борада энг хавфли ойи декабрь экан.

Август кенгашларига тавсиялар

3-,4-,5-,6-,7-бетлар

Dolzarb mavzu

ҚАДИМДАН БУГУНГА ҚАДАР

Муаззам тарихимизни ўрганмоқ ва уни чуқур билмоқ, шунингдек, олиб борилаётган изланишларнинг натижаси ҳар биримизни қизиқтириши табиий. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Маънавият ўз халқининг тарихи, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги бўлмайди». Шу муносабат билан биз «Ўзбекистоннинг янги тарихи Маркази»нинг директори, тарих фанлари доктори , профессор Анатолий Сагдуллаев билан олиб борилаётган тадқиқотлар, мақсад ва вазифалар хусусида суҳбатлашдик.

— Домла, сиз раҳбарлик қилаётган марказнинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

— Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 19 сентябрдаги Фармойишига кўра ташкил этилган.

Ўзбекистоннинг янги тарихини ёзиш ва ўрганиш, мамлакатимиздаги тарихий жараённи ёритишга бағишланган адабиётларни таҳлил этиш ва илмий экспертизадан ўтказиш, юртимиз тарихига оид ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришда бой тарихий анъаналаримизга, миллий қадриятларга таянган ҳолда мустақиллик руҳининг халқимиз қалбида уйғонишини таъминлаш, ёшларни умуминсоний қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, халқаро, минтақавий илмий назарий анжуманлар ўтказиш, бутун дунё ва республикадаги оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистоннинг янги тарихини, миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш биринчи галдаги вазифамиздир.

Марказнинг илмий - тадқиқот ва ўқув-услубий бўлимларида 6 нафар тарих фанлари доктори, 7 нафар фан номзоди ва илмий даражага эга бўлмаган 5 нафар мутахассис тадқиқотчилар фаол иш олиб бормоқдалар.

— Ўзбекистон тарихини яратишнинг асосий йўналишлари ҳақида тўхталсангиз.

—Мавзулар ва илмий муаммолар жуда кўп. Собиқ Иттифоқ даврида уларнинг кўпчилиги илмий-услубий жиҳатдан мафкуравий маҳдудлик исканжасида бир ёқламаликка асосланиб ўрганилган ва ёритилган.

Мустақиллик йилларида Президентимиз И.Каримовнинг ташаббуси билан Ватанимиз тарихининг турли хил жараёнлари ва воқеаларига холисона баҳо бериш, қадимги даврлардан то бизнинг замонамизгача бўлган бой тарихий ўтмишимизга ҳаққоний ёндошиб ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Бундай ёндашув тарихимизни қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Шу боис уни босқичма-босқич амалга ошириш лозим бўлади.

(Давоми 7-бетда)

ТОЖИКИСТОНГА ТИНЧЛИК КЕРАК

Бирлашган тожик мухолифати (БТМ) раҳбари Саид Абдулло Нурий ҳукумат олдига бир нечта бажарилиши қийин бўлган талаблар қўйганидан сўнг мамлакатда катта қийинчиликлар билан кечаётган тинчлик жараёни яна боши берк кўчага кириб қолди. Боиси - мухолифатнинг эндиги талаблари Миллий яраш битимининг руҳига мутлақо зиддир.

Мазкур талаблар айни вақтда ҳукумат томонидан инобатга олиниши қийин. Чунки бу ҳолда мамлакатдаги тинчлик жараёнлари амалий мазмунидан маҳрум бўлади. Табиийки, фақат мамлакатда тинчлик ўрнатиш умидида қуролли мухолифат билан ярашга борган ҳукумат БТМ қўйган ультиматум талабларини бажарса, яраш битимидан кўзланган умумсиёсий барқарорлик мақсадларидан воз кечишга тўғри келади.

Мамлакатдаги қуролли қарама-қаршиликни тинч йўл билан ҳал этиш йўлларини ахтараётган кучлар вазиятнинг эндиги кескинлашувига сабаб БТМ эканини таъкидлаб, ундан ён беришни талаб этаётир. Бу аслида шундай. Лекин кескинлик илдизларига янада теранроқ назар ташланса, ҳозирги қалтисликка чет кучларнинг ҳам дахли борлиги аён бўлади. Бунга мухолифат раҳбарининг анча муддат хорижий давлатлардан бирида бўлиб қайтиб, бирданига «тўнини тескари» кийиб олгани ҳам далолатдир.

Тожикистондаги ҳокимият учун курашнинг илк босқичида мухолифат кучлари қурол-яроғ ва ўқ-дори важидан қийин аҳволда эди. Жангариларнинг ҳарбий тайёргарлиги мутлақо қониқарсиз эди. Ўзаро ҳокимият талашишларидан чарчаган оддий халқ курашувчи томонларининг бирортасини ҳам қўлламагани учун қоидали уруш эмас, шафқатсиз хунрезлик юз беради. Маглубиятга учраган мухолифат чегара ортига ўтиб кетишга мажбур бўлди. Бироқ кўп йиллик узлуксиз уруш давом этаётган Афғонистондаги вазият мухолифатнинг тарқоқ ва ва интизомсиз кучларнинг ҳарбий жиҳатдан кучайишига олиб келди. Тожикистон келажагига таъсир ўтказиши мумкин бўлган кучларни ўз қарамоғига олиш йўли билан мамлакатни ўз таъсир зонасига киритишни умид қилган чет кучлар қочоқ жангариларни ҳар жиҳатдан тайёрлай бошлади. Ҳарбий тайёргарлик ва қурол-яроғ таъминоти изчил йўлга қўйилди.

Мухолифатни мамлакатдан суриб чиқаришга муваффақ бўлган ҳукумат эса, очиғини айтганда, ички иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммоларни унчалик эпақага сола олмади. Иқтисодиёт издан чиқиб, қашшоқлик ва қаҳатчилик деярли ҳар бир хонадонга чангалини ботирди. Ғолиблар ўртасидаги мансаб талашишлар эса ҳокимиятни халқ ва дунё жамоатчилиги олдида бутунлай обрўсизлантириб қўйди. Жиноятчилик мисли кўрилмаган даражада ўсди. Қуролланган жиноятчи тўдалар куппа-кундузи мамлакат пойтахти Душанбеда талончилик қиладиган бўлди. Мухолифатнинг Афғонистонда тажриба ва ҳомий орттирган қуролли жангарилари эса тез-тез чегарадан ўтиб, мамлакат ичкарисига қуролли «сафар» уюштирадиган бўлиб қолди. Шундай «сафар»лардан бири БТМнинг етакчи қўмондонларидан бири Мирзо Зиёевнинг уч юз кишилик тўда билан тоғли Гарм водийсига мустаҳкам ўрнашиб олиши билан якунланди. Натижада мамлакатнинг ички туманларида марказий ҳокимиятга бўйсунмайдиган ҳудуд пайдо бўлди.

Тожикистондаги қуролли қарама-қаршиликларнинг иккинчи босқичида ҳукумат ва мухолифат бир-бирини енголмайдиган вазият юзага келди. Бундай ҳол сақланиб турса, мамлакатдаги сиёсий танглик бир неча ўнлаб йилларга чўзилиши мумкин эди. Шундай вазиятда халқаро ҳамжамиятнинг кўмаги билан умумий тинчлик битимининг имзоланиши ва вазиятнинг қуролли қарама-қаршиликдан миллий яраш йўлидаги музокаралар босқичига ўтказилиши олдинга қўйилган катта қадам бўлди. Бугунги Тожикистон ҳукумати ўз вақтида давлат бошқаруви ва миллий яраш йўлида бир қатор хатоликларга йўл қўйди. Лекин унинг тинчлик йўлида ўзининг қуролли рақиби бўлмиш БТМ билан музокараларга боргани халқнинг аҳволини яхшилаш учун қўлидан келганча чора кўраётгани мамлакат ҳукуматига бир қатор ҳурмат ва ишонч уйғотади.

(Давоми 2-бетда)

Xalq ta'limi va hokimiyat

ИМКОНИЯТ МАҲСУЛИ

барча хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар эътибори таълимга жалб қилинган тумандаги ишларга бир назар

Ташаббус

Икки дарё - Қорадарё ва Норин дарёлари ҳамма шўҳликларини бир четга суриб, сокингина солланиб ўзаро қўшилиб кетадиган жойда Балиқчи тумани жойлашган. Айни ўша туманда ҳокимнинг 1998 йил 29 августдаги 391-к қарорига асосан 1998-1999 ўқув йили «Халқ таълими йили» деб эълон қилинган эди. Балиқчи тумани ҳокими Одилжон ака Абдураимов туман халқ таълими ходимларининг 1998 йил август кенгаши қатнашчиларига, корхона, хўжалик раҳбарларига мурожаат қилиб таълим-тарбия ишини устувор деб билишга чақирганди. Мурожаатномада жумладан шундай сўзлар бор эди: «... Ҳурматли раҳбарлар! Сиз ҳамиша таълим-тарбия ишига, мактаб юмушига елка тутиб, соҳа муаммоларини ҳал этишда халқ таълими ходимларига мададкор, ҳомий бўлиб келгансиз. Буларни инкор этмаган ҳолда, таълимни янги поғонага кўтаришда бугун яна сизнинг, жамоангизнинг беғараз ёрдами сув билан ҳаводек зарур. Ҳозирги кунда мактабларимизнинг эллик фоизи замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган, холос. Бу ноёб ускуналарсиз ёшларни тўла маънода билимли қилиб бўлмайди. Оталиғимиздаги ҳар бир таълим муассасасига ер участкалари, спорт майдончалари ажратиб бериш, ўқувчиларни дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашда ҳомийлик қилиш, қисқаси, таълим-тарбияга чинакамига оталиқ қилиш ҳар бир ориятли раҳбарнинг виждон иши бўлиб қолсин».

Туман ҳокимининг ташаббуси, айниқса, халқ томонидан қўллаб-қувватланди. Устоз мураббийлар, тадбиркору ишбилармонлар, корхонаю ташкилотлар раҳбарларининг ғайрат-шижоатига, имкониятларига ишониб бу эзгу ишга қўл урилди.

Масъулият

Балиқчи туманида 1998-1999 ўқув йилининг халқ таълими йили деб эълон қилиниши муносабати билан туман миқёсида амалга оширилиадиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастур плакат ҳолида нашр этилиб барча таълим муассасаларига, ҳомийлар ва оталиқ ташкилотларига тақдим этилди. Унда таълимни ривожлантириш омиллари — моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўғинлари, масъул ходимлар, ишнинг аниқ бажарилиш муддатлари акс этган. Жами 53 та мактабда фаолиятнинг ташкил этилиши, моддий баъзанинг мустаҳкамланиши, ҳомийлар билан муносабатлар, таълим-тарбия жараёнига ишлабчиқаришни ҳам жорий этиш каби ишларни назорат қилиш учун, зарур бўлганда амалий ёрдам ва маслаҳатлар бериш мақсадида мутасадди вакиллар бириктирилган эди. Вакилларнинг саъйи-ҳаракати туфайли хўжаликлар шароитидан келиб чиқиб, жами 210 гектар ер таълим муассасаларига ажратиб берилди. Ўқувчиларни ўқув қўлланмалари ва дарсликлар билан таъминлашда мактаб ва отаоналарга, айниқса, шароити оғир оилаларга яқиндан ёрдам беришга эришилди. Соҳада маънавият ва маърифат ишларини жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Туманда ҳафтанинг ҳар жума кунлари «Мактаблар куни» деб белгиланиши боис, шу куни хўжалик, ташкилот, корхона раҳбарларининг таълим муассасаларида бўлиб, улар ҳолидан хабар олиши йўлга қўйилди. Спорт ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш, бунинг учун зарур шароитлар яратишга бўлган эътибор туфайли 2 та мактабда спорт майдончаларини ташкил этиш (бошқа мактабларда бундай майдончалар бор) туман спорт қўмитаси ва ХТБ зиммасига юкланди. Халқ таълими раҳбарлари ўртасида ҳам «Ибрат» теннис турнирини мунтазам ўтказишга эришилди.

Натижа

Туман халқ таълими тизимидаги мактабларда ўқув-тарбиявий ишларни янада яхшилаш, уларнинг моддий аҳволини мустаҳкамлаш борасида нечоғли ишлар қилинганини қуйидаги натижалардан билиш мумкин.

Ўқув йили давомида умумтаълим мактаблари учун 25 та замонавий компьютерлар сотиб олинди. Мавжудларидан 10 таси таъмирланди. Туман ХТБ бошчилигида илғор, фидойи таълим ходимларини рағбатлантириб бориш мақсадида «Маърифат» жамғармаси ташкил этилди. Ўқувчилар қизиқишини, иқтидорини рўёбга чиқариш учун биология, химия, инглиз тили, математика каби фанлар бўйича чуқурлаштирилган синфлар, мактаблар ташкил этилди. «Энг гўзал мактаб», «Энг тадбиркор директор», «Энг ижодкор ўқитувчи» каби танловларни мунтазам ўтказиб бориш йўлга қўйилди. Туман ҳокимининг бир талай мукофотлари таъсис этилиб, улар фанлар бўйича алоҳида эришган ютуқлари учун мактаб ўқувчиларига ўқув йили охирида топшириладиган бўлди.

Мана ўқув йили ҳам якунланди. Янги ўқув йилигача 30 та мактаб томини, 26 та мактабдаги иситиш тармоқларини таъмирлаш, авария ҳолатидаги 34-мактаб учун янги бино қуриш кўзда тутилган. Таъмир ишлари учун албатта, ёзги мавсум қулай фурсат. Қолаверса, ўқув муассасалари ўзларига берилган ер майдонларидан (асосан буғдой экилган) оладиган даромадларини ҳам мавжуд вазифаларни бажаришга сарфлаш имкониятига эга. Бу борада туман ҳокимлиги ва мутасадди раҳбарлар ўз ёрдамларини аямайди, деб умид қиламиз. Яъни маҳаллий ҳокимиятларнинг ёрдами мактабларга ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга имкон яратиш, ер майдонлари бериш, даромадларини ўз вақтида олишга кўмаклашишдан иборат. Гарчи ҳар биримизнинг ўз вазифамиз, юмушларимиз бўлса-да, таълим-тарбия ишига кўмаклашиш, соҳа ходимларига мададкор бўлиш ҳар қандай вазифадан юксак ва ҳар қандай юмушдан қутлуғроқдир.

Фахриддин КАРИМОВ,
"Маърифат"нинг
махсус мухбири

ЭЛБЕККА ЭҲТИРОМ

XX аср ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Элбек таваллудининг юз йиллиги кенг нишонланмоқда. Тошкент вилояти ҳокимлиги халқимизнинг асл фарзанди Машриқ Юнус ўғли Элбек таваллуди муносабати билан бир қатор хайрли тадбирларни амалга оширди. Жумладан, шоирнинг «Сайланма» ва «Мунгли қушим» китоблари чоп этилди. Бўстонлиқ тумани марказидаги кўчалардан бирига унинг номи берилди. Ғазалкент шаҳрида Элбек ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар истиқлол туфайли халқимизнинг асл фарзандлари номи тикланаётганини мамнуният билан қайд этдилар. Адибнинг жўшқин ҳаёти ва серқирра ижодий фаолияти, авлодларга қолдирган бой адабий мероси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёшларни истиқлол, миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев сўзга чиқди.

МУХБИРИМИЗ

АЛ-ФАРҒОНИЙ ЗИЁРАТГОҲИГА САФАР

Яқинда ўз фаолиятини бошлаган Наманган вилоят ёш ўқитувчилар уюшмаси аъзолари ўзларининг бутун куч-ғайратини таълим-тарбия самарадорлигини оширишга қаратмоқдалар.

Буюк аждодларимиз ҳақида чуқур маълумотга эга бўлиш, улар туғилиб ўсган жойларни зиёрат қилиш ёш мураббийлар учун қай даражада муҳим эканлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Уюшма аъзоларидан бир гуруҳи яқинда қадим Фарғонанинг Қува шаҳрида бўлиб, улуғ аллома Ал-Фарғоний ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб қайтдилар.

Сафар «Мураббий» газетаси таҳририяти ҳомийлигида уюштирилди.

Дилбар ҲАЙДАРОВА

ИЖРО ИНТИЗОМИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Hay'at yig'ilishida

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиш аҳволи қай даражада? Қарорда таъкидланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини синовдан ўтказиш жараёни қандай якунланди? Тажриба-синов майдончаларида олиб борилган тажрибалардан қандай хулосалар чиқарилди? Янгиликлар борми? Синов дастурлари ва таълим стандартлари таклифлар асосида белгиланган муддатда тайёр ҳолга келтириладими? Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси биринчи масаласида ана шу каби саволларга атрофлича жавоб қайтарилди ва тез кунларда амалга ошириладиган вазифалар – Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини босқичма-босқич ўқув жараёнига тадбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида фикр юритилди. Бу хусусда вазирликнинг таълимда давлат стандартлари мониторингги бошқармаси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов батафсил гапирди.

Мажлисда Халқ таълими тизимида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу борада амалга оширилган муайян ишлар қаторида жиддий камчиликлар борлиги ҳам маълум бўлди. Тўғри, кейинги йилларда умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Илм масканларида жисмоний тарбия билан 5506565 ўқувчи мунтазам равишда шуғулланишаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Спорт секциялари сони кўпайиши билан бирга соғломлаштириш гуруҳларидаги ишлар ҳам жонланмоқда.

Бироқ республика ўқув муассасаларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш борасида айрим жойларда жонкуярлик қилинмаяпти. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, педагогика билим юртлари директорлари, педагогика институтлари ректорлари маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда жисмоний тарбия ва спорт ишларига етарли эътибор бермаганлиги сабабли ўқув юртларини спорт анжомлари билан таъминлаш мақтанарли даражада эмас. Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги мактабларда кўпгина спорт анжомлари етишмайди. Умумий ўрта таълим мактабларининг 60 фоизи волейбол, баскетбол, футбол тўплари билан тўлиқ таъминланмаган. Қолган вилоятлар ҳақида худди шу гапларни гапириш мумкин...

Ҳайъат мажлисида яна бир муҳим масала — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг «Қонунбузарликлар, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида»ги тақдимномаси кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан вазирликнинг ташкилий педагогик ва умумий ишлар бошқармаси бошлиғи Исоқ Нишоновнинг ҳисоботи тингланди.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ва Республика ҳукуматининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли, «Иш юритишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 140-сонли қарорлари талаблари асосида вазирликнинг иш тартиби ишлаб чиқилган ва ҳайъат мажлисида тасдиқланиб, жойларга етказилган. Бироқ, жойларда амалга оширилган ташкилий-услубий тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги таъминланмаганлиги, Қонун талабларини бажаришда юқори самара берадиган янгича ёндашувлар, янги мазмундаги иш шаклларини ва услубларни етарли даражада жорий этилмаганлиги оқибатида таълимга раҳбарлик, айниқса, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича фаолиятга меҳнаткашлар томонидан билдирилаётган ҳақли эътирозлар, хат, ариза ва шикоятлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Уз ариза ва шикоятларнинг жойида кўриб чиқилмаганлиги ёки текширув хулосасидан қониқмаганлиги боис фуқаролар юқори раҳбарлик идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Масалан, вазирликка 1998 йилнинг 1-ярим йиллигида фуқаролардан 172 хат, ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлса, 1999 йил 1 июнига қадар уларнинг сони 241 тага етди.

1999 йил январь-май ойлари давомида меҳнаткашлардан тушган хат, ариза ва шикоятлар сони 1998 йилнинг шу даврига нисбатан Қашқадарё вилоятида 22 тадан 32 тага, Сурхондарё вилоятида 16 тадан 26 тага кўпайган. Шу боис ҳайъат мажлисида Қашқадарё (Р. Мусурмонов) Сурхондарё (Б. Мирзаев) вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиқларининг бу борадаги ҳисоботлари ҳам тингланди. Улар фуқароларнинг мурожаатларини ижтимоий адолат тамойиллари асосида кўриб чиқаётганликларини, шунингдек, қонунбузарликлар олдини олишда қўлланилаётган ибратли ишларни ҳам айтиб ўтдилар.

Ҳайъат мажлиси қарорига кўра, фуқароларнинг хат, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, уни Қонун талаблари асосида ҳал қилишда юзаки муносабатда бўлган бошқармалар ва бўлим бошлиқлари қатъий огоҳлантирилди. Келажакда ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хат, ариза ва шикоятлари билан ишлаш бўйича қилинган ишлар таҳлили ҳар ойнинг сўнгги душанбасида муҳокама қилиш учун вазирлик ишлаб чиқариш мажлисига киритилади. Шунингдек, бу масала йилнинг ҳар чорагида вазирлик ҳайъат мажлиси муҳокамасига қўйиладиган бўлди.

Ҳайъат мажлиси якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди, келажакдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъат мажлисига Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов раислик қилди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ

ТОЖИКИСТОНГА ТИНЧЛИК КЕРАК

(Боши 1-бетда)

Ҳокимият органларидан тегишли миқдорда жой олгач, мухолифат ҳал қилиниши ўта зарур бўлган ички иқтисодий муаммолар ечими билан машғул бўлиши оқибатида ҳарбий ва сиёсий танглик бироз юмшаши кутилаётган эди. Мамлакатда бунинг учун объектив шароит етилган эди, лекин мухолифатнинг асл мақсади бошқача эканлиги билиниб қолди.

Кеча хорижда тентираб юрган мухолифатчилар ватанга қайтиш учун ҳар қандай шартга рози эди. Бугунга келиб эса мухолифат вакиллари аҳволини бир қадар ўнглаб олиши биланоқ иштаҳаси очилиб, янги талаблар қўйишни бошлади. Мамлакатда президент сайловидан олдинроқ парламент сайлови ўтказиш талабининг кўтарилиши ўта айёрлик билан ўйлаб топилган шундай тактик йўллардан биридир. Президент сайловида халқ ҳукумат ва мухолифат вакилларидан бирига овоз беради. Табиийки, бугунгидай шароитда мухолифат вакилининг халқ ишончига сазовор бўлиши қийин. Шу боис ҳам мухолифат олдин парламент сайлови ўтказиш талабини кескин кўндаланг қўйиш билан мамлакатдаги нозик сиёсий мувозанатни бузиб юбориш илинжида.

Мамлакатимиздаги вазиятни лойқалатиб, сўнг ҳокимият овига тушишни орзу қилган дин ниқобидаги айрим ўзбекистонлик экстремист, ватанфуруш жангариларнинг БТМ назоратидаги ҳудудларда маскан топгани ҳам тожик мухолифатининг асл мақсадини кўрсатиб турибди. БТМ назаротчиларининг тинчлик шароитида ҳокимиятни қўлга ололмаслигига кўзлари етади. Шу боис улар ҳар қандай йўл билан барқарорликни бузишга уринмоқда. Уларнинг ўзбекистонлик бир неча жангари экстремистларини ўз паноҳига олишидан мақсад ҳам шу. Улар Тожикистон ҳудудида ақидапараст кучларнинг мавжуд бўлиши икки қўшни ва биродар халқлар ўртасида таранглик сақланиб туришига бир сабаб бўлишидан умид қилмоқда. Бироқ яқинда Ўзбекистон ва Тожикистон томонларининг ташқи ишлар вазирлиги, хавфсизлик хизмати ва ички ишлар вазирликларининг ўзаро ҳамкорлик ҳақида келишиб олгани тожик мухолифатининг ғаразли мақсади минтақадаги соғлом кучлар қаршилигига дуч келганини кўрсатди.

Тожикистонга тинчлик керак. Фақат тинч ва дунёвий демократик йўлни танлаган Тожикистонгина минтақада барқарор тинчлик ўрнатилиши омилларидан бири бўлиши мумкин. Минтақада тинчлик ўрнатилиши эса шу гўзал ва бой заминда истиқомат қилаётган барча халқларнинг манфаатига бирдай хизмат қилади.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА шарҳловчиси

КОЛЛЕЖЛАР ҚУРИЛИШИ ЯКУНЛАНАДИ

Бунинг учун ҳаракат қизғин бормоқда

(Боши 1-бетда)

Шундай бўлса-да, бу ерда қазиш, пойдевор ишлари тўлиқ якунланиб, 12 та блокдан иккитасининг биринчи қаватига қурувчилар ғишт териб ҳам бўлишибди.

— Авалига қурилиш материалларининг танқислиги бўлди. Лекин, мана, ҳозир Кувадан ойна, Бекободдан цемент, Тошкентдан лак, бўёқлар, Голландиянинг пластмасса деразалари келиб турибди, - дейди ҳоким ўринбосари.

Чуст шаҳридаги коллежга айлантирилаётган 32-касб-ҳунар лицейи биносини қайта таъмирлаш ишлари билан танишганимизда, бу ерда фақат бинонинг ташқи кўриниши (фасад), пардозлаш ҳамда том ишларини охирига етказиш қолганлигининг гувоҳи бўлдик. 170 нафар қурувчи кеча-ю кундуз тинмай иш олиб бормоқда. Айни пайтда мана шу бинода ўқиши керак бўлган ўқувчилар тумандаги 2-касб-ҳунар мактабига кўчирилган.

Чортоқдаги қишлоқ хўжалик коллежи қурилишида эса ҳозирга қадар 11 миллион 330 минг сўм маблағ ўзлаштирилган. Қурилишда 180 нафар қурувчи кўлни-кўлга бериб ишламоқда. Энг муҳими, ғишт заводлари билан тузилган шартномалар натижаси ўлароқ, объектга ғиштлар вақтида келиб тушмоқда. Бажарилган бу ишлар йил давомида қилинадиган сарф-харажатнинг қарийб 20 фоиздан кўпроғига тўғри келади. Демак, ҳаммаси рисоладагидек.

Энди вилоят бўйича йиғилган далилларга назар ташлайлик.

1999 йилда вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси томонидан 19 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицейни қурилиши режалаштирилган. Бунга 2 миллиард 90 миллион сўм капитал маблағ ажратилган. Шу жумладан, 7 та мослаштириш ҳисобига 1 миллиард 190 млн. 500 минг сўм, 11 та янги қурилиш ҳисобига 650 миллион сўм, 2 та тугалланмаган қурилиш лицей ва коллежга 63 миллион сўм, келгуси йилда қуриладиган коллежлар лойиҳасини тайёрлаш бўйича ҳаражат 184 миллион 500 минг сўмни ташкил қилмоқда. Айни пайтда Косонсой, Норин, Чуст туманларида биттадан, Наманган шаҳрида 3 та касб-ҳунар коллежлари таъмирланмоқда. Бундан ташқари, яна 11 та туманда янги коллежлар қурилиши жадал олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар жами ажратилган маблағнинг 21,4037 минг сўм ўзлаштирилган. Бир сўз билан айтганда, ишлар бир маромда бормоқда.

Сафар чоғида вилоят ҳокимлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шарифжон Эргашев билан ҳам суҳбатлашдик.

— Бу йил ишга тушиши керак бўлган коллежлар реконструкцияси тугалланай деб қолди, -деди Шарифжон ака. – Лекин мазкур ўқув муассасаларининг кадр билан таъминлаш муаммоси анча қийин кечмоқда. Негаки, коллежларнинг аксарияти туманларда ташкил қилинаётганлиги боис, шаҳардан бориб ишлашга талабгорлар деярли йўқ. Сирасини айтганда, бу ҳақда ўша коллежлар қурилаётган жойлардаги маҳаллий раҳбарлар кўпроқ куюнсалар, бугунданоқ уларни малакали кадрлар билан таъминлашининг илк чора-тадбирларини кўрсалар бўларди.

Саййид ОЛИМ

Суратларда: Чуст шаҳридаги 900 ўринли коллеж қурилишидан лавҳалар.

Т.МАҲКАМОВ олган суратлар.

МЕЗОН

Юмшоқ ўриндиққа ўрнашиброқ жойлашдим. Автобус ўрнидан қўзғалган ҳам эдики, бир кекса отахон ҳаллослаб келиб ёнимдаги жойга ўтирди. Салом аликдан сўнг: « — Қизимникига келувдим, неваларим ҳам мендан ажрагиси келмайди, йиғлатиб бўлса ҳам кетяпман, — деди менга қараб, —бола ширин, набира асал бўларкан».

У билан анча суҳбатлашиб бордик. Отахон иш жойимни, ёшимни, ҳатто жамоадаги ўрнимни ҳам суриштира бошлади. Кўринишидан кўпни кўрганлиги маълум эди.

—Ўғлим, мана менинг болаларим тенги экансан. Ақлинг бор, фаросатинг бор: ишлаш керак. Ҳа, ишлаганда ҳам ҳалол ва шиддат билан. Инсоннинг бахти қаерда, бахт ўзи нима? Агар оиланг тинч бўлса, бировдан қарзинг йўқ бўлса, сен бахтлисан. Ишлаб турган жамоангда йўқ бўлсанг, йўқланадиган ўрнинг борми, бу ҳам бахт-да. Мен кўп йиллар раҳбарлик вазифаларида ишладим, кам бўлмадик: озми-кўпми халққа нафимиз тегди, шекилли. Нафақа ёшига етиб ариза бердим. Яна пича ишланг, дейишди. Ишладим. Кейинчалик ўрнимга яхши йигитлардан бирини қўйдим-да, бўшаб олдим. Ўғлим, ёруғ оламда ҳар неки бор ўлчовда бўлади. Ёшлик шавқи, йигитлик завқи борида ғайрат билан меҳнат қилдик. Ҳаёт чархпалаги мана кексалик манзилига олиб келди. Агар шукр қилиб, Оллоҳдан инсофу имон тилаб яшасанг, қарилик ҳам ўзига хос давр экан.

Отахоннинг оппоқ соқолларини тутамлаб, оҳиста силаб қўйишлари тийрак кўзларидан ёғилиб турган шижоат нури, пешонадаги машаққат чизиқлари у кишига аллақандай нуронийлик, улуғворлик бағишлаб турарди.

—Ҳар ким ўз ўрнини билиши керак бўлади, — фикрларини давом эттирадилар отахон. — Ҳаёт, турмуш бамисоли саҳна. Ҳар бир инсон ўз ўрнини бир мартагина «ўйнаб» кетади. Ижроият тугадими? Марҳамат, саҳнани бўшат, токи томошабинлар сени қувмасдан туриб. Мен нима демоқчиман. Инсон доимо ўзига савол бериши керак: «Мен одамларга керакманми, жамоада ортиқча эмасманми, ёшларнинг йўлига тўғаноқ бўлмаяпманми?» Менинг кучим, ақлим етарли, ҳозиргача ҳам ишлашим мумкин эди /Етмишдан ўтдим/. Ишламадим. Сабаб: бизнинг давр ўтди. Бугунги даврнинг ўз эгаси бор. Булар сен ва сен кабилар. Бизнинг вазифамиз: ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш, панд-насиҳат айтиш , елкасини қоқиб, ғалабага руҳлантириш.

Автобусдан тушиб, отахон билан самимий хайрлашиб иккимиз ҳам ўз манзилимизга йўл олдик.

Ҳаётда ўз ўрнини топиш, ўзига ўзи баҳо бера олиш... Одамни беихтиёр чуқур ўйга толдирувчи фалсафа. Умр ўлчовини, давр оқимини тўғри, ва ўз вақтида, англай билиш нақадар катта матонат эканлигини энди ҳис қиляпман.

Бугунги шиддаткор даврнинг турли нурли қоялари сари бораётган оловқалб ёшлар сафида турториб қолаётган, маълум даражада «чарчаган» кишиларнинг руҳиятини тушунаман. Тушунаману, эзилиб кетаман...

Шухратжон СУЛТОНОВ,
Фарғона вилоят иқтидорли болалар мактаб-интернат ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ВА МАЪНАВИЯТ

(1999 йилда республика халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича методик тавсиялар)

Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Минг бора шукрлар бўлсинким, кексаларимизнинг ҳар тонг, ҳар шом дастурхон атрофида фотиҳага қўл очиб, юртга тинчлик, ёмонларга инсоф, катта-кичикка диёнат тилаб қилган дуолари вожиб бўлди. Асрий орзуларимиз ушалиб, мустақилликка эришдик. Истиқлол тонги отиб, озодлик қуёши зиё таратмоқда, мустақилликнинг табаррук байроғи остида халқимиз янги — XXI аср сари илдамламоқда.

Юртбошимиз айтганидек, ўқувчиларимизни «... ўз тараққиёт йўлимиздан тезкорлик билан илгари силжишга кучли руҳий қувват берадиган миллий маданиятимиз, Шарқ фалсафасининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд этиш...» дек долзарб ва муҳим вазифа халқ таълими ходимлари олдида турибди.

Чунки, давлат ва жамиятнинг келажаги ёш авлодни комил ва фозил шахс сифатида вояга етказишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўз навбатида, жамият ва мамлакатнинг равнақи, фан ва техника тараққиёти ёш авлоднинг маънавий баркамоллик даражаси билан белгиланади.

Президент И.А. Каримовнинг «Маънавият йўқ жойда тараққиёт йўқ» деган гапларидаги улкан ҳақиқат ёдимизда бўлмоғи лозим.

Маънавият – ахлоқ-одоб, достлиқ, виждон, ҳалоллик, самимият, имон, эътиқод, ҳақиқат каби тушунчаларнинг йиғиндиси демакдир.

Авлод-аждодларимиз асрлар мобайнида интилиб келган маънавий-ахлоқ, баркамоллик, аввало, инсоннинг ўз-ўзини англаши бўлиб, у фақат таълим-тарбия орқалигина амалга оширилади. Ўз-ўзини англаш эса бошқаларни англашга, демакки, дунёни англашга, унинг сир-асрорларини тушунишга йўл очади.

Миллат маънавиятини соғломлаштириш бугунги кунда кучли заруратга айланди. Бу вазифани амалга ошириш учун ҳар бир инсоннинг қалбини, туйғуларини, ҳиссиётларини тарбиялаш, уларни сергаклантириш, лоқайдликдан чиқариш лозим.

Маълумки, ўтмишни ўрганмай, келажакни яратиб бўлмайди. Қайси бир халқнинг маданияти қанчалик қадимий бўлса, ўша халқнинг маънавий илдизи ҳам шунчалик чуқур бўлади, зеро ҳар қандай маданият, ҳар қандай ахлоқ, урф-одатлар катта инсоний фаолиятнинг синовлари, ҳаётий тажрибалари асосида юзага келади ва авлоддан авлодга мерос қолдирилади.

Халқимиз тарихи ва маданияти эса бир неча минг йилликлар оша шаклланиб, бойиб келмоқда. Юртимиз тупроғи инсоният тараққиётининг ер юзидаги энг қадимий ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бу эса, бугунги қўлга киритган ютуқларимизнинг, эртага эришажак ғалабаларимизнинг ҳаётбахш асосидир.

Таълим мазмунини ислоҳ қилиш кераклигини ҳамма ўқитувчи билиши лозим. Дастур ва дарсликларнинг янгиланиши, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ҳар бир дарс, ҳар бир мавзуга XXI аср йўналишининг сингдирилиши ҳаёт талабидир. Янги таълим мазмунини эски усул билан бериб бўлмаслиги ҳаммага аён бўлиши керак. Бу ишда асосий ижрочи куч — ўқувчи шахси. Ўқувчининг дарсда фаоллиги ўқув жараёнида масъулиятни ҳис этиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг ижодкорлигига боғлиқ. У ўқишга муҳит, шароит, имконият яратади, ўқувчининг талаби эса истеъдодига яраша билим беради.

Жаҳон маданияти бешигини тебратган, башариятга бебаҳо тафаккур хазинасини, оламшумул билимлар қомусини қолдирган аждодларимиз меросини чуқур ўрганмай туриб, бу вазифаларни амалга ошириб бўлмайди.

Мазкур мақсадлар истиқлол шарофати билан яратилаётган, 1998/99-ўқув йилида тажриба-синовдан ўтган янгиланган дастур ва дарсликлар мағзига сингдирилди. Умумий ўрта таълим мактаблари учун яратилаётган дастур ва дарсликларда асосий эътибор ўқувчиларда ташаббускорликни ошириш, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Анъанавий Август кенгашларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ўқув жараёнига янги информацион технологияларнинг олиб кирилиши устувор вазифа қилиб қўйилмоғи даркор.

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш учун янги типдаги ўқув режа, ўқув дастури ва таълим стандартлари яратилди. Лекин уни тўла амалга ошириш учун таълим мазмунига янги педагогик тажрибаларни, технологияларни олиб кириш, уларни жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш керак.

Ҳозирда оммавий равишда қўлланилиб келаётган анъанавий таълим беришнинг синф — дарс усулининг ўз ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Қўлланилаётган лекция, ҳикоя, суҳбат ва шунга ўхшаш усулларда кўпинча ўқитувчи берадиган фикр ўқувчига бир ёқлама сингдирилади. Бундай ҳолатда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги қайта алоқа кўнгилдагидек бўлмайди. Агар ўқитувчи педагог маҳоратли, сўзлашув маданиятига, фикрларни аниқ, содда ва тушунарли баён этишга уста бўлса, бу усул билан ҳам мақсадга эришиш мумкин. Албатта бундай қобилиятга барча педагоглар тўлиқ эга эмаслар. Демак, муваффақиятнинг асосий гарови ўқувчиларнинг барчасини ўргатиш-ўрганиш жараёнига фаол жалб этишдир. Ҳозирги кунда Республикамиз таълим тизимига ҳам янги педагогик технология элементлари кириб келмоқда. Лекин қўлланиб келинаётган бу технологияларнинг ҳам ўзига хос камчиликлари мавжуд. Шунга кўра, Республика таълим марказида илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш ва баҳолаш мезонлари ишланди.

Педагогик технологияни қўллашни ташкил қилиш ва бошқариш маълум бир асосларга эга. Улар қуйидагилар:

1) Педагогик технологиялар банки, уларнинг ўқув-методик жиҳатдан таъминланганлиги.

2) Педагогик технологияларни танлаш мезонлари.

3) Ўқув-тарбиявий жараёнга педагогик технологияни киритиш механизми.

Ҳозирги кунда жаҳонда кўплаб педагогик технологиялар қўлланилмоқда. Улардан маҳаллий шароитларда қўллаш мумкин бўладиганларини танлашнинг ўзига хос принциплари мавжуд:

— мамлакат, вилоят, туман ёки шаҳарнинг мактабга берган ижтимоий буюртмасига кўра;

— мактабни ривожлантириш тўғрисидаги ҳукумат ҳужжатларига кўра давлат буюртмаси;

— ҳозирги замон фанининг эришган ютуқларига кўра;

— раҳбарлар, педагогларнинг касбий тажрибаси, ижодкорлиги.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кунда тажриба-синов ишлари олиб борилаётган кўпгина жойларда янги педагогик технология ва унинг айрим элементлари синаб кўрилмоқда. Жумладан, 1998 йил 25 августда «Маърифат» газетасида эълон қилинган «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг усули тўғрисида»ги Низом барча тажриба-синов майдончаларида синалмоқда. Таклиф қилинган рейтинг усули ўқувчилар билимини адолатли баҳолашни таъминлаган ҳолда, барча педагоглар томонидан осон қўлланиши мумкинлигини кўрсатди.

Ҳозирги кунда тажриба-синов натижаларига кўра янгидан яратилаётган ўқув-методик адабиётлар мажмуасига янги педагогик технологияларни киритиш ишлари олиб борилмоқда. Август кенгашлари кун тартибида ҳам бу масала асосий ўринларда турмоғи керак.

Ялпи йиғилишларни ўтказиш бўйича тавсиялар навбатдаги сонларда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори асосида 1998—1999 ўқув йилида тажриба-синовдан ўтган 5-9-синфлар учун янги ўқув дастурини шўъба йиғилишида ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

5-синфда «Ватан тарихидан ҳикоялар» курси энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган энг муҳим воқеалар фан асослари сифатида эмас, ҳикоялар тарзида ўрганилади. Бунда «Ватан тарихидан ҳикоялар» (Б. Аҳмедов, 1998 й.) дарслигидан фойдаланилади.

6-синфда энг қадимги даврдан милоднинг V асригача бўлган давр ўрганилади. Бунда янги дарсликдан (А. Сагдуллаев ва бошқалар) фойдаланилади.

7-синфда V-XVI асрлар. Эфталийлар давлати ташкил топишидан XV аср охири — Темурийлар давлати инқирози даврини ўз ичига олади.

8-синфда Шайбонийлар давлатининг (XVI аср) ташкил топишидан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр ўрганилади.

9-синфда XIX аср ўрталаридан XX асрнинг 1917 йил февралигача бўлган давр ўрганилади. Бунда муаллиф Ж. Раҳимов дарслигидан фойдаланилади.

10-синфда 1917 йил февралидан миллий истиқлолга қадар бўлган давр (1991 йил) ўрганилади.

11-синфда мустақиллик даври ўрганилади. Бунда «Ўзбекистон тарихи» (Н. Жўраев ва бошқалар, Т. "Шарқ", 1998 й.) дарслигидан фойдаланилади.

«Ўзбекистон тарихи» ўқув фани материалларини чуқурроқ ўргатиш ҳамда билимларни баҳолашда рейтинг тизимидан фойдаланиш мақсадида дастурнинг айрим бўлимларида ўлкашунослик материалларини ўрганиш, умумлаштириш дарслари учун маълум вақт ажратилган бўлиб, улардан фойдаланишнинг ўрни, ҳажми ва характери ҳақидаги масалани ўқитувчининг ўзи ҳал қилади.

«Ўзбекистон тарихи» ўқув фанини ўқитишнинг вазифаларидан бири – юртбошимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида алоҳида таъкидлаганидек, «Ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз»дан иборатдир.

«Жаҳон тарихи» ҳамда «Ўзбекистон тарихи» ўқув фанлари 5-11-синфларда ёнма-ён ўқитилади. Бунда айрим мавзуларда умумийлик бўлиши мумкин. Бироқ, 1999-2000 ўқув йилида «Жаҳон тарихи» ўқув фани «Ўзбекистон давлати» мавзусини кенг маънода ўрганади.

5-синфда «Жаҳон тарихидан ҳикоялар» янги ўқув курси ҳам ўқитилади.

Бу янги курсни ўқитишдан асосий мақсад: ўқувчиларга қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган дунё тараққиётидаги энг муҳим воқеалар ҳақида содда тушунчалар беришдир. Шунингдек, инсоният босиб ўтган йўли ҳақида, тарихий даврлар тўғрисида, «Ватан тарихидан ҳикоялар» билан ёнма-ён "Жаҳон тарихи" тизимида Ўзбекистоннинг ўрнини белгилаш ва ватанпарварлик ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ва тасаввур ҳосил қилишдан иборатдир.

Курс қуйидагича режалаштирилади:

Кириш. «Дунё халқлари: ўтмиш ва бугун».

I бўлим: Қадимги даврдан ҳикоялар (8 соат).

1. Тарих фани ҳақида.
2. Дастлабки одамлар ва уларнинг ҳаёти.
3. Кишилик жамиятининг тараққиёти.
4. Дастлабки давлатлар.
5. Миср эҳромлари.
6. Қадимги юнон афсоналари ва достонлари.
7. Қадимги савдо йўллари.

Такрорлаш.

II бўлим.

Ўрта асрлар давридан ҳикоялар (9 соат).

8. Ўрта асрлар даври ҳақида.
9. Ислом дини
10. Чингизхон давлати.
11. Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни.
12. Ўрта Осиёда уйғониш даври.
13. Ҳиндистон ва Бобур.
14. Американинг кашф этилиши.
15. Европада уйғониш даври маданияти.

Умумлаштириш дарси.

III бўлим.

Янги даврдан ҳикоялар (16 соат).

16. Жаҳон тарихидаги янги давр.
17. Чингачгуклар юрти тақдири.
18. Европада маърифатчилик.
19. Дунёнинг бўлиниб олиниши.
20. Буюк кашфиётлар.

Такрорлаш.

21. Кишилик жамияти XX аср бошларида.
22. Советлар империясининг ташкил топиши.
23. Туркия мустақиллиги.
24. Осмонимиз мусаффо бўлсин.
25. Ҳиндистон мустақиллиги.
26. Африка тараққиёт йўлида.
27. Советлар империясининг қулаши.
28. Жаҳон бугунги кунда.

Якуний такрорлаш.

6-синфда Энг қадимги давр, Қадимги Шарқ, Қадимги Греция ва Рим тарихи мавзулари ўргатилади.

7-синфда Ўрта асрлар даври (Милодий 476-1640 йиллар) бўлган давр ўргатилади.

8-синфда Янги давр (1640-1870 й.) ўргатилади.

9-синфда Франция – Пруссия урушидан бошлаб 1-жаҳон урушигача (1870-1914 й.) бўлган давр ўргатилади.

10-синфда Жаҳон тарихининг энг янги даври (1914-1945 й.) ўргатилади.

11-синфда Энг янги давр (1946-1998 й.) ўргатилади.

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

8-синф учун «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи». 9-синф учун «Конституциявий ҳуқуқ» курсларининг синов дастури ҳамма вилоятлардаги тажриба-синов майдончаларида қабул қилинган мактабларда синаб кўрилди ва натижалари таҳлил қилиниб тасдиқланди. Август анжуманлари шўъба йиғилишида ўқитувчилар мазкур дастурлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши лозим. Ушбу дастурлар бўйича ўқитиш 8-синфда 2000-2001 ўқув йилидан, 9-синфда эса, 2001-2002 ўқув йилидан жорий этилади.

1999-2000 ўқув йилида 9-синфда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси ўқитилади. Мазкур курсни режалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузасида баён қилинган, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлмоғи керак.

Бу курсни ўқитишда «Конституция ва биз» (М. Тансиқбоева ва О. Муҳаммаджонов. Тошкент. «Адолат», 1988 й) дарслик қўлланмадан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ДИНЛАР ТАРИХИ

9-синфда Ўзбекистон ва жаҳон тарихи таркибида (Ўзбекистон тарихидан 17 соат, жаҳон тарихидан 17 соат) «Динлар тарихи» ўқитилади.

Ўқитиш жараёнида «диний экстремизм ва фундаментализм тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи» ҳамда «Ҳадис илми сабоқлари» мавзуларида ҳам машғулотлар ўтказиш тавсия қилинади.

Бунда «Дунё динлари тарихи» (Й. Саиджонов ва У.Жўраев. "Шарқ". 1998 й.) дастури ва ўқув қўлланмасидан фойдаланиш тавсия этилади.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

11-синфларда «Инсон ва жамият» ўқув курсини ўқитишда Ҳалқаро Қизил Хоч қўмитаси, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ва Ўзбекистон Халқ Таълими вазирлиги ҳамкорлигида яратилган ўқув қўлланмаси ва ўқитувчилар учун методик тавсиялардан фойдаланилади.

Август анжуманлари шўъба йиғилишида қуйидаги мавзуларда маърузалар тингланади:

1. «Инсон ва жамият» дарсларида Ўзбекистон Президенти И.Каримов асарларидан фойдаланиш.
2. «Инсон ва жамият» дарсларида умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги.
3. Ҳуқуқ дарсларида қонун моддаларидан фойдаланиш.
4. Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси борасида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан ҳамкорлик масалалари.
5. Давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.
6. «Сиз ҳуқуқни биласизми?» танлови ва олимпиадага ўқувчиларни тайёрлаш.
7. Янги педагогик технология асосида ўқитиш усуллари.
8. Ўзбекистон тарихига оид дидактик материаллардан ЭҲМ ёрдамида фойдаланиш.
9. Мактабда тарихий ўлкашунослик ишларини ташкил этиш.
10. Тест билан ишлаш, рейтинг усулида баҳолаш тажрибасидан.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Ўзбекистон Республикаси дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига етиш мақсадида барча соҳаларда катта ишларни бошлаб юборди. Усиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, бақувват, ўткир зеҳнли, юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз бурчига содиқ, комил инсон булиб вояга етказиш масъулияти, вазифаси ота-оналар, тарбиячилар ва ўқитувчилар зиммасига юкланади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам бу масалага алоҳида аҳамият берилган. Унда фарзандлар тарбиясида халқимизнинг миллий, маданий, тарихий анъаналари, урф-одатлари умумбашарий қадриятларига асосланган ҳолда самарали педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш вазифаси ўз аксини топган.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия эркин тарзда олиб борилмоқда. Болаларнинг мустақил фаолиятлари учун барча шароит яратилаётир. Шуни айтиш жоизки, ҳар бир болалар боғчасида машғулотлар ноанъанавий, янги педагогик технология асосида, мусиқа, пластика ва жисмоний тарбия, тасвирий фаолият ва психотренинг, илғор чет эл педагогикаси, Райгин, Карлл Орф, Мария Монтессори услубларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилмоқда.

Республикамиз бўйича 16 та мактабгача таълим муассасасида «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» таянч-синов дастури асосида тажриба-синов ишлари олиб борилаяпти.

Мазкур дастурга «Болалар маънавиятини шакллантириш» бўлими ҳам киритилган булиб, у:

— болаларда нафосат ва ораталикни тарбиялаш;

— дастлабки ҳуқуқий тушунчаларни шакллантириш;

— тасвирий санъат намунаси мазмунини англашга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш;

— мусиқий фаолиятни ривожлантириш каби қисмларни ўз ичига олади.

Дастурдаги «Теварак-атроф билан таништириш ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига қизиқтириш» бўлимига она-Ватан, буюк сиймолар, машҳур саркардалар, анъанавий байрамлар, халқ оғзаки ижоди ва миллий урф-одатларга оид мавзулар киритилган. Болалар боғчаларида «Мустақиллик куни». «Ассалом, Наврўзи олам», «9 май — Хотира ва Қадрлаш куни», «Меҳржон», «Гуллар байрами», «1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни» «Конституция куни», «Қўшлар байрами» ва бошқа байрам эрталиклари ўтказиб келинмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида «Давлат тили» Қонунини амалга ошириш борасида республиканинг барча ҳудудларида яшаётган турли миллат болаларининг давлат тилига бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида «Тил фестивали» ўтказилмоқда. Мазкур байрам мурғаклар қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, биродарлик ҳамда ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда ўзига хос аҳамият касб этади.

Барча болалар боғчаларида маънавият ва маърифат хоналари, халқ амалий санъати музейи, гуруҳларда миллий ҳамда китоб бурчаклари мавжуд.

Таянч дастур якунига кўра, тажриба-синов майдончалари ўз имкониятлари, шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда турли хил натижаларга эришганлиги маълум бўлди. Ҳар қайси гуруҳларда дидактик материаллар ва мантиқий фикрлаш учун мўлжалланган уйинлар орқали ўтказилган ноанъанавий машғулотлар, бадиий адабиёт, теварак-атроф ва табиат билан таништириш, жисмоний тарбия ва уйин фаолиятлари жуда яхши ўзлаштирилганлиги аниқланди. Болалар теварак-атроф, она-Ватан, буюк сиймолар, турли байрамлар, катталар меҳнати ҳақида мустақил фикр юрита оладилар. Бироқ илк математик тасаввурни ўстириш, тасвирий фаолият, ахлоқий тарбия ва хорижий тилларни ўрганиш борасида тарбиячилар ўз устида янада кўпроқ ишлаши, изланиши кераклиги маълум бўлди.

Тажриба-синов ишлари олиб борилаётган Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги 20- «Ниҳол» яслиси, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Қувонч» боғча-мактаб мажмуи, Сирдарё туманидаги 10-, Наманган вилояти Норин туманидаги «Булбулча» мактабгача таълим муассасаларида тажриба ишлари юқори даражада олиб борилмоқда.

Болага ёшлигидан тўғри таълим-тарбия берилишида ота-она, маҳалла фаоллари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг ўрни беқиёс. Шу боис таълим муассасаларида «Ота-оналар университети», «Ёш ота-оналар мактаби», «Саводхонлик марказлари»нинг фаолиятини янада ошириш ҳозирги кун талабларидир.

Шўъба йиғилишларини қуйидаги мавзуларда ўтказиш мақсадга мувофиқ :

1. Мактабгача таълим раҳбар ходимлари кенгаши (шаҳар, туман ХТБ мактабгача таълим мутахассислари, боғча мудирлари ва услубчилари):

— боғча — маънавият ва маърифат ўчоғи;

— мактабгача таълим муассасаларида янги педагогик технология;

— XXI аср болалар боғчасини қандай тасаввур қиласиз?

— таълимни ислоҳ қилишда аёлнинг ўрни;

— мактабгача таълим муассасаларида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш.

2. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари кенгаши:

— янги педагогик технология мақсади, вазифалари;

— болаларни боғча, маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлигида мактабга тайёрлаш;

— «Аёл — тарбиячи», «Фаол жамоатчи» мавзусида давра суҳбати;

— мактабгача таълим муассасаларида болалар маънавиятини шакллантириш.

3. Мактабгача таълим муассасаси тиббиёт ходимлари кенгаши:

— болаларни мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш ва мактабга кузатиш даврида тиббий хизмат;

— мактабгача ёшдаги болалар ўртасида турли касалликларининг олдини олиш бўйича профилактика ишларини ўз вақтида ташкил қилиш (иш тажрибасидан);

— бола организмини чиниқтириш ва овқатланишини тўғри ташкил этиш.

Қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. У. Ғафурова, М. Файзуллаева. «Улуғлардан ўрганмоқ оқиллик». Қўлланма. Тошкент, 1988 й.
2. М. Дадабоев. «Қуйланг, булбуллар». Наманган, 1998 й.
3. М.Икромова. «Думбоқчалар қуйлаганда». «Мусиқа ва ҳаракат». Қўлланма. «БОН-КО». 1999 й.
4. Т. Усмонхўжаев. «500 уйин». "Шарқ". 1999.
5. Н.Раҳимова. "Ширинтойлар қуйланг". Қўлланма. "Бонко" 1990 й.

ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ

Вилоят, туманларда ўтказиладиган Август анжумани даврида ўтган ўқув йилида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисоботлар тингланади, ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилади. Янги ўқув йили учун тавсия этилган ўқув дастури, дарслик ва қўлланмаларни, ўқув иш режасини муҳокама қилиш билан бирга, болаларни бўш вақтларида қандай қилиб турли тўгаракларга жалб этиш, таълим-тарбияга доир муаммоларнинг ечимини топадиган турли вазифалар белгилаб олинади. Янги ўқув йилида ўқитувчилар нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида методик ёрдам берилади.

Жумладан:

— синов дастурининг тажрибасинов майдонларида синовдан ўтказилганлиги;

— 8-11-синф учун тавсия этилган дастурга биноан, мавжуд ўқув педагогик дастурларнинг каталоглари билан ўқитувчиларни амалий таништириш;

— янги дастурга асосланган ишланмалар ва ўқув педагогик дастурларнинг дарсни ташкил этишдаги аҳамияти ва улар билан таъминланганлиги;

— ўқув жараёнида ЭҲМдан фойдаланишни меъёрий ҳужжатларга биноан ташкил этиш;

— дастур, дарслик, масала ва машқ тўпламларидан фойдаланиш бўйича тажриба алмашиш;

— 11-синф учун яратилган янги ўқув қўлланмасининг муҳокамасини ташкил этиш;

— мактаблардаги ўқув ЭҲМларининг техник ҳолати ва таъмирлаш ташкилотлари билан тузилган шартномаларнинг амалда бажарилиши;

— барча ўқув фанларини мавжуд ўқув педагогик дастурлар ёрдамида ҳисоблаш техникаси кабинети негизида ўқитишни мўлжаллаш ва фан ўқитувчиларини ЭҲМ дан фойдаланишга ўргатиш;

— кўргазмали қуроллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда видеотехника воситаларидан фойдаланишни амалда жорий этиш;

— компьютерсиз мактабларни компьютер билан таъминланган мактабларга бириктириб, ўқув жараёнини ташкил этиш;

— ИҲТА фанини турли хил йўналишли мактабларда ўқитишда асосий дастур биринчи ўринда туришини назарда тутиш ҳақидаги мавзуларга тўхталиш керак.

Шўъба йиғилишида ўттан ўқув йилидаги йўриқномадан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга янги синов дастурларини амалга оширишда аввало, янги ўқув режасида берилган дарс соатларидан фойдаланилади. Янги ўқув режасида (сетканси) белгиланганидек, ИҲТАга ҳафтада 8-синф учун 1 соат, 9-синфга 2 соат ажратилган. 8-9-синфларда дарсни ташкил этишда янги дарсликлар чоп этилгунча асосан мавжуд 8-9-синф дарсликларидан ва янги 11-синф учун чиқарилган қўлланмадан фойдаланиш мумкин.

Қуйи синфларда ва тўгаракларда ИҲТАга фанини ўқитиш концепцияси лойиҳасида кўрсатилганидек:

1. Оила, мактабгача тарбия ва бошланғич таълим босқичида (I-VI синфларда) «Ахборот маданияти асослари» ўргатилиб, асосан болаларнинг фикрлаш қобилиятига таъсир этиш натижасида уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш; «компьютер ўйинлари» методик адабиётлар ва педагогик дастур воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади:

1. «Общая информатика». (Учебное пособие для средней школы. С.Симонович и др. Москва 1998.)
2. «Практическая информатика» (Учебное пособие. С.Симонович и др. Москва 1998,).
3. «Специальная информатика» (Учебное пособие. С.Симонович и др. Москва 1998.).
4. «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» (11-синф учун қўлланма. 1999 йил. Муаллифлар: А.Далиев, Б.Болтаев, М.Маҳкамов).
5. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари тажриба синов дастури. (8-9-синфлар учун. Тузувчилар: Т.Р.Азларов, Б.Болтаев, М.Маҳкамов).

МАКТАБ БОШҚАРУВИДА ДИРЕКТОР ФАОЛИЯТИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш мутахассис кадрлар билан ишлашни қандай ташкил қилишимизга, сафимизга қўшиладиган ёш мутахассис раҳбарларнинг тайёргарлик даражаси, илмий иқтисодий салоҳиятига, ўз зиммасидаги ишнинг моҳиятини чуқур ва мукаммал англашга, эгаллаган билим ва малакаларини ҳаётнинг турли жабҳаларига татбиқ эта билишига боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим - тарбия ишлари янги педагогик технология асосида оммавий янгиланишга юз тутганлиги мактабни бошқариш ва унинг моддий таъминотини яхшилаш масалаларини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, бошқарув тизими эскирди.

Хўш, бу оғриқли масалаларни ҳал қилишнинг чораси борми? Бор бўлса, улар нималардан иборат? Мактаб раҳбарининг бошқарувдаги вазифалари нималардан иборат. У ўз ваколатларидан ҳамда имкониятларидан қандай фойдаланиши керак?

Ўз мактабининг илмий салоҳиятини кўтаришга ва равнақ топтиришга ҳаракат қиладиган она юртимиз учун комил ва фозил ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, янгича ва мустақил фикрлайдиган тадбиркор мактаб директорлари республикамизда кўплаб топилади. Улар мактаб бошқарувининг янги, замонавий механизмларини яратиш борасида тинимсиз изланмоқдалар. Мактаб моддий таъминотининг нодавлат тизимини яратишнинг ҳам янги усул ва воситаларини топмоқдалар, ўзига хос хусусий тараққиёт йўлларини ишлаб чиқмоқдалар, ва ниҳоят, ундан мактабнинг , мутахассисларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланмоқдалар.

Қуйида мактаб моддий таъминотининг нодавлат тизими ва уни яратиш технологияси хусусида фикр юритилади.

1. Мактабда сиёсий-мафкуравий маданиятни юксалтириш:

— И.А.Каримов асарларини ўрганиш;

— ҳар бир ўқувчи ҳар бир ўқитувчининг ўзини жамоанинг бир устуни, ажралмас ва муҳим бир қисми сифатида ҳис қилишига эришиш;

— мактаб педагогик жамоасининг Вазирлар Маҳкамаси, ХТВ қарор ва кўрсатмаларидан тўлиқ хабардор бўлиши, уларнинг ижро жараёнида фаол иштирок этиши.

2. Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар ва уюшмалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш;

— «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят ва туман бўлимлари билан ҳамкорликда ишлаш:

а) мактаб ҳудудида ўтказиладиган «Соғломлаштириш тадбирлари» дастурини жамғарма ходимлари билан биргаликда ишлаб чиқиш;

б) мактабда ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари дастурини тузиш ва уни ўтказишда вилоят ва туман спорт қўмиталари ходимларининг моддий ва маънавий иштирокини таъминлаш;

в) илғор ўқитувчилар, аълочи ўқувчилар, спорт мусобақалари, турли кўрик-танлов ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантиришда «Ота-оналар қўмитаси», шунингдек, «Устоз», «Соғлом авлод учун» каби кўплаб жамғармаларни «Камолот», қолаверса, вилоят ва туман ХТБларининг мазкур соҳага тааллуқли бўлим ходимларини «моддий таъминот» масаласини ҳал этишга бевосита жалб этиш;

— мактабда миллий маданиятни шакллантириш:

а) диний ақидапарастликнинг олдини олиш;

б) ижтимоий-сиёсий муҳитни соғломлаштириш;

в) ёш авлодни маънавий баркамол шахслар сифатида тарбиялашда юқоридаги жамғарма, уюшма ва қўмиталарнинг ҳомийлигидан фойдаланиш (лекция, суҳбат, семинар).

3. Мактаб жамоасининг маҳалла оқсоқоллари кенгаши билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқасини йўлга қўйиш:

— мактаб бошқаруви тизимида мазкур кенгашнинг фаол ва мунтазам иштирокини таъминлаш;

— маҳалла кенгаши билан баҳамжиҳат бўлиб, жойлардаги банкларда мактабнинг ўз ҳисоб рақамига эга бўлиши;

— ота-оналарнинг ҳомийлик қилишини истовчи қисми билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш;

— ота-оналарнинг мактабда ўтказиладиган турли тадбирларда иштирок этишини (кўрик-танлов, спорт мусобақалари, очиқ дарслар, бадиий кечалар, байрам тантаналари, ғолиблар ва иқтидорлиларини мукофотлаш маросимлари) таъминлаш ва бу масалани мактаб педагогик кенгаши қарорларида акс эттириш.

— мактабнинг нодавлат ижтимоий-иқтисодий таъминот масаласини ҳал қилишнинг ўзига хос, янги технологиясини ишлаб чиқиш:

а) мактаб учун хусусий ер майдонини ажратиб олиш (10 гектардан 100 гектаргача);

б) мактабда иссиқхона (теплица) хўжалигини ташкил этиб, унда турли экин маҳсулотлари етиштириш (кўкат, гул, сабзавот, кўчатлар);

в) мактабда фермер хўжалигини ташкил қилиш (чорвачилик, паррандачилик);

г) лимонария бунёд этиш.

— қоғоз тўплаш ва уни сотиш;

— мебель таъмирлаш устаханаларини очиш;

— «Пойафзал таъмири» устаханаларини очиш;

— мактаб бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида пуллик концерт дастурлари, саҳна асарлари тайёрлаш, мактаблараро «Қувноқлар ва зукколар» мусобақасини мунтазам уюштириб бориш.

— хоҳиш билдирган ота-оналар ва ўқувчилар учун фанлар бўйича махсус курслар (пуллик) ташкил қилиш.

4. Маҳалла кенгаши қарори билан ажратилган ер майдонидан унумли фойдаланиш:

— мевазор боғ ташкил қилиш;

— пахтачилик билан шуғулланиш;

— фермерлик хўжалиги учун озуқа етиштириш;

— буғдой, арпа экиш ва унинг маълум қисмини мактаб ўқитувчиларига тарқатиш.

5. Ёрдамчи хўжаликлардан тушган даромад, устаханалар, фермер хўжаликларидан, жамғармалар ва ҳомийлар томонидан ажратилган маблағнинг мактаб ҳисоб рақамига келиб тушган пул даромади ҳисобидан қуйидаги энг долзарб ишларни бажариш:

— мактабни таъмирлаш;

— янги технология ускунал

ОНА ТИЛИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-қарори (1998 йил, 13 май) умумий ўрта таълим мактабларида она тилини ўқитиш борасида тамомила янги вазифаларни қўйди. Мактабни битириб чиққан ёшлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли жабҳаларида, мулоқот ва муносабатда она тилидан бемалол, эркин, самарали ва тўғри фойдалана олишлари, унинг чексиз имкониятларидан тўлақонли баҳраманд бўлиш кўникмаларини эгаллашлари лозим. Бунинг учун эса ўрта мактабларда она тили таълими бутунлай янги усулларда — индуктив-дедуктив асосда ташкил этилиши талаб этилади.

1998-99 ўқув йилида Республика тажриба-таянч мактабларида синовдан ўтган ва педагогик амалиётга йўлланма олган «Она тили» дастури шундай мақсадга йўналтирилган. Айни пайтда ана шу дастур асосида дарсликлар яратиш жараёни кечмоқда.

Республика тилшунос жамоатчилигига маълумки, бухоролик олимлар ва амалиётчилар профессор Ҳ.Неъматов раҳбарлигида умумтаълим мактабларида она тили таълими мазмунини янгилаш бўйича ўзига хос мактаб яратдилар. Кўп йиллик кузатиш, изланиш ва тажриба-синов натижалари асосида она тилидан муқобил дарсликлар яратилиб, синов ишлари 1997-98 ўқув йилида 5-синфда бошланган эди. Бу жараён (ХТВ нинг махсус буйруғи асосида) кейинги ўқув йилида 6-синфларда давом эттирилди. 1999-2000 ўқув йилида синов дастури билан ишлаш 7-синфда давом этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 1998-1999 ўқув йилида синовдан ўтган «Она тили» тажриба-ўқув дастури республика комиссияси томонидан умумий ўрта таълим ўқув дастурларини тайёрлаш, синаб кўриш ва жорий этиш бўйича педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилди. Уни татбиқ этиш босқичма-босқич амалга оширилади. Янги дастурни амалиётга жорий этишда амалдаги дарслик ва қўлланмалар ҳамда Республика таълим маркази тақдим этадиган методик тавсиялардан фойдаланилади. Шунингдек, 1999-2000 ўқув йилида дастур билан ишлашга ўтадиган 5-6-синф ўқитувчилари янги ўқув йили бошлангунга қадар махсус тайёрлов курсидан ўтадилар. Таъкидлаш жоизки, республикада биринчи марта таъсис этилиб, она тили таълими мазмунини янгилашда ўн йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Ўзбек тили» доимий илмий-методик анжуманининг хизмати каттадир.

Шу йил Бухоро шаҳрида (29-30 апрель) анжуманнинг «Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш» мавзусига бағишланган V йиғини бўлиб ўтди.

Анжуман раиси, таниқли тилшунос олим Н.Маҳмудов эътироф этганидек, «мактабда ўқувчининг нутқий маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришда асосий юк она тили ва адабиёт ўқув фанлари зиммасида эканлиги маълум. Мактаб ўқув режасида алоҳида «нутқ маданияти» деган фан йўқ, аммо она тили ўқитилишининг энг пировард мақсади, табиийки, нутқи бой, равон, аниқ, ўз фикрини мустақил равишда хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма, лўнда, гўзал ва таъсирчан шаклда ифодалай оладиган шахсни тарбиялашдан иборат. Шунинг учун ҳам она тили дарсларида ўтиладиган ҳар қандай мавзу ана шу мақсадга тамомила бўйсундирилмоғи лозим».

Кўринадики, ҳозирги кунда ўқувчиларни нутқий фаолиятга тайёрлаш она тили таълимининг асосий вазифасига айланаётган бир пайтда она тилидан яратилаётган дастур ва дарсликларда нутқий маданият тарбиясига алоҳида аҳамият берилаётгани ҳаётий заруратдир.

Ўтган ўқув йилида тажриба-ўқув дастурлари билан бир қаторда ўқув режа, Давлат таълим стандарти, ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими ҳам синовдан ўтди.

Август кенгаши шўъба йиғилишида юқорида тилга олинган барча масалалар муҳокама қилиниши, муносабат билдирилиши зарур. Амалиётчи ўқитувчилар, методистларга Август кенгашлари учун тавсия этилаётган мавзулар йўлланма сифатида тақдим қилинмоқда. Шўъба йиғилиши учун мавзу танлашда мавжуд шароит ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндашиш талаб этилади.

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ

Эски ўзбек ёзуви ва у билан боғлиқ ёдгорликларимизни ўрганиш ҳам мактабдаги «Она тили» дарслари билан бевосита боғланади ва уни тўлдиради.

Мактабда она тилини ўқитиш ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нуткини ўстириш, тил ҳақидаги асосларни сингдиришни мақсад қилар экан, эски ўзбек ёзуви ва у билан боғлиқ тарихий матнларнинг асосий моҳияти, эски ўзбек тилининг хусусиятларини билиш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ҳозирги ўқувчи мактабни битиргандан кейин, қайси мутахассисликда ўқишидан қатъий назар, ўз халқи ва маданияти тарихи ҳақида муайян маълумотларга эга бўлиши керак. Эски ўзбек ёзуви воситасида тарих тўғрисидаги маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги 315-қарори маданий меросимизни ўрганишга бўлган эътибор ва эътиқодни янада кучайтиради.

— Эски ўзбек ёзувида бунинг имконияти бор ва шу фан мутахассиси билан етарли таъминланган мактаблар тўғарак — факультатив машғулотлар ҳисобига, тарихга ихтисослаштирилган мактабларда эса, (Халқ таълими вазирлигининг 1998 йил 10 августдаги 152-буйруғи асосида) таянч ўқув режага асосан, ҳафтасига бир соатдан ўқитилади.

Янги ўқув йилида «Эски ўзбек ёзуви» бўйича қуйидаги ўқув адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

- «Алифбе» 3-4 синфлар учун (М.Қодиров, М.Ҳакимжонов) Т. 1992 й.

— «Эски ўзбек ёзуви ва тили» 5-синф (А.Рустам, М.Қодир) Т., 1992 й.

Шунингдек, машғулотларда қуйидаги ўқув-методик, кўргазмали қўлланмалардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

1. Умумтаълим мактабларининг 3-5-синфлари учун «Эски ўзбек ёзуви» фани бўйича тахминий режалаштириш ва методик тавсиялар (М.Қодиров ва б.), 1993 й.
2. Халқ таълими (Т.Зуфаров) Т., 1994 й
3. Ҳарфлар тилга кирганда (Р.Жуманиёзов) Т., 1995 й.
4. Ўқувчиларга муаммо жанрини ўргатиш. (З.Маматхўжаева) Т., 1992 й.
5. Алифбо сабоқлари (Ў.Қорабоев) кўрсатмали қўлланмалар мажмуаси. 6-альбом. Т., 1992 й.
6. Матншуносликка кириш (А.Эркинов) Т., 1997 й.
7. Таълим жараёнида матн устида ишлаш омиллари (тезислар тўплами). Т., 1997 й.

Шўъба йиғилишлари учун она тили ва эски ўзбек ёзуви бўйича қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

Давра суҳбати учун:

1. Она тили дарсларида ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш.
2. Ўқувчилар нутқ маданиятини шакллантириш йўллари.
3. Маданий нутқ саводхонлик омили.
4. Она тили дарсларида ўқувчилар билимини рейтинг усулида баҳолашнинг афзалликлари.
5. Она тили дарсларида тест топшириқлари билан ишлаш.
6. Эски ўзбек ёзувини ўқитишда муаммо ва ютуқлар.
7. Оғзаки ва ёзма матн тузишга ўргатиш йўллари.

Баҳс-мунозара учун:

1. Она тили ўқитишда янги педагогик технология.
2. Таълимнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш (баҳс-мунозара, анжуман, синов, саёҳат ва ҳ.к.).
3. Эски ўзбек ёзуви дарсларини ўқитиш тажрибасидан.
4. Она тилини чуқурлаштириб ўрганиш тажрибасидан.
5. Ўқувчиларни нутқий фаолиятга тайёрлаш.

Тажриба алмашиш учун:

1. Она тили дарсларида тарихий атамалар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш.
2. Она тили машғулотларида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш.
3. Эски ўзбек ёзуви дарсларида матн устида ишлаш.
4. Ҳуснихат таълими самарадорлигини ошириш йўллари.
5. Ўқувчилар нутқини шевага хос сўзлар устида ишлаш орқали ўстириш.

АДАБИЁТ

Республикамиз ҳукумати томонидан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши таълим тизимига улкан ўзгартишлар киритишга олиб келди. Ушбу ўзгаришлардан бири — умумий ўрта таълимнинг тўққиз йилга келтирилаётганлигидир. 9-синф адабиёти шу пайттача ўн бир йиллик мактабнинг ажралмас босқичи ҳисобланар эди. Педагогика фанлари доктори Қ.Йўлдошев раҳбарлигидаги гуруҳ томонидан тузилган янгиланган дастурда барча бошқа ўқув фанларида бўлгани сингари адабий таълимда ҳам умумий ўрта таълим босқичи маълум даражада якунланиш хусусиятга эга эканлиги ҳисобга олинди. Ўрта маълумотга эга бўлган ва комиллик йўлига кирган шахсда маълум даражадаги билим, кўникма, малака ҳамда ахлоқий сифатлар аввалгидек, ўн бир йилда эмас, балки тўққиз йил мобайнида шакллантирилади.

Умумий ўрта мактаб ўқувчи ҳаётидаги энг мураккаб ва ҳал қилувчи даврни ўз ичига олади, дейилади, янги «Адабиёт» ўқув дастури ҳамда давлат таълим стандартларида. Бу босқичда ўқувчиларнинг руҳий, жисмоний хусусиятлари шундайки, уларга панд-насиҳат қилиш, ақл ўргатиш кутилганидан тескари натижа бериши мумкин. Адабий машғулотларда эзгу маънавий фазилатлар, гўзал инсоний сифатлар ҳақида насиҳатбозлик қилинмасдан, табиий равишда улар руҳиятига сингдирилсагина бу фазилатлар ёшлар табиатининг хусусиятларига айланади.

Шу маънода, дастур ва дарсликларда ўрганиш учун танланган асарларнинг бадиий-эстетик қиммати билан баробар, тарбиявий-маърифий, дидактик томонлар ҳам назарда тутилган. Айниқса, Имом Бухорий ҳадислари, Конфуций ҳикматлари, Алишер Навоий, Саъдий асарларидан намуналар, Бобур рубоийлари, А. Қодирий асарлари, Ч. Айтматовнинг «Олтовлон ва еттинчи», Н.Думбадзенинг «Hellados» ("Ҳелладос") каби бадиий, сара асарлари ўқувчиларда миллий ва маънавий қадриятларимизга муҳаббат, миллий ғурур, адолат, ростгўйлик, тантилик, жасорат, ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик, мақсадга интилувчанлик, фидойилик каби инсоний фазилатларни таркиб топтиради.

Янгиланган «Адабиёт» дастурида асосий ва ҳал қилувчи тадбир бадиий асар матни устида ишлашдир. Бадиий матн ҳар бир ўқувчи томонидан мустақил ўқилиши, ўзича идрок этилиши, ўзига хос хулосалар чиқарилишига эришиш лозим. Ўқитувчи синфда ўрганилган ёки мустақил ўқилган бирор матн юзасидан ўқувчиларга: «бу фикр тўғри эмас, мана бундай бўлади» тарзида ҳукм чиқариши мумкин эмас. Айнан бир матнни ўқиган ҳар бир ўқувчи уни ўзининг ҳиссиёт олами, ҳаётий тажрибаси, ақлий ва ахлоқий мезонларидан келиб чиқиб, ҳар хил қабул қилиши адабий таълим учун юксак натижа ҳисобланади. Ижодкорнинг буюк асари ўқувчиларга бирдай ёқиши шарт эмас. Ёш ва ақлий тараққиётга кўра ўқувчилар ҳар қандай фикрга ҳам танқидий қарай олиш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш имкониятига эгадирлар.

Янгиланган «Адабиёт» дастурининг 5-6-синфларида адиблар ҳақидаги маълумотлар қисқа, лўнда ва содда тарзда ифода этилган. Тарбиявий мақсад маърифий мақсаддан кўра устун туриши кўзда тутилган. Илк бор мазкур дастурда «Мустақил ўқиш» ва «Синфдан ташқари ўқиш» тушунчаларига изоҳ берилган.

1999-2000 ўқув йилидан Қ.Йўлдошев раҳбарлигидаги гуруҳ томонидан тузилган умумий ўрта таълим мактаблари 5-9-синфлари учун "Адабиёт" дастури (1999 й). педагогик амалиётга татбиқ этилади. Умумтаълим мактабларининг (5-6-синф)ларида адабий машғулотлар мазкур дастур асосида олиб борилади. Умумтаълим мактабларининг 7-11-синфларида У.Норматов бошчилигидаги гуруҳ томонидан яратилиб, 1993 йилда чоп этилган "Ўзбек адабиёти" (умумтаълим мактабларининг 5–9 синфлари учун) дастури амал қилади. Адабий машғулотларни янгиланган «Адабиёт» дастури талабларидан келиб чиқиб, ташкил этилиши давр тақозоси ҳамда ҳар бир адабиёт ўқитувчиси олдида турган масъулиятли масаладир.

Август кенгашлари шўъба йиғилишида адабиёт ўқитишга қўйилаётган бугунги талаблар, унинг янги тамойиллари, бадиий матн билан ишлаш, бадиий адабиётнинг эстетик жиҳатларига алоҳида эътибор бериш, адабий машғулотларни янги педагогик технология асосида йўлга қўйиш, шунингдек, тажриба-синов ишларининг бир йиллик якуний натижалари, ютуқ ва камчиликлари, янги дастур, дарслик ва адабий машғулотларнинг ташкил этилиши бўйича мутахассис, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг фикр ва хулосаларини умумлаштириш, натижаларни кўриб чиқиш, тажриба алмашиш, тўпланган илғор тажрибаларни саҳҳисоб қилиб, келгуси режалар белгилаб олиниши керак.

Ҳар бир ўқитувчи янги ўқув йилида «Ўқитувчи» нашриёти ҳамда Республика таълим маркази томонидан янги ўқув йилида чоп этилаётган ўқув-методик адабиётлар, тавсиялар, тест топшириқлари билан танишиши зарур.

Адабиётдан фойдаланиш учун 1999/2000 ўқув йилида қуйидаги ўқув-методик адабиётлар тавсия этилади:

— «Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари». (Мет. қўл. Қ. Йўлдошев. Т., «Ўқитувчи», 1996 й);

— «Сатрлар силсиласидаги сеҳр», (Н. Жумаев. Мет. қўл. Т., «Ўқитувчи», 1996 й);

— «Нақшбанд ва Навоий», (Қўлланма. С. Олимов. Т., «Ўқитувчи», 1996 й);

— «Ўқитувчи китоби». (Мет. қўл. Қ. Йўлдошев. Т., «Ўқитувчи», 1997 й);

— «Аруз ҳақида». (Мет. қўл. А. Фитрат. Т., «Ўқитувчи», 1997 й);

— «Шеър илми таълими». (Мет. қўл. Т. Бобоев. Т., «Ўқитувчи», 1997 й);

— «Чўлпон ҳаёти ва ижоди». (Қўлланма. Д. Қуронов. Т., «Ўқитувчи», 1997 й);

— «Ўтган кунлар ҳайрати». (Қўлланма. У. Норматов. Т., «Ўқитувчи», 1997 й);

— «Адабиётдан чораклик тест топшириқлари». (Н. Ғуломова. РТМ (9-синф) 1998 й);

— «Минг йиллик шоҳ асар» («Алпомиш» достонининг минг йиллигини нишонлаш бўйича тавсия ва дарс ишланмаси). Н. Ғуломова. РТМ, 1998 й.

— «Адабиётдан чораклик тест топшириқлари». (Н. Ғуломова. РТМ (10-синф) 1998 й;

— «Адабиётдан чораклик тест топшириқлари». (Н. Ғуломова. (11-синф) 1999 й;

— «Ўзбек адабиёти» 10-синф учун дарслик. (Б. Қосимов ва бошқалар. Т., «Ўқитувчи», 1999 й);

— «Ўрта умумтаълим мактаблари учун ўқув дастури «Адабиёт», (Т., «Ўқитувчи», 1999 й);

Адабиёт ўқитувчилари юқоридагилардан ташқари мамлакатимиз ва хориж матбуотида эълон қилинаётган таълим соҳасидаги миллий ва жаҳон тажрибалари, Ҳамдўстлик мамлакатлари ва чет эл таълими янгиликларидан имкон қадар хабардор бўлишлари, уларни ўз тажрибаларидан келиб чиқиб амалиётга татбиқ этишлари, изланишлари, ижодкор бўлишлари, улардан адабий машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини муттасил ошириб боришлари талаб этилади.

Август кенгашлари адабиёт шўъбаларида давра суҳбати, баҳс-мунозара ва тажриба алмашиш учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

— ўқувчиларнинг оғзаки нутқ маданиятини адабий машғулотларда такомиллаштириш;

— адабиёт дарсларида баҳолашнинг рейтинг тизими;

— адабий таълимга қуйиладиган замонавий талаблар;

— янгиланган «Адабиёт» дастури билан ишлаш тажрибасидан;

— адабиёт дарсларида ўқувчиларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш;

— адабиёт дарсларида ўқувчилар нутқ маданиятини такомиллаштириш;

— адабий таълимни янги педагогик технология асосида йўлга қўйиш;

— мумтоз адабиёт – миллий ва маънавий қадриятлар чашмаси;

— адабиёт ўқитишда замонавий дарс шаклларидан фойдаланиш;

— адабиёт дарсларида тест топшириқларидан фойдаланиш.

ШАРҚ ТИЛЛАРИ

Ҳозирги кунда келажак авлодни тарбиялаб, давлатимизни муносиб кадрлар билан таъминлаш, авваламбор, ўқитувчи-тарбиячилар зиммасида. Бу борада ҳукуматимиз томонидан халқ таълимига оид бир қанча қонунлар, қарорлар қабул қилиндики, ушбу ҳужжатлар ўқитувчиларимиз фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Шарқ тилларини ўқитишда, асосан, оғзаки нутқа, талаффузга, шунингдек, ўқувчи ўрганаётган тилда ўз фикрини бемалол ифодалай олиш даражасидаги луғат бойлигига эга бўлишига аҳамият бериш зарурдир.

1999-2000 ўқув йилида ҳам Шарқ тиллари чуқурлаштириб ўқитиладиган мактабларда ХТВ таянч ўқув режаси асосида мактаблар томонидан тузилган ўқув режа бўйича иш олиб борилади.

Шарқ тиллари чуқурлаштирилиб ўқитиладиган мактабларда тили ўрганилаётган мамлакат ҳар тарафлама (ҳаритада жойлашиш ўрни, давлат тузуми, халқлари ва ҳоказолар) тўлиқ ўргатилиши билан бирга Ватан, миллий ифтихор каби тушунчалар ҳам ўқувчиларга сингдирилиши мақсадга мувофиқдир.

Янги ўқув йилида олдинги ўқув қўлланмаларга қўшимча сифатида У. Алихўжаевнинг «Урду тилидан ўқув дастури» (1-2-синф, 1998 й.), Н. Иброҳимовнинг «Араб тили грамматикаси» китоби (араб тили чуқурлаштириб ўқитиладиган мактабларнинг 8-11-синфларида) ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланишга тавсия этилади.

ДАВРА СУҲБАТИ УЧУН МАВЗУЛАР:

1. «Оғзаки нутқ малакасини оширишда тест».

2. «Тил ўрганишнинг бошланғич босқичида визиуал воситалардан фойдаланиш».

3. «Бошланғич синфларда талаффузга ўргатиш».

4. «Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришда адабий асарлардан фойдаланиш тажрибасидан».

5. «Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш».

6. «Бошланғич синфларда ўқувчиларни чиройли ёзишга ўргатиш».

7. "Оғзаки нутқни ривожлантириш учун қўшимча воситалардан фойдаланиш».

ЎЗБЕК ТИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да республикадаги умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тилини иккинчи тил (давлат тили) сифатида ўқитишни янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари мазкур фан бўйича етарли нутқий кўникма, лексик-грамматик билимга эга бўлишлари, ўзбек тилида эркин фикр юрита олишлари учун тил материали ва воситаларидан тўғри ва мустақил фойдалана билишлари лозим. Шу мақсадда янгиланган «Ўзбек тили» синов дастури Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили» ҳақидаги, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қонунларига асосланиб тузилган бўлиб, 1998\99 ўқув йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-қарорига биноан республика мактабларида синовдан ўтказилди. Дастур амалдаги дастурлардан фарқланиб, ўқувчиларнинг ўзбек тилида ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда эркин ифода этиши ва уларда бу тилда мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш асосий мақсад қилиб олинган. Ўқувчиларни бошланғич (2-4-синфлар) синфлар учун берилган лексик мавзулар бўйича тингланган нутқни тушуниш, ўқиш, ҳикоя қилиш ва ёзишга ўргатиш мўлжалланган. Ўқувчиларнинг «Мактаб», «Синф», «Кун тартибим», «Мевалар», «Оила» каби кундалик ҳаёт, шунингдек, йил фасллари, байрамлар билан боғлиқ бўлган 2-синфдаги мавзулар 3-4-синфларда такрорланади. Аммо улар синфдан-синфга мустаҳкамланиб, мураккаблашиб, кенгайиб, чуқурлашиб боради. Ўқувчи 5-9-синфларда у ёки бу нутқий мавзу доирасида муайян маънони ифодалаши учун зарур бўлган сўз, сўз бирикмалари, гап моделлари, уларни шакллантирувчи лексик-грамматик воситалардан фойдаланиши кўзда тутилади. Ўқувчиларда нутқий кўникма ҳосил қилиш мақсадида ўзбек адабиёти материаллари ўрганилади. Болалар адабиёти, халқ оғзаки ижодидан намуналар, бадиий асарлардан парчаларни изоҳли ўқиш шулар жумласидандир. Шунингдек, дастурда ўзбекча мулозамат ва нутқ этикети бўйича билимлар бериш, давлат тилида иш юритиш ҳамда баҳс-мунозарага ҳам кенг ўрин берилган.

9-синфда аввал олинган барча лексик, морфологик ва синтактик билимлар асосида фикрни матн тарзида ифода этишга, яъни матн тузиш, матнни қисқартириш, кенгайтириш, режа тузиш, конплектлаштириш каби кўникмалар ҳосил қилинади. Шунингдек, ўзбек адабиётининг ихчам ва гўзал намуналари, халқимизнинг тарихий, маданий ҳаётига оид муҳим лавҳалар, жой номлари, халқ қўшиқлари ва ривоятлари, урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятлари, ўзбек алломалари, олимлари, маданият равнақига ҳисса қўшган кишилар ҳақидаги материаллар дастур мазмунига сингдирилган.

Ўзбек тили дарслари 1999\2000 ўқув йилида 2-,3-,4-синфларда янги ўзбек алифбосида олиб борилади. Шу мақсадда 1999 йилда чоп этилган «Алифбе» (2-синф, Р. Йўлдошев ва б.,) «Ўзбек тили» (А. Рафиев ва б.,) дарсликларидан фойдаланилади. Янги ўзбек алифбосида чоп этилган қуйидаги ўқув-методик адабиётлар ўқитувчилар учун ёрдамчи қўлланма вазифасини ўтайди:

— «Совға» (Янги ўзбек алифбосида дарсдан ташқари ўқиш китоби) С. Ризаев, Т., 1998 й.

— «Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси» (плакат) С. Ризаев, Т., 1999 й.

— «Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси ва имлосини ўргатишга доир мухтасар қўлланма» С. Ризаев, Т., 1999 й.

Ўзбекистон ХТВ нинг 151-буйруги (07.08.98) асосида 5-синфлар учун "Ўзбек тили" (Р. Толипова ва б., Т., 1998 й) дарслиги 1998\99 ўқув йилида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг барча мактабларида синовдан ўтказилди. Тажриба натижаларига кўра дарслик қўлёзмаси семинар-кенгашларда, РТМ давлат тили таълими бўйича илмий-методик кенгашида муҳокама қилиниб, қайта ишлаш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ҳозирги кунда муаллифлар дарслик қўлёзмасини такомиллаштириш бўйича жиддий ишламоқдалар. 6-9-синфларда амалдаги дарсликлардан (ижодий ёндашган ҳолда) фойдаланиш тавсия этилади. 10-11-синф «Ўзбек тили» дарслиги (Э. Азларов ва б.,) қайта ишланиб, такомиллаштирилди.

Август кенгашлари шўъба йиғилишида ўзбек тили дарсларини янги педагогик технология асосида йўлга қўйиш масалалари, тажриба-ўқув дастурининг бир йиллик якуни бўйича натижалари ҳақида фикр юритиш жоиздир.

Ўқитувчиларга фойдаланиш учун қуйидаги ўқув-методик адабиётлар тавсия этилади:

— «Ўзбек тили ва адабиётидан тест-синов топшириқлари» (5-9-синфлар) А. Ибодиева, Т., 1996 й.

— «Ўзбек тили ва адабиёти дарсларида рейтинг тизимидан фойдаланиш» (А. Рафиев ва б.) Т., 1997 й.

— Замонавий дарс турлари. Методик қўлланма. Г. Муҳаммаджонова, Т., 1998 й.

— «Ўзбек тили» (Битирувчи синф ўқувчилари учун). Ҳ. Муҳиддинова, Т., 1997 й.

— «Давлат тилида синфдан ташқари тадбирлар». Г. Муҳаммаджонова. Т., 1998 й.

— «Ўзбек тилидан матнлар тўплами». Ҳ. Ўтаганова. Т., 1998 й.

— «Ўзбек тилидан бошқотирмалар» К. Камолова. Т. 1998 й.

— «Тилга эътибор-элга эътибор». (Тил байрамини ўтказиш бўйича тавсиялар). Н. Икромова. Т., 1998 й.

— «Тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима». Г. Муҳаммаджонова. Т., 1998 й.

— «Ўзбек тили ва адабиётидан тест топшириқлари». А. Рафиев ва б.Т., 1998 й.

— «Алпомиш» (мактаб саҳнаси учун) М. Тўхтамирзаева. Т., 1998 й.

Ўзбек тили таълими бўйича шўъба йиғилишларида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

— ўзбек тили дарсларида миллий маънавиятни сингдириш йўллари;

— ўзбек тили дарсларида нутқий вазият ҳосил қилиш;

— ўзбек тили дарсларида ўқувчилар онгига миллий қадриятларни сингдириш;

— ўзбек тили дарсларида рейтинг тизимини қўллаш;

— ўзбек тили дарсларида янги педагогик технология;

— ўқувчиларни эркин мавзуда ижодий (ёзма) иш ёзишга ўргатиш;

— ўзбек тили дарсларида замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш;

— ўқувчилар сўз бойлигини оширишда сўзлашув нутқининг аҳамияти.

ҒАРБИЙ ЕВРОПА ТИЛЛАРИ

1999 йилги Август кенгашларида Ғарбий Европа тиллари бўйича шўъба йиғилишида таълим ва тарбияга оид қуйидаги мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиш мақсадга мувофиқ:

— 7-11-синфларда амалдаги ўқув дастурларидан фойдаланиш;

— 5-6-синфларда янги ўқув дастурларидан фойдаланиш;

— ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш;

Кўпгина дарсликларнинг эскирганлиги ва 1999-2000 ўқув йилидан 5-6-синфларнинг янги ўқув дастури асосида ўқишни бошлаши бир қанча саволларни юзага келтиради. Жумладан:

— қайси синфларда янги ўқув дастури бўйича дарс ўтилади?

— қайси синфларда амалдаги дастурлардан фойдаланилади?

— қайси дарсликлар амалда қолади?

— қайси дарсликлар янгидан нашр этилади?

— амалдаги қайси дарсликларга қўшимча материаллар берилади, ва бошқалар.

Бу саволлар ушбу тавсиянома материалларидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчиларнинг Август кенгашларида батафсил ҳал этилиши, уларнинг ечимлари барча ўқитувчиларга етказилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 203 - сонли Қарорида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб янги дастурларга босқичма-босқич ўтиш қайд этилган. Амалдаги дарсликлар эса янги дастурларга кўп жиҳатлари билан мос келмайди. Бу эса янги дастурлар, дарсликларни қайтадан яратишни тақозо этади. Шундай экан, янги дастурларни ҳаётга татбиқ этиш босқичлари, дарсликларнинг яратилишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Янги ўқув дастури таълим ўзбек, рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун ягонадир.

Бундан кейин яратиладиган дарсликлар ушбу дастур асосида фақат хорижий тилда ёзилиб, таълим рус, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, тожик ва ўзбек тилларида олиб бориладиган мактабларда қўлланилади. Ўқув дастуридаги материаллар ҳафтасига 5-синфда 3 соат, 6-синфда 3 соат, 7-синфда 3 соат, 8-синфда 3 соат, 9-синфда 3 соатга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир синф учун грамматик мавзулар ва нутқ фаолияти турлари, шунингдек, лексик бирликлар аниқ қилиб берилган. Янги дастурдан нафақат ўқитувчи, балки ўқувчилар ҳам мустақил фойдаланиши мумкин.

Республикамиз мустақилликка эришгунча, кўп йиллар давомида ўқитувчи дарс жараёнида фаол, ўқувчи эса пассив, яъни таълим жараёнининг субъекти бўлиб келди. Шу сабабли ҳанузгача «Хорижий тил»дан ҳатто «аъло» ва «яхши» баҳо олган ўқувчилар ҳам шу хорижий тилда оғзаки ёки ёзма мулоқот қилишга қийналадилар. Энди эса ўқитувчилар янги ўқув дастури ва яратиладиган дарсликлар ёрдамида ўқувчиларни оғзаки ҳамда ёзма мулоқот қилишга ўргатадилар.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш ҳам ҳозирги кун талабларидан биридир. Таълим жараёнида ўқувчи фаол шахс сифатида ўзи изланиши, воқеа-ҳодисаларни кузатиб, мустақил фикрлаши ҳамда ўз фикрларини умумлаштириб, хорижий тилда равон билдира олиши (юқори синф ўқувчилари) лозим. Ўқитувчи эса, ўқувчини шунга йўналтиради, ўзи кам сўзлаб, кўпроқ ўқувчиларни мулоқот қилишга ўргатади.

Бу йил 5-синф учун немис тили дарслиги нашр этилади. 6-синфга мўлжалланган Республика таълим маркази томонидан нашр этиладиган дарслик ва қўлланма янги ўқув дастури талабга мосдир.

5-11-синфлар учун 1998 йил октябрь ва ноябрь ойларида РТМ томонидан ўтказилган Республика миқёсида семинарларда тарқатилиб, 1999 йил 6-11-синфлар учун қайта нашр этиш режалаштирилган «Немис тилидан режалаштириш» қўлланмасидан асосан мавжуд дарслик ва адабиётлардаги материалларни танлаб ва тақсимлаб 6-синфда қисман, 7-11-синфларда тўлиқ фойдаланилган маъқул.

Инглиз тилидан 1998 йил лотин ёзувида қайта нашр этилган 5-синф дарслиги ва 1999 йил лотин ёзувида қайта нашр этиладиган 5-6-синф дарслиги янги ўқув йилидан фойдаланишга тавсия этилади. Шунингдек, 5-6-синфларга мўлжалланган дарсликка қўшимча матнлар тўплами ҳам яратилди. 7-8-синфларда амалдаги дарсликлардан, 9-11-синфларда Ж.Жалолов томонидан ёзилган «Инглиз тили» қўлланмаларидан фойдаланилади.

Француз тилидан 5-6-синф дарсликлари лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбосида қайта нашр этилади ва уларга янги дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча материаллар, матнлар тўплами тайёрланади. 7-8 синфларда Н.А.Нешева ва бошқалар томонидан яратилган амалдаги дарсликлардан фойдаланилади ҳамда 9-10-11-синфларда француз тилидан Республика таълим маркази томонидан тайёрланадиган қўшимча материаллар тўпламидан фойдаланиш тавсия этилади.

ЯНГИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

Ёзув энг олий кашфиёт. У инсоният тафаккури яратган маънавий бойликларни асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодларга етказувчи бебаҳо воситадир. Юксак маънавият, бой маданиятга эга бўлган ҳар бир халқнинг ўз тили, ўз ёзуви бўлган.

Мустақиллик сари юз тутган, ўз эркини қўлга киритган республикамизда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтилмоқда.

Янги ўзбек алифбосининг жорий этилиши таълим соҳасида ўқув-тарбия ишларини янада ривожлантиришга, кенг ўқувчилар оммасининг маданий-маърифий савиясини, саводхонлик даражасини янада юқори кўтаришга замин бўлди. Мустақиллик берган имкониятлар туфайли тилимиз ҳам, ёзувимиз ҳам сайқал топиб, унинг луғат бойлиги ўсиб бормоқда.

Айни пайтда республикамиздаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 1-5-синфлари барча фанларни, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-3-синфлари «Ўзбек тили» дарсларини янги алифбода ўқиб ўрганди-лар. Жорий қилинадиган йилда умумий ўрта таълим мактабларнинг 6-синфлари, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 4-синфлари («Ўзбек тили») янги алифбода ўқишни бошлайдилар.

Республикамиз таълим тизимининг барча бўғинларида, кенг оммага янги алифбони ўргатиш мақсадида Республика таълим маркази томонидан бир қатор дастур, методик кўрсатмали қўлланмалар чоп этилди ва жойларга етказилмоқда. Ушбу методик адабиётлар мазмунига ўзбек миллатининг бой адабий мероси, маънавий-маърифий қадриятлари, ўзбекона урф-одатлар, ватанпарварлик руҳи сингдирилган.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини факультатив машғулотларда ҳамда кенг оммага янги алифбони ўргатиш курсларида фойдаланиш учун қуйидаги методик адабиётлар тавсия этилади:

— Ш. Раҳматуллаев — Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. (Тошкент, 1995);

— Ш. Раҳматуллаев — Ўзбек тилининг имло луғати. (Тошкент, 1995 й.);

Й. Абдуллаев – Янги алифбо ва имлони ўргатиш дастури. (Тошкент, 1996 й);

— Й. Абдуллаев — «Ҳамроҳим», «Совға» қўлланмалари. (Тошкент, 1996 й);

— С. Ризаев – Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алиф

ГЕОГРАФИЯ

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-қарорига мувофиқ, бошқа фанлар қаторида география фани бўйича янги дастур тажриба-синовдан ўтказилди. Синов натижалари асосида ишланган янги дастурга мувофиқ, умумий ўрта таълим мактабларида география фани қуйидагича ўқитилиши белгиланди:

5-синфда «Табиий география бошланғич курси».

6-синфда «Материк ва океанлар табиий географияси».

7-синфда «Туркистон табиий географияси» (1-ярим йилда 34 соат) ва «Ўзбекистон табиий географияси» (2-ярим йилда 34 соат).

8-синфда «Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий географияси».

9-синфда «Жаҳон иқтисодий географияси».

1999-2000 ўқув йилида 5-6-синфлардан бошлаб янги дастур босқичма-босқич тадбиқ этилиши тавсия этилади.

5-синф учун лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида чоп этилган «Tabiiyot» (А. Баҳромов, П. Мусаев, П. Фуломов) дарслиги ва 6-синф «География» (П. Мусаев, А. Баҳромов, Р. Қурбонниёзов, М. Маҳаматова) ўқув қўлланмасининг 1-қисмидан ижодий фойдаланилади.

5-синфда "Кириш", «Жой тарихи», «Географик харита» мавзуларини ўқитишда «Tabiiyot» дарслигининг 19-21-параграфларидан ва «География» ўқув қўлланмасининг 1-8-параграфларидан фойдаланилади.

«Ер Қуёш тизимида» мавзусини ўтишда «Tabiiyot» дарслигининг 13-18-параграфларидан ижодий фойдаланиш, «Ер қобиқлари» мавзусини ўрганишда «Tabiiyot» дарслигининг 22-50-параграфларидан ва «География» ўқув қўлланмасининг 9-29-параграфларидан, «Табиат комплекслари», «Одам» мавзуларини ўрганишда «Гоеграфия» ўқув қўлланмасининг 30-35-параграфларидан фойдаланиш зарур.

6-синфда «Материк ва океанлар табиий географияси» курсини ўқитишда «География» (П. Мусаев ва бошқалар) ўқув қўлланмасининг 2-қисмидан ҳамда муқобил яратилган «Материк ва океанлар табиий географияси» (А. Абулқосимов) ўқув қўлланмасидан фойдаланилади.

7-синфда «Туркистон табиий географияси» (П. Фуломов, Х.Ваҳобов, А.Ҳасанов. «Ўқитувчи», 1997 й.) ва "Ўзбекистон табиий географияси" (О. Мўминов, П. Баратов, М. Маматқулов, Р. Раҳимбеков) ўқув қўлланмаларидан фойдаланилади.

8-синфда «Ўзбекистон иқтисодий ижтимоий географияси» (З. Акрамов, П. Мусаев. «Ўқитувчи», 1997 й.) ўқув қўлланмасидан ижодий фойдаланиб, Мустақил Республикамиз халқ хўжалигидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларни, ўзгаришларни баён этишда Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарлари ҳамда Олий Мажлиснинг XIV сессиясининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» сарлавҳали материалларидан фойдаланиш тавсия этилади.

7-ва 8-синфлар учун Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги 213-Ф фармойиши билан «Ўзбекистон географик атласи» номли янги ўқув-кўргазмали қўлланма нашр этилди. "Ўзбекистон географик атласи" Республикамиз мустақиллиги даврида эришган иқтисодий ютуқларни, маънавий бойлигини ўзида мужассам этиган бўлиб, ушбу географик атласдан ҳар бир дарсда унумли фойдаланилади.

9-синфда «Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси» (В.Максаковский) дарслигидан ижодий фойдаланиш тавсия этилади.

10-синфда «Амалий география» курси бўйича аввалги ўқув йилида берилган тавсия ва режалар асосида таълимни ташкил этиш жоиз.

География фанини ўқитишда фойдаланиш учун қуйидаги картографик қўлланмалар ва чоп этилган хариталардан фойдаланиш тавсия этилади:

7-8-синф. «Ўзбекистон географик атласи»

«Табиий география» (6-синф атласидан 5-синфда).

«Синфлар бўйича чоп этилган контурли харита тўпламлари».

«Дунё сиёсий харитаси».

«Ўзбекистоннинг табиий географик харитаси».

«Ўзбекистоннинг сиёсий маъмурий харитаси».

«Ўзбекистоннинг иқлим харитаси».

«Ўзбекистоннинг геологик харитаси».

«Ўзбекистон аҳолиси харитаси».

«Ўзбекистоннинг экологик харитаси».

«Ўрта Осиё ва Қозоғистон табиий харитаси».

Умумий ўрта таълим мактабларида география таълимдаги ўзгаришларни инобатга олиб, ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида қуйидаги мавзулар бўйича маъруза, тажриба алмашиш, баҳс ва мунозараларни ташкил этиш тавсия қилинади:

МАЪРУЗАЛАР МАВЗУСИ

1. «1999-2000 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларида география фанининг ўқитилишини режалаштириш».

2. «Тажриба синов майдончаларида олиб борилган ишлар хусусида».

3. «География дарсларида миллий қадриятлардан фойдаланиш».

БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАР МАВЗУСИ

1.«Ўзбекистон географияси курсларини ўқитишда Олий Мажлис XIV сессиясининг «Ўзбек-истон XXI асрга интилмокда» сарлавҳали материалларидан фойдаланиш».

2. «Янги «Ўзбекистон географик атласи"дан фойдаланиб, таълимни ташкил этиш.

3. «География фанини ўқитишда рейтинг».

4. «Материк ва океанлар табиий географияси». 6-синф (А. Абулқосимов. «Ўқитувчи», 1998 й) ўқув қўлланмаси (муқобил) юзасидан фикр-мулоҳазалар.

КИМЁ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг кимё фанидан ҳам янги дарслик, ўқув қўлланмалар, методик тавсиялар чоп этилиб, бугунги кунда дарс жараёнларида фойдаланилмоқда.

Дарсликлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Халқ таълими вазирлигининг тадбирлари асосида яратилиб, таълим стандартлари талабларига мос ҳолда умумтаълим мактабларининг 7-,8-,9-синфларига мўлжалланган.

Дастур тажриба-синов майдончаларидаги ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра такомиллаштириб борилади.

«Кимё» шўъбаси фан ўқитувчиларига дастурдаги ўзгаришларни ўз вақтида етказиши мақсадга мувофиқ. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш муносабати билан кимё фанидан янги дастур қуйидаги босқичларда ўқув жараёнига жорий этилади.

7-синф, 2000-2001 ўқув йили;

8-синф, 2001-2002 ўқув йили;

9-синф, 2002-2003 ўқув йили.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 май 203-қарори асосида 9 йиллик умумий таълим мактаблари учун дастурлар яратиш:

Мазкур ўқув йилида С. Тешабоев, М. Нишоновларнинг 9-синф, А.Г. Муфтахов, Х. Омоновларнинг 11-синфлар учун «Умумий кимё» дарсликлари чоп этилади.

7-,8-,9-синфлар учун дарслик С. Тешабоев, М. Нишоновлар томонидан ёзиляпти.

9-синф «Анорганик кимё». С. Тешабоев ва бошқалар дарслиги нашриётга топширилди.

«Химия-9» (Г. Фельдман, Г.Е. Рудзитис). Амалдаги дастурдан фойдаланилади.

10-синф. «Органик кимё». Г. Фельдман, Г. Е. Рудзитис. Амалдаги дастурдан фойдаланиш тавсия этилади.

11-синф Г.Е. Рудзитис, Г. Фельдман. Амалдаги дарсликдан фойдаланиш мумкин.

Шўъба йиғилиши учун қуйидаги мавзуларда маърузалар ва суҳбатлар уюштириш тавсия этилади:

МАЪРУЗАЛАР

1. Президент И.А.Каримов асарларидан. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда".

2. Ўзбекистон кимё саноатининг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

3. 1999-2000 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари ва йўналтирилган синфларда кимё ўқитишнинг аҳволи.

4. Давлат Тест маркази "Ахборотнома"си саволлари банкидан ўқув жараёнида фойдаланиш тажрибасидан

5. Мустақиллик дарсини ўтиши методикаси.

ДАВРА СУҲБАТИ

1. Кимё дарсларида ўқувчилар билимини аниқлашнинг рейтинг усули.

2. Кимё дарсларида ЭҲМдан фойдаланиш (янги педагогик технология).

3. Кимё дарсларида ноанъанавий дарс ўтиш тажрибасидан.

4. Кимё дарсларида ўқув фильмларидан фойдаланиш самарадорлиги.

5. Кимё дарсларида маҳаллий материаллардан фойдаланишнинг аҳамияти.

БИОЛОГИЯ

Узбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг биология фани бўйича 6-9- ва 10-11-синфлар учун дастурлар ҳамда янги дарсликлар, бир қанча ўқув қўлланмалар, методик тавсиялар чоп этилиб, улардан бугунги кунда фойдаланилмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган халқ таълими вазирлигининг тадбирлари асосида биология фани концепцияси ва таълим стандарти талабларига мос ҳолда, умумтаълим мактабларининг 6-9-синфлари учун янги дастурлар яратилди ва 1998-1999 ўқув йили тажриба-синов майдончаларида, ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, такомиллаштирилди.

Биология шўъбасида ўқитувчиларга янги дастурдаги ўзгаришлар етказилиши керак.

Биология ўқитувчиси ўқувчиларга ўлкамизнинг ўсимлик ва ҳайвонот оламини таништириши, ўзига хос хусусиятлари, тарқалиши ҳақида кенг маълумот бериши лозим. Албатта, Узбекистон олимларининг ҳайвон ва ўсимлик селекциясида эришган ютуқлари ҳам эътиборда тутилмоғи зарур.

БОТАНИКА

1999-2000 ўқув йилида янги тизим асосида 6-синфда Ботаника курси ҳафтасига 2 соат ўқитилади. Бунда У. Пратов, Т. Одилов ва У.Тошмуҳамедовнинг 6-синф дарсликларидан ва шу муаллифларнинг 7-синф дарсликларидан фойдаланилади. Умумий ўрта таълим мактабларининг Биология бўйича 6-9-синфлар учун тавсия этилган янги дастуридан фойдаланган ҳолда, қисқартирилган мавзулар утилмайди.

6-синфда ботаника курсини ўқитишда амалдаги дастур ва дарсликдан фойдаланилади. Шунингдек, С.Холиқов, У. Пратов ва А. Файзиевнинг 1995 йили нашр этилган «Ўсимликлар аниқлагичи», У. Пратов ва Т. Одиловнинг «Узбекистоннинг юксак ўсимликлари оилаларининг замонавий тизими ва ўзбекча номлари» методик тавсияларидан фойдаланиш тавсия этилади. Ботаника курсини ўқитишда ўқувчиларда ўсимликлар бўйича амалий билим ва малака ҳосил қилиш орқали, меҳнат тарбиясини амалга ошириш ҳам кўзда тутилади.

Рус синфларида «Ўқитувчи» нашриётида 1998 йили рус тилига таржима қилиниб, чоп этилган "Ботаника" дарслигидан фойдаланилади.

ЗООЛОГИЯ

7-8-синфларда О. Мавлонов ва Ғ. Комиловнинг 1995 йили «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган "Зоология" синов дарслигидан ва шу муаллифларнинг 1999 йили «Ўқитувчи» нашриётида чиқарилган "Зоология" дарслигидан амалдаги дастур асосида фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, М. Жабборовнинг «Зоология ўқитишда ўлкашунослик бўйича материалларни ишлатиш» ҳамда Х. Шокировнинг «Ўқувчиларнинг "Зоология" дарсларида назарияни амалиёт билан боғлаш» номли қўлланмаларидан фойдаланиш мумкин.

Зоологияни ўқитиш жараёнида табиатни муҳофаза қилиш, экологик тушунчаларни шакллантириш лозим. Бунда Узбекистон шароитида камайиб бораётган қушлар ва ҳайвонларни ўрганиш, уларни асраш ҳақида тушунчалар беришга эътибор қаратиш керак. Дастурда кўзда тутилган амалий ишлар, лаборатория машғулотлари, табиатга саёҳатлар ўз вақтида ўтказилиши шарт.

ОДАМ ВА УНИНГ САЛОМАТЛИГИ

9-синфда Б. Аминов ва Т. Тиловववнинг «Одам ва унинг саломатлиги» дарслигидан фойдаланилади. Ҳудудимиздаги қардош халқлар тиллардан ва рус мактаблари учун таржима қилинган дарсликлардан фойдаланган ҳолда, тозалик, шахсий гигиена, соғлом авлод тарбиясига эътиборни қаратиш лозим. "Одам ва унинг саломатлиги" курсини ўрганишда маҳаллий материалларга кенг ўрин берган ҳолда, иқлимий шароит ва санитария-гигиена масалаларига оид маълумотлар берилади. Шунингдек, ёзнинг қуруқ ва иссиқ келиши муносабати билан инсон гигиенаси нормаларига қатъий риоя қилиш, модда алмашинувидаги физиологик ўзгаришлар, чанқоқлик, озиқланиш режими, қуёшнинг ультрабинафша нурлари ва бошқа масалаларни баён этишда инсон саломатлигини яхшилашга оид тушунчаларни шакллантириш кўзда тутилади. Дарсликка қўшимча сифатида А. Қодировнинг «Анатомия ва физиология бўйича практикум» методик қўлланмасидан фойдаланиш тавсия этилади. Дастурда кўрсатилган амалий машғулотларни бажаришда тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик қилиш лозим.

УМУМИЙ БИОЛОГИЯ

10-11-синфларда 1996 йил чоп этилган академик Ё. Турақулов ва бошқа муаллифларнинг «Умумий биология» бўйича дастур ва дарсликларидан фойдаланилади. Дарсликка қўшимча сифатида А.Ғофуровнинг «Генетикадан масалалар ечиш», 6-11-синфларда О.Мавлоновнинг «Биологиядан тест-топшириқлари» қўлланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Рус синфларида 1999 йили «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган (рус тилидаги) «Умумий биология» дарслигидан фойдаланилади.

Умумий биология фанини ўқитишнинг мазмунига қараб, олимларимизнинг фанга қўшган ҳиссаларини, маҳаллий материалларни, айниқса ўсимлик ва ҳайвонлар селекциясида ўзбек олимларининг ютуқларини ўрганишга эътибор қаратилиши лозим.

Шўъба йиғилишида:

— Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосида биология дарсларида «Маънавият ва маърифат ҳамда қадрият»ларга эътибор бериш хусусида;

тажриба-синов майдончаларида олиб борилган синов натижалари;

ўқув-тажриба ер участкасида олиб бориладиган ишлар;

ўқувчиларни фикрлаш қобилиятини ривожлантириш тажрибаси;

ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш йўллари;

биология дарсларида табиатни муҳофаза қилиш;

Узбекистонда камайиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвонларни ўрганишни муҳокама қилиш лозим.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бошланғич таълимни янгилашни, ўқитиш ишларини халқчиллаштириш ва таълимни давлат стандартига мослаштириш каби муҳим вазифаларни илмий-методик томондан тўғри ҳал қилишни талаб этмоқда.

Келажак истиқбол режаси пишиқ-пухта тузилса, таълим ишларининг барқарорлиги таъминланган бўлади. Бу борада бошланғич мактаб концепциясида кўрсатилган йўналишларга мурожаат этиш, уни тўла маънода амалиётга жорий этиш лозим.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг умуммаданий ва ахлоқий қўникмалари, дастлабки саводхонлик малакалари шакллантирилиши керак. Таълим жараёни боланинг мантиқий тафаккур қила олиш салоҳиятини, ақлий ривожланишини, дунёқарашини, коммуникатив саводхонлиги ва ўз-ўзини англаш, жисмонан соғлом бўлишга, моддий борлиқ гўзалликларини ҳис эта олишга, гўзаллик ва нафосатдан завқлана олишга, миллий урф-одатларни ўзида сингдириш ва ардоқлашга, шунингдек, уларга риоя қилишга ўргатади.

Ўқитувчи аввало, ўз ўқувчиларида муқаддас Ватан, она халқига, ватандошларига меҳр-муҳаббат туйғусини, Давлатимиз рамзларига, Конституцияга ҳурмат ҳиссини тарбиялаши лозим.

Бошланғич синфларда дарсни янги, такомиллаштирилган педагогик технология асосида ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчилар билимини баҳолашнинг янги технологияси, кўпбаллик тизимга ўтишнинг хилма-хил йўллари синаб кўрилаётган бир пайтда ўқувчилар билимига синовлар асосида баҳо бериш, унинг самарали томонларини излаш хусусида ишлаш лозим бўлади.

БОШЛАНҒИҒ СИНФЛАР УЧУН 1999\2000 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚУЙИДАГИ ДАСТУРЛАР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

1. «Биринчи синфлар учун дастурлар» тўплами. 1996 йил.
2. «Иккинчи синфлар учун дастурлар» тўплами. 1997 йил.
3. «Учинчи синфлар учун дастурлар» тўплами. 1997 йил.
4. «Тўртинчи синфлар учун дастурлар» тўплами. 1999 йил.

Шўъба йиғилишларида методик маърузалар эшитиш билан бирга таълим, маънавиятга доир мунозаралар, суҳбат ва амалий машғулотлар ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Қуйидаги мавзулар тавсия қилинади:

1. Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш омиллари.
2. Ўзбек халқ эртакларини ўтиш орқали ҳуқуқий тарбия бериш.
3. Ўқув жараёнида Янги педагогик технология.
4. Бошланғич синфда кўпбаллик тизимининг самараси.
5. Тест мантиқий фикрлашга ўргатиш омили.
6. Математикани ўқитишнинг янгича тамойиллари.
7. Она тили дарсларида грамматик ўйин.
8. Ўқиш дарсларида видеотасмалар ва мусиқали касеталардан фойдаланиш.
9. Ёзма иш, уларнинг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

ДАВРА СУҲБАТИ:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузалари ҳақида;

«Аёл ҳам она, ҳам ўқитувчи» мавзусида.

Ўқитувчиларининг илғор иш тажрибалари бўйича фикр алмашиш ва унинг ечими;

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ва имлосини ўргатиш муаммолари;

"Хотира ва Қадрлаш куни" — миллий қадриятларимиз инъикоси.

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

Инсон табиатнинг бир бўлаги, яъни биосоциал компонентдир. Фан-техника ривожланган ва инсониятнинг атроф-муҳитга муносабат доираси кенгайган сайин экологик муаммолар ортиб бормоқда. Шу боис экология фани биологик фанлар тизимида янги соҳа бўлиб, унга немис олими Э.Геккель асос солган. Кейинчалик экология фанининг айрим бўлимлари ривожланишига К.Линней ва Ж.Бюффон, В.Н.Сукачёв, А.Тенели, М.С.Гиляров, В.И. Вернадский, Ю.Одум, И.С.Серебряков, Д.Н.Қашқаровлар салмоқли ҳисса қўшганлар.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига катта эътибор берилмоқда ва соҳанинг тиббий ва ижтимоий фанлар тизимидаги мавқеи ортиб бормоқда. Табиат ҳамиша инсон саломатлигига ғамхўрлик қилган. Табиатдан завқланмаган, унинг гўзал манзараларидан маънавий озуқа олмаган инсон йўқ. Табиат инсоннинг моддий ва маънавий талабларини қондирувчи манба, шу сабабли ҳам табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар қадимдан то ҳозирги кунга қадар барчани қизиқтириб келган муҳим муаммоларнинг асосийси ҳисобланади.

1999 йил 9 апрель куни Марказий Осиё мамлакатлари президентларининг Ашхобод учрашувида минтақамиздаги экологик вазиятни яхшилаш, бу борадаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кишилар саломатлигини сақлаш, соғлом экологик муҳитни яратишга алоқадорлигини ўрганишлари билан бирга уларнинг маънавий дунёқараши шаклана бошлайди. Шунингдек, миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз урф-одатларимизда табиатга ғамхўрлик, уни асраш ҳамда ҳимоя этишга даъват этувчи ақидалар акс этганлигини кўра бошлайди.

5-7-синф ўқувчилари учун мўлжалланган табиий фанлар ҳаёт қобиғи тўғрисида таълим беради. «Биосфера» - ҳаёт қобиғи, «литосфера» - қаттиқ қобиқ, «атмосфера» - ҳаво қобиғи, «гидросфера» - сув қобиғи ва ўсимлик, ҳайвонот дунёсини ўз ичига олади.

9-10-синфларда табиат ва унинг бойликларини муҳофаза қилишга ўргатилади. Бунда ўқувчилар ўзларида табиий ва иқтисодий ресурслар билан танишиб, реал энергия (кўмир, нефть, газ, торф, сув, ўсимлик, ҳайвонлар) ҳамда қуёш потенциал энергияси, шамол кучидан тўғри фойдаланишнинг барча йўналишларини амалиётда қандай қўллаш бўйича кўникмалар ҳосил этадилар. 10-11-синф ўқувчиларига эса, «Ижтимоий экология» ва «Минтақавий экологик муаммолар» курсидан сабоқ бериш мақсадга мувофиқдир. «Ижтимоий экология» мужассамлашган фан бўлиб, инсон, жамият ва табиат орасидаги бир-бири билан боғлиқ муносабат қонуниятларини ўрганади.

Ҳозирда умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида (2-синф) ўқувчилар учун «Жозибадор табассум» юқори синф ўқувчилари учун «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» дастурлари орқали гигиеник таълим тарбия беришдаги амалий ишларнинг II босқичи вилоятлар марказидаги мактабларда ўтказилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси, «Проктер энд гембл» компаниялари билан ҳамкорликда «Балоғат даври» дастурини амалиётга татбиқ этиш учун иш олиб борилаётир.

Таълим тизимида экологик билимларни амалга оширишда фойдаланиш учун қуйидаги адабиётлар тавсия этилади:

— «Экология». Ўқув қўлланма. (А.С.Тўхтаев. "Ўқитувчи», 1998 й.);

— «Умумтаълим мактаблари ва махсус ўқув юртларида экология хонасини ташкил этиш ва жиҳозлаш». Қўлланма. А.С.Тўхтаев, Д.Р.Аҳмедова ва бошқалар. (Тошкент, 1998 й.);

— «Минтақавий экологик муаммолар» Факультатив курс дастури (А.С.Тўхтаев, Р.Т.Юлдашев, Д.Р.Аҳмедова, В.Юлдашева. Тошкент. 1998 й);

— «Чекмасдан ёшлик гаштини сур». Ёшлар учун тарбиявий дастур. (Д.Ж.Шарипова, В.А. Токарева. Тошкент, 1998 й.);

— «Жозибадор табассум» (О.Б.Зуфаров «Растр», Тошкент, 1997 й);

— «Балоғат даври» Ўқувчи, ўқитувчи ва ота-оналар учун. («Растр», Тошкент. 1998 й).

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ТАЪЛИМИ

Мусиқа маданияти фанининг мақсади ўқувчиларни мусиқа санъатининг барча жанрлари билан таништириш, мусиқани идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб куйлаш, рақсга тушиш, ижодкорлик малакасини шакллантиришдан иборатдир. Ушбу вазифаларни бажариш учун:

- ўқувчиларнинг мусиқа санъатига бўлган бадиий дидини, мусиқий ўқувини ўстириш, уларда мусиқага доир билим ва малака доирасини таркиб топтириш;

- асарларнинг бадиий, ғоявий мазмунини ёритиб, ўқувчиларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш;

- мусиқа дарсларида ўқувчиларда касб-ҳунарга, ижодий меҳнатга қизиқишни уйғотиш.

- иқтидорли болаларга алоҳида аҳамият бериб, уларнинг мусиқага қизиқишларини янада ривожлантириш лозим.

Синфдан ташқари мусиқа тарбияси турларини ташкил этиш ва бошқариш, мактабда мусиқа тарбиясининг оммавий шаклларини (байрам концертлари, маърузали концертлар, бастакор ва санъаткорлар билан ижодий учрашувлар), «Қўшиқ байрамлари» ва бошқа тадбирларни уюштириш мусиқа ўқитувчисининг зиммасидадир.

Амалдаги мусиқа дастури бўйича дарс олиб борувчи ўқитувчиларга қуйидаги материаллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- «Умумтаълим мактаблари мусиқа дастури» (Д. Омонуллаев, О. Иброҳимов. 1-8-синф. «Ўқитувчи», 1998 й.);

- «Мусиқа алифбоси» 1-синф., (Х. Нурматов, Н. Норхўжаев. «Ўқитувчи»., 1998 й);

- «Мусиқа» 2-синф. (Х. Нурматов, Н. Норхўжаев, А. Мирраҳимов. «Ўқитувчи», 1999 й.);

- «Мусиқа». (Х. Нурматов, Н. Норхўжаев. 3-синф. «Ўқитувчи», 1999 й.);

- «Методик тавсиянома». (4-синф. РТМ. 1997 й.);

- «Методик тавсиянома». (5-синф. РТМ 1997 й.);

- «Методик тавсиянома». (6-синф) РТМ. 1994 й);

- «Мусиқа. "Ўқув қўлланма". (6-синф. «Ўқитувчи». 1997 й.);

- «Методик тавсиянома». (7-синф РТМ. 1994 й.);

- «Ўзбекистон-Ватаним маним» номли қўшиқлар тўплами.

(1-қисм. «Меҳнат», 1997 й.);

- «Ўзбекистон-Ватаним маним» номли қўшиқлар тўпламмаи.

(2-қисм. «Меҳнат», 1997 й.);

- "Ўзбекистон — Ватаним маним" номли қўшиқлар тўплами.

(3-қисм. "Шарқ", 1999 й.);

"Мусиқа маданияти" янги дастури бўйича 5-6-синфларда дарслар 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб Республикамиз умумтаълим мактабларининг барчасида жорий этилади. Қолган синфларда эса дарслар амалдаги мусиқа дастури бўйича олиб борилади.

ЯНГИ ДАСТУР РЕЖАСИ 1-СИНФ "БИЗ МУСИҚАНИ СЕВАМИЗ"

1-чорак. Биз ёқтирган куй ва қўшиқлар.

2-чорак. Мусиқали ўйинлар ва қўшиқлар.

3-чорак.Хушнаво чолғуларимиз.

4-чорак.Хушнаво чолғуларимиз.

2-СИНФ

Ижрочилик турлари. Мусиқанинг ифода воситалари.

1-чорак. Якканавозлик, жўрнавозлик.

2-чорак. Якканавозлик, якхон чолғучилар ва хонанда дасталари.

3-чорак. Даста турлари. Куй нима? Куйда нималар ифодаланади?

4-чорак. Мусиқанинг ифода воситалари.

3-СИНФ МУСИҚАНИНГ ИФОДА ВОСИТАЛАРИ

1-чорак. Мусиқанинг ифода воситалари (мусиқа нутқи).

2-чорак. Хор ва оркестр.

3-чорак. Мусиқанинг тузилиши.

4-чорак. Оддий мусиқа шакллари. Банд ва нақорат.

4-СИНФ ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚА ИЖОДИ

1-чорак. Халқ айтишлари ва чолғу.

2-чорак. Байрам ва мароким қўшиқлари.

3-чорак. Мавсум қўшиқлари.

4-чорак. Баҳор фасли қўшиқлари.

5-СИНФ БАСТАКОРЛИК МУСИҚА ЖАНРЛАРИ

1-чорак. Ўзбек халқ чолғулари оркестри. Хор санъати.

2-чорак. Симфоник оркестр. Вокал-симфоник жанрлари.

3-чорак. Саҳнавий балет ва мусиқа асарлари. Балет ва рақс санъати. Мусиқали драма ва комедия, болалар учун мусиқали эртак — томошалар.

4-чорак. Опера санъати. Ўзбек мусиқасида опера жанри.

6-СИНФ МУМТОЗ МУСИҚА

1-чорак. Мумтоз мусиқа ҳақида тушунча.

2-чорак. Замонавий мусиқа ва унинг асосий жанрлари.

3-чорак. Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси.

4-чорак. Европа мумтоз мусиқаси билан танишув.

7-СИНФ ХАЛҚ МУСИҚАСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ УСЛУБЛАРИ

МАҚОМЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

1-чорак. Қашқадарё-Сурхондарё, Самарқанд-Бухоро воҳаларининг мусиқий услублари билан танишув.

2-чорак. Фарғона-Тошкент ҳамда Хоразм воҳалари мусиқий услублари билан танишув.

3-чорак. Мақом, шашмақом.

4-чорак. Хоразм мақомлари, Тошкент-Фарғона мақом йўллари.

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҚЎЛЛАНМАЛАР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

1. «Мусиқа маданияти». (Дастур. 1-7- синф. 1999 й.);
2. «Мусиқа алифбоси». (Х. Нурматов, Н. Норхўжаев. «Ўқитувчи»., 1998 й.);
3. «Мусиқа». 2-синф. (Х. Нурматов, Н. Норхўжаев, А. Мирраҳимов. «Ўқитувчи», 1999 й.);
4. «Мусиқа». 3-синф. (Х. Нурматов, Н. Норхўжаев, 1999 й.).
5. 1-7-синфлар учун «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқлар тўплами:

(1-қисм. 1996 йил, «Меҳнат» нашриёти);

(2-қисм. 1997 йил, «Меҳнат» нашриёти);

(3-қисм. 1999 йил, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни).

1. 1-7-синфлар учун (тахминий мавзули) иш режаси. (Г. Шарипова, Д. Каримова. РТМ. 1999 й.).

ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими муҳим тарихий йўлни босиб ўтмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фан дастурларини тўққиз йиллик умумий ўрта таълимга ўтишнинг янги тизимини яратиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 203 - сонли қарорини бажара бориб, физика ва математика фанидан тажриба-синов майдончалари ташкил этилди. Уларда мутахассислар томонидан ишланган ДТС (Давлат таълим стандарти) синов дастури ҳамда ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг усули синовдан ўтди.

ХТВнинг буйруғига кўра, физикадан синов ишлари Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 34 -мактабда , математикадан Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 16-ва 4-мактабларда олиб борилди. Булардан ташқари, вилоят халқ таълими бошқармаларининг буйруғига асосан ҳар бир вилоятда биттадан мактабда физика, математикадан синов ишлари олиб борилди.

1998-99 ўқув йилида тажриба-синов майдончаларида синаш учун тақдим этилган умумий ўрта таълим мактабларининг VI - IX синфлари учун физика дастури синов натижаларига ҳамда билдирилган фикр-мулоҳазаларга кўра такомиллаштирилди.

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб шу дастур асосида биринчи марта VI-синфда физика фани ўқитилади. Бу синфда ўқувчиларга физик ҳодисалар ва катталиклар ҳақида умумий маълумотлар берилади, ўқувчи физикага қизиқтирилади. Физика фани ҳақида дастлабки тасаввурлар ҳосил қилинади, дунёқарашлари шакллантирилади.

Дастурда мазмуни ўзгартирилмаган ҳолда физик ҳодисалар ва катталикларни ўрганиш кетма-кетлиги икки хил тартибда тавсия этилган. Ўқитувчи уларнинг ўзига маъқулини танлаб олиши мумкин.

Олтинчи синф ўқувчилари аввал жисмларнинг ҳаракати, босиб ўтган йўли, унга кетган вақт, текис ҳаракатда тезлик, масса, зичлик, модда тузилиши, иссиқлик ҳодисалари, иссиқлик машиналари, товуш ва ёруғлик ҳодисаларини ўрганадилар.

Кейингисида ёруғлик ҳодисалари, товуш ҳодисалари, модда тузилиши, иссиқлик ҳодисалари, ҳаракат ва жисмларнинг ўзаро таъсири, жисмларнинг мувозанати, оддий механизмлар, иссиқлик машиналарини ўрганадилар.

Ҳар бир бўлим ниҳоясида ўқувчиларнинг билимлари амалий лаборатория ишларини бажариш билан мустаҳкамланади.

Лаборатория ишларидан айримларини бажариш учун асбоблар етарли бўлмаган тақдирда тенг кучли бошқа лаборатория иши билан алмаштириш мумкин.

Математика фанидан 1998-99 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфлар учун яратилган дастури асосий синов майдончаси (Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 16-ҳамда 4-мактаблар)даги натижаларга ҳамда вилоят тажриба-синов майдончаларидан олинган фикр-мулоҳаза ва таклифларига асосан тўлдириб борилди.

Ўқув йилидан бошлаб V-VI синфлар V-IX синфлар учун яратилган. "Умумий ўрта таълим мактаблари учун математикадан дастур"и бўйича ўқишни бошлайдилар.

Август кенгашларида тажриба-синов ишлари ва унинг якунлари, ўтиш даврида физика-математикадан олинган билимларни ҳаётга тадбиқ этиш, вилоят, республика олимпиадаси якунлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Август кенгашларини қуйидаги босқичларда ўтказиш тавсия этилади:

1 - босқич: Мактаб физика-математика метод бирлашма ўқитувчилари;

2 - босқич: Туман (шаҳар) миқёсида метод бирлашма вакиллари, мактаб раҳбарлари, ижодкор, янги технология билан ишлаётган ҳамда тажриба-синов ишларини олиб борган ўқитувчилар;

3 - босқич: Вилоят миқёсида туман (шаҳар) метод бирлашма вакиллари, методистлар, илғор иш тажрибалари оммалаштирилган ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари қатнашадилар.

Шўъба йиғилишлари давра суҳбати, семинар, конференция кўринишида ўтказилиши мумкин.

Йил давомида иш тажрибалари атрофлича ўрганилган ўқитувчиларнинг ишларини шўъба йиғилишида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кенгашда муҳокама қилиш учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. 1998 - 99 ўқув йили якуни, 1999-2000 ўқув йили вазифалари.
2. Умумий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан физика, математика фани бўйича вилоят, туман (шаҳар) миқёсида ўтказилган тажриба -синов ишлари хусусида.
3. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими.
4. Физика ва математика дарсларини ташкил этишнинг янгича тамойиллари.
5. Мактаб, туман (шаҳар), вилоят, Республика олимпиадаларига тайёргарлик.

1999-2000 ўқув йилида фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар:

Физика

1. 6-синф: Д.Шодиев ва бошқалар. Қўлланма.
7-синф: А.В.Перишкин, Н.Родина. Дарслик.
7-синф: Н.М.Шахмаев, Д.Шодиев. Синов дарслик.
2. 8-синф : А.В. Перишкин, Н.Родина. Дарслик.
3. 9-синф: И.К.Кикоин, А.К. Кикоин. Дарслик. 9-синф Н.М.Шахмаев, С.Н.Шахмаев. Д.Шодиев. Дарслик
4. 10-синф: Т.Мякишев, Б.Буховцев. Дарслик.
10-синф: Н.М.Шахмаев, С.Н.Шахмаев, Д.Шодиев. Дарслик.
5. 11-синф: Т.Мякишев. Дарслик.
11-синф: Н.М.Шахмаев, С.Н.Шахмаев, Д.Шодиев. Дарслик.

Астрономия

1. 11-синф: Б.А.Воронцов-Вельяминов. Дарслик.

Математика

1. J.Ikromov va boshqalar. "Matematika 5", o'quv qo'llanma, 1998 yil.
2. J.Ikromov va boshqalar. "Matematika 6", o'quv qo'llanma, 1999 yil.

Алгебра

3. 7-синф учун. Дарслик. Ш.О.Алимов ва бошқалар. 1998.
4. 8-синф учун. Дарслик. Ш.О.Алимов ва бошқалар. 1996.
5. 9-синф учун. Дарслик. Ш.О.Алимов ва бошқалар. 1996.

Алгебра ва анализ асослари

6. 10-синф учун. Ш.О. Алимов ва бошқалар. Дарслик.
7. 11-синф: Ш.О.Алимов ва бошқалар. Дарслик. 1996.

Геометрия

1. 7-синф: Н.Ғайбуллаев, А.Ортиқбоев. Ўқув қўлланма.1997 й.
2. 8-синф: Н.Ғайбуллаев, А.Ортиқбоев. Ўқув қўлланма. 1999 й.
3. 7-11-синф А.В. Погорелов. Дарслик.
5-синфда Абу Райҳон Беруний-нинг нисбатлар назариясига оид ишларини «Нисбат ва процентлар» бўлимида берилиши кўзда тутилади.
6-синфда "Ўнли касрларнинг асосий хоссаси" мавзуси ўрнига "Ўнли касрларни 10 га, 100га, 1000га... кўпайтириш ва бўлиш" мавзуси ўтилади.
«Процентга доир мураккаб масалалар» ва «Оддий ва мураккаб процентлар» мавзулари ўтиш кўзда тутилган. Симметрияга оид маълумотлар беришда "Ўққа нисбатан симметрия" ва "Симметрия маркази" мавзулари ҳам ўтилади. "Эҳтимоллик элементлари" алоҳида боб сифатида ўқув йили охирида ўтилади. "Улуғбек илмий мактабининг математика ривожланишидаги роли» мавзуси киритилди.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида қабул қилинган қарорларнинг тадбиқ этилиши умумий ўрта таълим мактабларини янги босқичга кўтаришга қаратилган, 1999-2000 ўқув йилида биринчи марта жорий этилаётган янги дастурларни ҳаётга тадбиқ этиш илмий-методик, услубий педагогик асослардан иборат бўлмоғи керак.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун:

I. Таълимий вазифа. Ўқувчиларни баркамол шахс қилиб шакллантириш учун уларга меҳнат жараёни, касб, умумий технология, техника ва ишлаб чиқаришнинг умумий асосларини ўргатиш, касб танлашга йўналтириш, камида учта турдош касб билан дастлабки таништириш орқали уларнинг касбгача тайёргарликларини амалга ошириш ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишга тайёрлаш.

2. Тарбиявий вазифа. Ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини эгаллаш жараёнида меҳнат ва касбга бўлган муносабатларида ахлоқий сифатларни, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва тадбиркорликни шакллантириш.

3. Ривожлантирувчи вазифа. Меҳнат таълими машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадиий эстетик таълим ва тарбия бериш, касбгача тайёргарликни амалга ошириш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам бериш.

Меҳнат таълимининг йўналишлари мактаб атрофидаги корхона, ташкилот ва касб-ҳунар коллежларида кенг тарқалган соҳа ва касбларга мувофиқ танлаб олинади. Шунга кўра, ҳар бир мактаб қуйидаги йўналишларга асосланади, бу соҳалар бадиий меҳнат билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилади:

— ёғоч ва унга ишлов бериш;
— металлга ишлов бериш;
— газламага ишлов бериш;
— пазандачилик;
— қишлоқ хўжалик асослари.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан қуйидаги бўлимлар бўйича ўзаро уйғунлаштирилган зарурий билим берилади ва амалий иш кўникмалари шакллантирилади:

1. Материалшунослик.
2. Асбоб-ускуналар ҳақида маълумот ва уларни ишлатиш.
3. Машина, механизм, станок ва мосламаларнинг умумий тузилиши, ишлатилиш усуллари.
4. Халқ ҳунармандчилиги асослари.
5. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси.

Бундан ташқари ҳар бир асосий йўналиш бўйича уй-рўзғор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш кўникмалари шакллантириб борилади.

Шўъба йиғилиши қуйидаги мавзулар асосида ўтказилиши тавсия қилинади:

Шўъба касб-ҳунар коллеж вакиллари иштирокида ижро этилади.

I. ЁҒОЧ ВА УНГА ИШЛОВ БЕРИШ:

1. Ёғочга ишлов бериш асбоб-ускуналаридан унумли фойдаланиш жараёнида меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари.
2. Ёғочга ишлов бериш технологиясини миллий ҳунармандчилик билан уйғунлаштириш усуллари ва психофизиологик ҳолатларни таҳлил этиш.
3. Ёғочга ишлов беришда жорий этиладиган стандарт, мезон ва меъёрлар.
4. Ёғочга ишлов беришда бадиий графика ва пардозлаш усуллари.
5. Ёғочга ишлов бериш жараёнида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш.
6. Ёғочга ишлов бериш жараёнини уй-рўзғор ва буюм технологияси билан уйғунлаштириш.
7. Ёғочга ишлов бериш таъминотини «Ота касб» ва «Уста — шогирд» асослари билан ташкил этиш.
8. Ёғочга ишлов бериш жараёнини бозор муносабатлари билан боғлаш.
9. Ёғочга ишлов бериш жараёнида нақш, дизайн ва рангшунослик.

II. МЕТАЛГА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ:

1. Металга ишлов бериш жараёнида янги педагогик технология.
2. Металга ишлов беришда компьютер воситаларидан фойдаланиш.
3. Металга ишлов беришдаги касбга оид бўлган фазилат ва унинг самарасини ташкил этиш.
4. Металга ишлов бериш асосларини бозор муносабатларига йўналтириш.
5. Металга ишлов бериш жараёнида ўқувчиларнинг ижодкорлик ва дизайнерлик қобилиятини ривожлантириш.
6. Металга ишлов беришнинг кимёвий ва физиологик хусусиятларини аниқлашда лаборатория ишларини ташкил этиш.
7. Металга ишлов бериш жараёнида чизмалар, технологик карталар яратиш ва улардан фойдаланиш.
8. Металга ишлов бериш жараёнида ноанъанавий дарсларни ташкил этиш.
9. Ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизими.
10. Металдан уй-рўзғор ва қишлоқ хўжаликда ишлатиладиган буюм тайёрлаш технологияси.

III. ГАЗЛАМАГА ИШЛОВ БЕРИШ:

1. Газламага ишлов бериш жараёнида умумий таълим фанлари билан боғланиш.
2. Газламага ишлов беришда санитария ва экология асосларини ўрганиш.
3. Газламага ишлов бериш жараёнини миллий ҳунармандчилик билан уйғунлаштириш.
4. Газламага ишлов беришда стандарт, меъёр ва мезонлар.
5. Газлама — тола хоссаларини ўрганишда лаборатория ишларидан унумли фойдаланиш.
6. Газламага ишлов беришда «Уста — шогирд"чилик дарси ва семинарларни ташкил этиш.
7. Газламага ишлов бериш жараёнини бадиий меҳнат ва бадиий безак билан уйғунлаштириш.
8. Газлама билан ишлаш ўқув-лаборатория хоналарини жиҳозлашнинг янги босқичлари.
9. Либос тикишда одам қоматини ўлчашнинг анатомик хоссаларидан фойдаланиш.
10. Газлама олинадиган толаларнинг кимёвий хоссалари ва улардан ип тайёрлаш, ипга ранг бериш.

IV. ПАЗАНДАЧИЛИК:

1. Пазандачиликнинг миллий хусусиятлари.
2. Пазандачилик ўқув лабораториясининг жиҳози, санитария қоидалари.
3. Пазандачилик йўналишидаги касб турлари ва уларнинг самараси.
4. Миллий байрам, меҳмондорчилик, марака ва маросимларда дастурхон безатиш.
5. Ўқувчиларда миллий қадрият ва урф-одатларни шакллантириш.
6. Мева ва сабзавотларни қуритиш, сақлаш ва улардан компот, мураббо тайёрлаш.
7. Кулинария ишларида лаборатория ишларини ташкил этиш.

V. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК АСОСЛАРИ:

1. Қишлоқ хўжалик меҳнатини ташкил этишнинг экологик ва ҳуқуқий асослари.
2. Мактабда агротехника ва мелиорация ишларини ташкил этиш.
3. Қишлоқ хўжалик меҳнати жараёнида ўқувчиларнинг ахлоқий, маънавий ва ватанпарварлик ҳиссиётларини шакллантириш.
4. Маҳаллий ҳудудда учрайдиган қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларининг рўйхатини тузиш ва уларга қарши тадбирларни амалга ошириш.
5. Фикцион узатмалардан деталларни ажратиш ва уларнинг конструкцияларини ўргатиш.
6. Қишлоқ хўжалик меҳнатининг фанлараро боғланиши ва ўқув дастурини режалаштириш.
7. Қишлоқ хўжалик меҳнати билан халқ хўжалик касбларининг ўзаро боғланиши.

VI. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЙЁРГАРЛИҒИДА МАКТАБ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ҲАМКОРЛИГИ:

1. Меҳнат ва касб таълимининг ижтимоий ва ҳуқуқий асослари.
2. Меҳнат ва касб таълимининг иқтисодий ва экологик асослари.
3. Меҳнат ва касб таълимининг педагогик, психофизиологик асослари.
4. Меҳнат ва касб таълимининг касб ва фанлараро ўзаро боғланишини ўйғунлаштириш.
5. Меҳнат ва касб таълимини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишнинг услубий-педагогик асослари.
6. Касб танлашда ўқувчиларнинг қизиқиши, мойилликлари, қобилияти, саломатлиги ва иродавий мувофиқлигини аниқлаш мезонлари.
7. Меҳнат ва касб таълимида мактаб, оила ва жамоат ҳамкорлиги.

VII. ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА СТАЖЁРЛИКДАН ЎТКАЗИШ:

1. Дипломдан сўнгги таълимда малака оширишнинг моҳияти.
2. Узлуксиз таълимда ўқувчиларни қайта тайёрлаш ва стажёрликдан ўтказишнинг меъёр ва мезонлари.
3. Малака ошириш тизимида курсдан-курсгача тайёргарликнинг моҳияти ва омиллари.
4. Ишдан ажралмаган ҳолда малака ошириш мезонлари.

Умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодий таълимнинг ташкилий асослари

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити янгича иқтисодий тафаккурга эга бўлган, дунёга янгича кўз билан қарайдиган, янгича фикрлайдиган авлоднинг ишини тақозо этмоқда. Бу иш қанчалик тез амалга оширилса, халқимиз ўтиш даврининг қийинчиликларини шунчалик тезроқ енгиб ўтади ва мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти шунчалик тез юксалади.

Бу ўринда иқтисодий таълим-тарбиянинг умумий ўрта таълим мактабларининг устивор йўналишлари қаторига киритилиши муҳим аҳамият касб этади. Яқин-яқингача биз учун бегона бўлиб келган тадбиркорлик, хусусий мулк, фойда, рақобат каби бозор иқтисодиётининг асосини ташкил қилувчи тушунчалар, бугунги кунга келиб, замманинг оғзига тушиб, кундалик турмушимизнинг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда.

Шу боис, иқтисодиёт асосларини ёшларга мактабданоқ сингдириб бориш, уларни иқтисодиётнинг сир-асрорларидан воқиф қилиб бориш лозим.

«Иқтисодий билим асослари» бўйича таълим бошланғич (I-IV) синфларда математика, алифбе ва ўқиш китоблари таркибида, умумий ўрта таълимда (V-IX синфлар) она тили,ҳорижий тиллар, математика, география, меҳнат фанлари таркибида, (VIII-IX синфларда) «Иқтисодий билим асослари» фани давлат компонентидаги соатлар ҳисобидан ўқитилади.

Давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг муайян қисми изоҳини таъминловчи меъёрий ҳужжатлар бўлиб, у умумий ўрта таълим тизимидаги меъёрлар, параметрлар, қоидалар, ўқитиш савияси ва сифат кўрсаткичларини белгилаб беради. Шунингдек, давлат таълим стандарти таянч ўқув режаси, таълим (ўқув фанлари) мазмуни, шахснинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириш учун умумий тайёргарлигига доир минимал талаблар баёнини ифода этади.

Умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодий билим асосларини ўқитишдан кўзланган мақсад:

– миллий мустақиллик, халқимизнинг тарихий, интеллектуал, маънавий ва иқтисодий меросини ўргатиш;

– ватанпарварлик, миллий ғурурни таркиб топтириш, ривожлантириш, иқтисодиёт илми ривожига ҳисса қўшган қомусий олимлар илмий меросидан ўқувчиларни хабардор қилиш;

– иқтисодий саводхонликни ошириш;

– ўқувчиларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, иқтисодий маданиятни ва тафаккурни шакллантириш;

– иқтисодий шарт-шароитлар асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган энг зарур минимал билим ва малакаларни сингдириш;

– ўқувчиларни жамият тараққиётида бўлаётган ўзгаришлар иқтисодий моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, фикр юритиш ва ўз муносабатини билдириш билан боғлиқ бўлган муайян ҳаётий вазиятларда энг маъқул ечим топа билишга йўналтириш;

– ўқувчиларда тежамкорлик, ишбилармонлик хусусиятларини тарбиялаш;

– оила бюджети, даромад манбаи ва харажатларни режалаштириш ҳақида тушунча ва билимларини бойитиш;

– ҳаётий вазиятларда, савдосотиқ ишларида энг мақбул ечимни танлаш малакаларини сингдириш;

– иқтисодий масалаларни ҳал қилишга оид амалий кўникмаларни ҳосил қилиш;

– ўқувчиларни иқтисодий фаолликка, турли хил иқтисодий вазиятларда мустақил ечимлар қабул қилишга ўргатиш;

– ўқув жараёнини демократлаштириш ва гуманитарлаштиришга эришиш;

Юқорида келтирилган мақсадлар ўрта мактаб ўқув материалини минималлаштириш, яхлитлаштириш ва тушунарлилигини таъминлаш каби асосий дидактик тамойиллар босқичма-босқич уч хил даражада амалга оширилади.

1. Минимал даража **- иқтисодий билим асослари фани бўйича ҳар бир ўқувчи ўзлаштирилиши зарур бўлган таянч босқичи. Бу даража билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун пойдевор вазифасини ўтайди ҳамда барча учун мажбурийдир.**

2. Асосий даража **умумий ўрта таълим доирасида минимал даражага нисбатан тўлиқроқ ва чуқурроқ маълумот беришни назарда тутадиган билим ҳажми.**

3. Ихтисослаштирилган даража **- иқтисодий билим асослари бўйича бериладиган билимларга қизиқадиган, бу билимларни муваффақиятли ўзлаштиришга қодир бўлган ўқувчиларга мўлжалланган.**

Иқтисодий таълимнинг минимал даражаси давлат компонентига кирган соатлар ҳажмида олиб борилади. Иқтисодий таълимнинг қолган даражалари эса мактаб компоненти учун ажратилган соатлар ҳисобидан имконият ва эҳтиёж нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бошланғич синфлардан ёки 5-синфдан бошлаб киритилади. Бунинг учун ўқувчилар ижодкорлиги ва индивидуал иқтидорини ривожлантиришга шароит яратиш, уларнинг қобилият ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий билим асослари чуқур ўрганиладиган синфлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўрта таълим мактабларидаги иқтисодий таълимнинг энг катта муаммоси, Давлат таълим стандартига мос келадиган ўқув дастурларини яратиш эди. Ҳозирда иқтисодий таълим стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган янги дастур яратилди. Бу дастур мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганилиб, таълим маркази иқтисодий таълим бўйича илмий методик кенгаши томонидан маъқулланди ва амалиётга жорий қилинди.

Мазкур дастур мактаб жамоаси ўз имконият ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, иқтисодий таълимни бошланғич синфлардан, 5-синфдан ёки бўлмаса, меъёр талабларига мос 8-синфдан бошлаб киритишлари кўзда тутилган. Шу билан бирга ҳар бир поғонада иқтисодий таълим турли хил ҳажмларда ўтилиши ҳисобга олинган.

8-9-синфлар учун яратилган ўқув - қўлланма, амалий машғулотлар тўплами, услубий кўрсатмалар 1999-2000 ўқув йили бошида етказиб берилади.

Қуйидаги қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ҳам тавсия этилади:

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Тошкент, «Ўзбекистон» 1995 й.

2. И.А.Каримов.«Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида», Тошкент, «Ўзбекистон» 1996 й.

3. И.А.Каримов.«Ислоҳотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик», Тошкент, «Ўзбекистон» 1996 й.

4. «Бозор иқтисодиёти», Б.А-.Эркаев, Г.И.Каримова. Изоҳли лугат. Тошкент, «Шарқ» 1997 й.

5. «Иқтисодиёт ва бизнес асослари». Э.Сариқов, М.Маматов, Дастур. Тошкент, «Шарқ» 1997 й.

6. «Иқтисодиёт ва бизнес асослари». Э.Сариқов, М.Маматов. Ўқув қўлланма, Тошкент, «Шарқ» 1997 й.

7. «Иқтисодиёт ва бизнес асослари». Э.Сариқов, М.Маматов. Амалий машғулотлар, Тошкент, «Шарқ» 1997 й.

8. «Иқтисодиёт ва бизнес асослари». Э.Сариқов, М.Маматов. Услубий кўрсатмалар, Тошкент, «Шарқ» 1997 й.

9. «Иқтисод алифбоси» З.Валиева ва Е.Муҳибов 1-4 синф, Тошкент, «Шарқ» 1997-1998 й.

10. Б.Каримов «Иқтисодиёт алифбоси» (бошланғич синф ўқитувчилари, мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари учун қўлланма). РТМ. 1997 й.

11. «Тадбиркорлик ва таваккалчилик» Н.Хўжаев, З.Асадова, С.Ҳамидова. Қўлланма, РТМ. 1998 й.

СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР

Иқтисодий таълим соҳасида синфдан ташқари ишларнинг аҳамияти ҳам беқиёсдир. 1998-99 ўқув йили давомида ўтказилган Республика сиртқи телевизион олимпиада, «Тонг юлдузи» газетасида бир йил давомида ўтказилган «Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурси, зукко иқтисодчи ёшларнинг «ЗИЁ» клуби саҳифалари, «Синфдош» журналида эълон қилинган «Ёш иқтисодчилар» кўрик-конкурслари 1999-2000 ўқув йилида ҳам давом эттирилади. 1998-99 ўқув йилида бу тадбирларга республиканинг 5000 дан ортиқ ўқувчилари қатнашди.

Синфдан ташқари ишлар кўлами республика миқёсидаги тадбирлар билан чегараланиб қолмасдан, ҳар бир синфда, мактабда, туман ва вилоятларда олиб борилиши лозим. Бу тадбирлар тўгарак, деворий газета, экскурсия, ўлка иқтисодиётини ўрганиш бўйича экспедициялар тарзида ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шўъба ишида муҳокама қилиш учун кўзда тутилган мавзулар:

1. «Иқтисодий билим асослари» фанидан олиб борилган тажриба-синов ишлари хусусида.

2. Иқтисодий билим асослари фанини ўқитиш муаммолари.

3. Илғор тажрибали ўқитувчилар иш услуби.

4. Бошланғич синф ўқувчиларига иқтисодиёт сабоқларини бериш услубий тажрибалари.

5. Иқтисодий билим асосларини ўқитишда илғор педагогик технология.

6. «Иқтисодий билим асослари», «Иқтисод алифбоси», «Иқтисод сабоқлари» дарсларини ташкил этиш тажрибасидан.

БАҲС ВА МУНОЗАРА МАВЗУЛАРИ

1. Синфдан ташқари машғулотлар самараси ва уларни ташкил қилиш.

2. «Иқтисод алифбоси», «Иқтисод сабоқлари», «Иқтисодий билим асослари» фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятлари.

3. Иқтисодиёт фанини ўқитишда интеграция масалалари.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ

Мустақил Ўзбекистоннинг салоҳиятини таъминлашда, мустақилликни мустаҳкамлашда камарбаста бўладиган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.. Юртбошимиз И.Каримовнинг ««Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимдон, доно ва албатта, бахтли бўлишлари керак», дея келажак авлод тўғрисида ўйлаётганлиги ушбу вазифаларнинг нечоғлиқ шарафли эканидан далолат.

1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилинишида теран рамзий маъно бор. Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашда Аёлнинг, Онанинг ўрни, бўлғуси оналар тарбияси жамиятимизда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

1999 йили тарихий маданий меросимиз «Алпомиш» достонини яратилганининг 1000 йиллиги, халқимизнинг буюк фарзанди Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги муносиб нишонланади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабридаги «Халқаро тинчлик маданияти йилига тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказиладиган «2000 йил - халқаро тинчлик маданияти» миллий дастури асосида Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликнинг буюк аҳамияти, Тошкент - тинчлик ва дўстлик шаҳри эканлиги, тинчликни сақлаш келажак авлоднинг бош вазифаси эканини дарсларда, маънавий-тарбиявий тадбирларда ёшлар қалбига сингдириш бош вазифалардан бири бўлмоғи лозим.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги нутқида: «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсон руҳий покланиши ва юксалишига даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эзгуликдини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан" деган эди.

Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак», дея халқ таълими ходимлари, маънавиятчилар, тарбияшунослар олдига улкан вазифаларни қўйди.

Мазкур ўқув йилида "Мустақиллик сабоқлари"нинг, «Одобнома» дарсларининг ўқувчи маънавиятини шакллантиришдаги ўрни беқиёсдир.

1-4- синфларда:

Мустақилликнинг 8 йиллиги байрами билан бошланувчи биринчи дарслар "Мустақиллик сабоқлари", 9 май олдидан "Хотира сабоқлари", Мустақиллик қомуси бўлган Конституция куни олдидан "Конституция дарслари" каби дарслар, устоз ва мураббийлар куни байрами олдидан "Устозлар байрами" ёки "Устоз — отадек улуғ"лигини ифода эттирувчи сабоқ ёки тадбирларнинг ўтказилиши давр талабидир. «Одобнома» фани давлат компоненти ҳисобидаги дарс соатларида ўқитилади. Шу муносабат билан «Одобнома» фанидан 1-4-синфлар учун синов дастури, қўлланма ва методик тавсияномалар ишлаб чиқилди. «Одобнома» фанидан дарс берувчи ўқитувчилар август кенгашлари шўъбаларида бир йил давомида қилган ишлари бўйича тажрибаларни ўртоқлашиб, ўзаро фикр алмашадилар.

Қўшимча таълим муассасаларида:

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синов майдончалари ташкил қилинади. Шу муносабат билан тажриба- синов майдончалари учун 4 та йўналиш бўйича синов дастури яратилади ва у амалда синаб кўрилади. Шунинг учун барча мактабдан ташқари қўшимча таълим муассасаларида Август кенгашлари шўъбаларида мазкур масала бўйича тайёргарлик ишларининг олиб борилиши, методик тавсияномалар муҳокама қилиниб тарқатилиши лозим.

Маънавий-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва синф раҳбарлари учун мавзулар ва тавсиялар:

1. «Уз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». Президент И.А.Каримовнинг «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига берган жавоблари ҳамда юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг I-чақириқ XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги маърузаси ва бошқа асарларини ўқувчилар дарс ва маънавият машғулотларида ўрганишлари лозим.
2. "Мустақиллик сабоқлари" учун тавсия этиладиган адабиётлар;

а) "Ғоялардан сабоқка" ("Маърифат" газетаси, 1996 й. 3 август М.Туропова)

б) "Биринчи дарс — унутилмас сабок" ("Маърифат" 1997 й. 16 август. М.Туропова).

3. «Инсон камолоти» маънавият университетини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар.
4. «Маънавият ва маърифат» хоналарини безатиш юзасидан методик тавсиялар.
5. «Амир Темур таълимоти - тарбия омили».
6. "Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти - буюк хазина».
7. «Аҳмад Яссавий - комил инсон тарбияси хусусида».
8. «Анъанавий байрамлар». («Методик тавсиянома. Ўзбек ва рус тилларида).
9. «Қадриятларимиз ўзимизники». ("Маърифат" газетаси, 1996 й.)
10. «Мактабда халқ музейи». (Маърифат» газетаси, 1999 йил. 16 январь).
11. «9 май - Хотира ва Қадрлаш куни». Методик тавсия. («Маърифат» газетаси, 1999 йил 16 май).
12. «Вақтинг кетди, нақдинг кетди». Методик тавсиянома.
13. «Синф раҳбари ишини ташкил этиш» (З.Кўзиев, Тошкент., 1998 й.).

Маънавий- тарбиявий йўналишлар бўйича чоп этилган адабиётлар ва тавсия этиладиган мавзулар:

а) Ватан туйғуси ва ватанпарварлик тарбияси бўйича

1. «Ҳар кунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз». Методик тавсиянома.
2. «Навруз как средство духовности и просвешения».
3. «Народные традиции, обычаи, обряды».
4. «Ватан туйғуси" (А.Иброҳимов ва бошқалар. «Ўзбекистон» 1997 й.).
5. «Хотира ва қадрлаш – муқаддас маънавий туйғу». Методик тавсиянома.
6. «Ватаним - фахрим маним».
7. «Родина – гордость моя». Методик тавсиялар.
8. «Ватан - мустақиллик нурига тўлсин».
9. «Мен нечун севаман Ўзбекистонни».

б) Маънавият ва ахлоқий тарбия бўйича:

1. «Наврўз ва маънавий тарбия».
2. "Иймонни уйғотар Наврўз».
3. «Улуғбек мероси - буюк хазина».
4. «Одами эрсанг демагил одами...».
5. «Страницы жизни Мирзо Улуғбека».
6. «День сердечности и милосердия».
7. «Как организовать праздник Навруз».
8. «Мафкурамиз соғлом бўлсин». ("Маърифат" газетаси) 1999 й.
9. «Конституция ҳақида дарс».
10. «Либосларда акс этган ўзлик».
11. «Таътил болаларга татисин».
12. «Наврўз билан бирга бўлинг».
13. «Устозлар улуғланадиган кун». ("Маърифат" 1998. 19-сон).
14. "Праздник про отцов».

«Одобнома» фани бўйича:

1. «Одобнома» фани ўқув синов дастури. 1-4-синфлар. (О.Ҳасанбоева, О.Тўраева ва бошқалар. 1999 й.).
2. «Одобнома» дастурини ўқитишга методик тавсия. («Маърифат» газетаси 1998 йил, 16 август. М.Туропова, «Одобнома» 1-синф. Ўқув қўлланма, (О.Ҳасанбоева, М.Туропова, 1999 й.)
3. «Одобнома» дарсларининг ўқитилиши. 2-синф. Методик қўлланма. (О. Ҳасанбоева, М.Туропова. (1998 й.).
4. «Одоб

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Умумий ўрта таълим мактаблари учун тайёрланган тасвирий санъат дастури мустақил Ўзбекистоннинг ҳозири ва яқин келажаги учун мўлжаллаб тузилган. Бу дастур икки қисмдан ташкил топган.

1-4-синфларда «Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат».

5-7-синфларда «Тасвирий санъат».

Бу дастурнинг биринчи қисми 1996—97 йил бошланғич синфларнинг дастурлар тўпламида ўз аксини топган. Ҳозирда ундан амалиётда фойдаланиб келинмоқда. Дастур амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилади.

5-7- синфларнинг тасвирий санъат дастури 1998-99 ўқув йилида Республиканинг 14 та мактабида синовдан ўтиб амалиётда фойдаланиш учун йўлланма олди. У асосий уч қисмдан иборат:

1. Санъатшунослик асослари.
2. Натурадан тасвирлаш.
3. Композицияли фаолият.

Дастурда ўқув предметининг мақсади, вазифалари, ҳар бир синф бўйича таълим мазмуни, ўрганиш учун тавсия этилаётган санъат асарларининг рўйхати, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари лозим бўлган билим ва малакалар ҳақида тўла маълумотлар берилди.

Янги дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда, мавзуларни пухта ўзлаштириш учун таълимни маҳаллий материаллар ва ўзбек санъатининг миллий бадиий анъаналарини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бунда Ўзбекистон ҳудудидан топилган энг қадимги тасвирий ва меъморчилик асарларини, IX-XIX аср ўзбек меъморчилиги ва миниатюраси, халқ амалий санъати, Ўзбекистоннинг ҳозирги давр тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатини ўрганишга алоҳида эътибор бериш лозим. Шунингдек, ўзбек халқ нақшлари, амалий санъат намуналаридан ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

Машғулотларга доир ўқув ва кўргазмали қўлланмалар методик адабиётларнинг камлиги оқибатида келиб чиқаётган муаммоларни тўғри ҳал қилиш учун ўқитувчи машғулотларни маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ташкил этиши лозим. Бунда, ўқув куроллари, бўёқлар, пластилин, мўйқалам, шунингдек, санъат асарларининг репродукциялари рангли қоғозлар, лой, табиий ва чиқинди материаллар ниҳоятда қўл келади.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ҚУЙИДАГИ АДАБИЁТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

1. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат таълим концепцияси ва стандарти (ЎзПФИТИ, 1996)
2. С. Булатов. «Ўзбек халқ амалий-безак санъати» — Тошкент. «Меҳнат» 1996
3. А. Эргашев. Умумий ўрта таълим мактаблари учун тасвирий санъатдан тест материаллари. – Тошкент: 1996
4. А. Умаров, М. Аҳмедов. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Бадиий тарбия муаллимлари уюшмаси, 1997.
5. Р. Ҳасанов. Х. Эгамов. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат 1-синф. Методик қўлланма. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1997
6. Р. Ҳасанов. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат. Дарслик. – 1-синф «Ўқитувчи», 1999.
7. Х. Эгамов. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат. Дарслик. – 2-синф: «Ўқитувчи», 1999.
8. Р. Ҳасанов. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат. Дарслик. 3-синф «Ўқитувчи», 1999
9. Х. Эгамов. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат. Дарслик – 4-синф: «Ўқитувчи», 1999.
10. Р. Хасанов. Тасвирий санъат. Ўқув қўлланма. 5-синф, «Ўқитувчи». 1999.
11. Р. Ҳасанов. Тасвирий санъат. Ўқув қўлланма. 6-синф, «Ўқитувчи» 1999.

Шўъба йиғилишлари:

1. Тасвирий санъат фанини ўқитишнинг аҳволи ва унинг муаммолари.
2. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.
3. Тасвирий санъат дарсларида болаларда ижодкорликни ўстириш.
4. Тасвирий санъат дарсларида узлуксиз таълим муаммолари.
5. Тасвирий санъатни ўқитишда бадиий ва табиий материаллардан фойдаланиш.
6. Тасвирий санъат дарсларида рангшунослик асосларини ўрганиш.
7. Тасвирий санъатни ўқитишда фанлараро алоқалар.
8. Тасвирий санъатни ўқитишда бадиий ва эстетик дидни ўстириш.

ЧИЗМАЧИЛИК

Республикамиз умумтаълим мактабларининг янги ўқув режасига биноан, «Чизмачилик» фани 8-9 синфларда ўқитилиши режалаштирилган. Мазкур синфлар учун ишлаб чиқилган синов дастури (муаллифлар П. Одилов, Н. Хурбоев) барча ўқув фанлари қатори тажриба-синовдан ўтказилиб, 2000-2001 ўқув йилидан босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиш учун тайёрланмоқда.

Жорий ўқув йилида қуйидаги дарсликлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Техникавий чизмачилик курси. С.Воинов. Дарслик.
2. Техник чизмачилик курси. Қўлланма. Қирғизбоев ва бошқалар.
3. Чизмачиликдан дидактик ўйинлар. Раҳмонов И.Т. Қўлланма.
4. Техникавий графика асослари. 7-8 синф. Дарслик. Умронхўжаев А.

Шўъба йиғилишларида муҳокама қилиш учун мавзулар:

1. Чизмачилик фанининг ўқитилиш аҳволи ва унинг муаммолари.
2. Чизмачилик фанини ўқитишда янги педагогик технология.
3. График таълим соҳасида изчиллик тамойилларини амалга ошириш.
4. Геометрик ва проекцион чизмачиликнинг ўқитилишини такомиллаштириш.
5. Умумтаълим мактаблари учун чизмачиликдан дидактик материаллар тайёрлаш.
6. Миллий меъморчилик қурилмаларини ривожлантиришда график таълимнинг ўрни.

Халқ таълими ходимларининг Август кенгашларига тавсиялар Республика таълим маркази ходимлари томонидан тайёрланди.

ДЕФЕКТОЛОГИЯ БЎЛИМИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли, «Ногиронларни реабилитация қилиш тўғрисида»ги 433-сонли Қарорларини бажариш юзасидан РТМ Дефектология бўлими қуйидаги ишларни амалга оширмоқда.

Махсус таълимнинг узлуксиз тизими, меъёрий ҳужжатлар (Низом, Устав, Концепция) қайта кўриб чиқилиб, янгиланмоқда. 1999-2000 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Тадбирлар асосида умум ўрта таълим муассасаларининг фанлар бўйича янги дастурларини махсус таълим муассасаларига мослаштириш ва коррекцион фанлар бўйича янги ўқув режа ва дастурлари яратиляпти ва муаллифлар гуруҳи тузилиб улар билан фаол иш олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу янги дастурлар лойиҳаси навбатдаги кенгайтирилган Илмий-методик кенгаш муҳокамасига тайёрланмоқда. Шунингдек, янги ўқув йилига махсус таълим мактаблари учун 7 номдаги дарслик қўлёзмалари ХТВ ҳайъат йиғилишида кўриб чиқилди ва «Ўқитувчи» нашриётига юборилди. Ушбу дарсликларни янги ўқув йилида махсус таълим муассасалари буюртма асосида олишлари мумкин.

Улар қуйидагилар:

М. Тоирова, Ж. Азимова «Математика» 1-2-синф

С. Азимов «Дурадгорлик» 4-, 7—, 8-синф.

М. Шомуродова «Ўқиш китоби» 2-синф

Ф. Алимхўжаева «Талаффуз» 3-синф.

4-та дарслик эса қайта нашр учун тайёрланди:

Х. Розиқов «Талаффуз» 2-синф.

М. Хўжаева «Ўқиш китоби» 7-синф.

В. Раҳмонова, Б. Хўжаева «Она тили» 5-синф.

Р. Шомаҳмудова «Русский язык в картинках» 2-синф.

Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни қўллаш Ассоциация Низоми ишлаб чиқилди, расмийлаштирилгач, ҳар бир вилоятда ўз бўлимлари фаолият кўрсатади.

Халқаро миқёсда ногирон болаларни соғлом жамиятга интеграциялаш бўйича Бухоро шаҳрида ЮНЕСКО томонидан ташкил қилинган Халқаро анжуманда маъруза билан фаол қатнашилди, Италия давлатида бўлиб ўтган конференцияда ногирон ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш масалалари билан ўзаро тажриба алмашилди, жойларда ҳудуд талаблари асосида ногиронларни касб-ҳунарга тайёрлаш йўналишларини кенгайтириш халқ таълими бошқарма, бўлимларига юклатилди. Кўзи ожиз ўқувчилар ўртасида 2 та фан (она тили ва адабиёт, математика) бўйича анъанага айланган олимпиадада 5 та ўқувчи ғолибликни қўлга киритди, келгусида олимпиада турларини кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

1999-2000 ўқув йилида барча турдаги махсус мактаблар ХТБ томонидан тасдиқланган 1997.07.08 йилги 04 - 147 сонли хат билан йўлланган 1997 - 2000 йилларга мўлжалланган ўқув режаларга амал қилади. Бу ўқув йилида тажриба-синов майдонларидаги ташқаридаги махсус мактаб, мактаб-интернатларининг барча турлари, амалдаги ўқув дастурлари асосида ўқитилади.

Маълумки, 1999 йил "Аёллар йили" деб эълон қилинган. Шу боис мактабларда ўтказиладиган тадбирлар, кеча ва мушоиралар ушбу мавзу билан йўғрилган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирларида илғор ўқитувчилар, фан олимпиадалари иштирокчиларининг ишини ташвиқот этиш, тақдирлаш тавсия этилади.

Дефектолог ўқитувчилар ва халқ таълими раҳбар ходимлари Август кенгашларини муваффақиятли, тадбиркорлик асосида уюштиришлари учун қуйидаги тайёргарлик ишларини амалга оширишлари керак:

— Август кенгашларини ўтказиш жойларини белгилаш;

— кенгаш ўтказиладиган жойларда бадиий ўқув методик адабиётлар савдоси ва болалар ижодий ишлар кўргазмасини ташкил қилиш;

— кенгаш йиғилишларини ўтказиш услубини белгилаш.

Кенгаш ишининг бориши ва якунини матбуот, радио ва телевидение орқали ёритиб бориш тавсия этилади.

ДАВРА СУҲБАТИ

Август кенгашлари иш жараёнида, шўъбаларда қуйидаги мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилади:

1. Махсус таълим муассасаларида таълим мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш.
2. Ногирон болаларни ижтимоий қўллаш, реабилитация, коррекция ишларини такомиллаштириш.
3. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" асосида махсус таълим олдида турган вазифалар.
4. Махсус мактабларда маънавият ишларини такомиллаштириш — давр талаби.
5. Махсус таълим муассасаларида янги педагогик технологияни қўллаш усули.

Умумий йўналишдаги йиғилишдан ташқари кўзи ожиз ва заиф кўрувчи, кар ва заиф эшитувчи, руҳий ривожланиши сустлашган, таянч ҳаракат аъзолари бузилган болалар билан ишловчи логопедлар, ёрдамчи мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари шўъбаси алоҳида иш олиб боради.

КЎЗИ ОЖИЗ ВА КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИ ЗАИФ БОЛАЛАР МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРИ ХУСУСИДА

Й.Охунбобоев номидаги Тошкент шаҳар кўзи ожиз болалар мактаб-интернатида умумтаълим ва коррекцион фанларни мослаштириш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилади. Янги ўзбек алифбоси асосида ўзгартирилган Брайл алифбоси усулидаги ҳарфларни қўллаш бўйича синов ишлари Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳридаги кўзи ожиз болалар мактаб-интернатларида ўтказилади. Қолган барча махсус мактаб-интернатлар амалдаги ўқув дастурлардан фойдаланадилар.

Кар ва заиф эшитувчи болалар махсус таълим муассасалари

Бу муассасалар учун ўқув дастурлари қайта ишланиб, янгиланиб қуйидаги тажриба - синов майдончаларида синовдан ўтказилади:

1. Заиф эшитувчи болалар 106-мактаб-интернати. Тошкент шаҳри. (ўзбек)
2. Тошкент шаҳар заиф эшитувчи болалар 102-мактаб-интернати (рус)
3. Тошкент шаҳар 102-мактаб-интернати.
4. 442-кар болалар махсус боғчаси.
5. 404-заиф эшитувчи болалар махсус боғчаси.
6. Тошкент шаҳар 101-махсус кар болалар мактаб-интернати.
7. Андижон вилояти Хўжаобод шаҳар кар ва заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати.
8. Сурхондарё вилоят Шўрчи тумани кар болалар махсус мактаб- интернати.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш муносабати билан кар болалар орасида ўзбек доктилологиясини қўллаш тажриба-синов майдончалари;

Тошкент шаҳридаги 101-кар болалар мактаб-интернати, Андижон вилояти Хўжаобод шаҳридаги махсус кар болалар мактаб-интернати ва интернат қошидаги мактабгача таълим бўлими ҳамда Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 442-мактабгача таълим муассасаларида ўтилади.

Қолган ҳамма махсус мактабгача таълим муассасалари ва мактаб интернатлар жорий дастурлар асосида иш олиб борадилар.

Таянч ҳаракат аъзолари бузилган, психик ривожланиши сустлашган, нутқида оғир нуқсонлари бўлган мактаб-интернатлар

Бу турдаги махсус таълим муассасалари республикада ягона бўлганлиги учун янги ўқув йилида умумтаълим дастурлари ҳамда коррекцион фан дастурлари тажриба синовдан ўтказилади, мувофиқлаштирилади. Руҳий ривожланиши сустлашган, нутқида оғир нуқсонлари бўлган болалар таълим муассасалари тажриба-синов ишлари Наманган шаҳрида, таянч-ҳаракат аъзолари бузилган болалар таълим муассасалари ўқув дастурлари тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ёрдамчи мактаб-интернатлар

Бу турдаги таълим муассасаларида тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳридаги 66-, 199-ёрдамчи мактаб, Чирчиқ шаҳридаги 23-ёрдамчи мактаб, Наманган вилоят 48-ёрдамчи махсус мактаб-интернатларида ўтказилади. Қолган барча ёрдамчи ўқув муассасаларида янги ўқув йилида амалдаги ўқув режа, дастурлардан фойдаланилади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Истиқлолга эришган мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар халқ таълими тизимида ҳам янгиланишни тақозо этмоқда. Бу янгиланиш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203 - сонли Қарори асосида амалга оширилмоқда.

1999 йил 14 апрель Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида Президент Ислом Каримовнинг «биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий - ахлоқий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур» деб таъкидлаганидек, эркин фикрловчи шахсларни (ўқитувчи ва ўқувчилар) камол топтириш ва вояга етказишдек буюк вазифалар август кенгашлари маърузаларида кенг ёритилиши лозим.

ДАВРА СУҲБАТИ

Мазкур кенгашларда давра суҳбати учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади.

1. Халқ миллий ўйинлари ва уларни амалда татбиқ этиш.
2. Ўқувчилар билимини рейтинг усулида аниқлаш ва назорат қилиш.
3. Ўқув-тарбия ишларида янги педагогик технология.
4. Жисмоний тарбия дарсларининг фанлараро боғлиқлиги.

Шўъба йиғилишига қуйидаги масалалар ечими тавсия этилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда қабул қилган 203-Қарори асосида «Умумий ўрта таълим мактаблари учун жисмоний тарбиядан синов дастури» (1-9-синф) ҳақида.
2. «Соғлом авлод учун» дастури асосида миллий ўйинлар ва спорт турларини амалиётга татбиқ қилиш.
3. Ўқувчиларни синфдан ва мактабдан ташқари тўгаракларга жалб қилиш тажрибасидан.
4. Жисмоний тарбия дарсларида мусиқий ва миллий рақс элементларидан фойдаланиш.
5. Тиббий гуруҳларга ажратилган ўқувчилар билан махсус машғулот ўтказиш тажрибасидан.
6. Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чоралари.
7. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кунлик эҳтиёжга айлантириш.
8. Бошланғич синфларда миллий ҳаракатли ўйинлар.
9. Айланма машқ усулида дарс ўтказиш тажрибасидан.

Tadbir

ШАРҚШУНОСЛАР МАКТАБИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Ўзбекистон ва хорижий Шарқ: сиёсий, иқтисодий, адабий,тарихий мулоқот» мавзусида республикамиз ёш шарқшуносларининг I илмий-амалий мактаби ташкил этилди. Тадбир икки кун давом этиб, унда ёш шарқшунослар турли мавзулар бўйича олиб бораётган илмий изланишлари ҳақида ўз фикрларини баён қилдилар. Ёш олимларнинг маърузаларини республикамизнинг етакчи шарқшунос олимлари тинглаб, уларга ҳолисона баҳо бердилар.

Илмий-амалий мактабнинг очилиш маросими ТошДШИнинг катта мажлислар залида бошланди. Уни институт ректори, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Н.Иброҳимов қисқача қутлов сўзи билан очди. Шундан сўнг ёш шарқшуносларидан сўзга чиқишиб, ўз илмий мақолаларини иштирокчилар эътиборига ҳавола қилдилар.

Шу куннинг иккинчи ярмида мактаб тўртта алоҳида шўъбада ўз ишини давом эттирди.

Эртаси куни маърузаларни таҳлил этувчи ҳайъат аъзолари ғолибларни аниқлагач, уларга тантанали равишда қимматбаҳо совринлар топширилди. Долзарб деб топилган йирик илмий тадқиқотлар ТошДШИ ҳисобидан китоб ҳолида нашр қилинадиган бўлди.

Олий малакали ёш олимларни илмий, маънавий ва руҳий камол топтиришга ёрдам берадиган бу тадбир сўнгида иштирокчилар мамлакатимиз ёшларини Ватанга садоқатли бўлишга,унинг гуллаб - яшнаши учун ҳар жабҳада жон куйдириб меҳнат қилишга ундовчи мурожаатнома қабул қилдилар.

Институтнинг шарқ филологияси факультети декани Р. Иномхўжаев таъбири билан айтганда: Мунтазам равишда ўтказиб турилиши кўзда тутилаётгани учун ҳам бу тадбир «мактаб» деб аталмоқда.

Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири

(Боши 1-бетда)

ҚАДИМДАН БУГУНГА ҚАДАР

— Президентимиз кўпроқ тарихий манбалар асосида тарихни ўрганишни вазифа қилиб қўйдилар. Марказнинг бу борадаги бурчи нимадан иборат?

— Президентимиз асарларида асл манбалар ва уларнинг чуқур таҳлили асосида Ватанимиз тарихини ҳаққоний яратиш муаммоси алоҳида таъкидланади. У киши нафақат тарихимизни тиклаш, шу билан бирга тарихни қандай ўрганиш, янги мутахассислар тайёрлаш, халқимизда янгича дунёқарашни тарбиялаш каби долзарб вазифаларга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Марказимизнинг асосий вазифаларидан бири-тарихий жараёнларни мукаммал ўрганиш ва ёритишда бир ёқламаликка, фақат ижобий ёки фақат салбий баҳолашга йўл қўймаслик, холис ёндашишдир. Бундай ёндашув барча тарихчиларнинг фикрини банд этиши лозим. Аммо марказга тақриз ва экспертиза учун юборилаётган айрим китоб, дарслик ва мақолалар ушбу талабга тўлиқ жавоб бермаяпти. Баъзи муаллифларнинг асосий мақсади фақаттина мақола ёки китоб чиқариш бўлиб, уларга қўйиладиган илмийлик, сифат, янгилик, долзарблик, ҳаққонийлик ҳамда ўқувчига нисбатан ҳурмат каби талаблар иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Бундай «тезпишар» асарларнинг муаллифлари тақризчилар ва бошқа мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олмай туриб, ўз хоҳиш истакларини қандай бўлса ҳам амалга оширишга ҳаракат қиладилар.

— Фикр исботи билан бўлса...

— Ҳар бир муаллифнинг хоҳиш-истакларидан ташқари пухта ва чуқур билими бўлиши изоҳ талаб қилинмайдиган жиҳат! Нима учун 20-25 йил давомида XX аср тарихи мавзулари билан шуғулланган тарихчи, бугун қадимги тош давридан ўқув қўлланма яратиши керак, унда XX аср тарихини ким ёритади? Ёки жаҳон тарихидан ҳеч қачон маъруза ўқимаган, илмий мақола ва китоб ёзмаган айрим тарихчилар ҳозир Қадимги Миср, икки дарё оралиғи, Юнонистон ва Рим тарихига доир дарсликни чоп этиш ҳаракатида юрганини қандай изоҳлаш керак? Бундай «ўқув -қўлланма» ва «дарслик»лар марказ мутахассис ходимлари томонидан аниқ баҳоланиб, нашрга тавсия этилмаган. Улар таълим тизимига фақат зарар келтириши ва ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир.

— Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш қай даражада?

— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кўпдан кўп меъморчилик ёдгорликлари ва муқаддас қадамжолар таъмирланди ва обод бўлди. Бу борада Ватанимизнинг тарихий шаҳарлари - Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда йирик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кўп сонли ёдгорликлар - қадимги шаҳар ва қишлоқ харобалари, уй-қўрғонлар, қоя тош расмлари ва бошқаларни сақлашга эътибор суст. Уларнинг айримларига турли сабаблар билан зиён етган.

Республикамиз барча туманлари ва вилоятларида ушбу ёдгорликлар рўйхатга олинган. Жойларда тарихий ёдгорликларни сақлаш жамиятларининг ходимлари аҳоли орасида тарғибот ишларини амалга оширишлари, бу ишда маориф ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам четда турмаслиги керак.

Жуда кўп археологик ёдгорликлар очиқ осмон остидаги музейлар бўлиб, тарихимизнинг чуқур илдизлари ва гувоҳларидир. Ёдгорликларни тадқиқ этиш натижасида Ўзбекистон тарихининг янги саҳифаларини ўрганиш мумкин.

— Давлатчилигимиз тарихи қайси даврдан бошланади?

— Ўзбек халқининг қадимги маданияти минг йиллар давомида бошқа маданиятлар билан кенг алоқада ривожланди ҳамда инсоният таназзули тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Ҳозирги кунга қадар тўпланган археологик маълумотлар Ўзбекистонда илк давлатчилик тизимига ўтиш жараёни милоддан аввалги 11 минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмида бошлангани ҳақида ахборот беради. Дастлабки давлатлар алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар ва суғориш тизими майдони билан чегаралланган нисбатан кичик ҳудудда, яъни зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланадиган қадимги суғорма деҳқончилик воҳаларида пайдо бўлди. Умуман олганда, давлатчилик тарихи муаммоси долзарб аҳамиятга эга бўлиб, уни ёзма манбалар, археологик маълумотлар ва замонавий тарихий тадқиқотлар асосида ўрганиш лозим бўлади.

— Марказингизнинг келгусидаги тадқиқот ва нашр режалари ҳақида гапириб берсангиз.

— Марказ ходимлари муаллиф ва тақризчи сифатида илмий асарлар ва ўрта мактаблар учун дарсликлар яратишда фаол қатнашганлар. «Ўзбекистоннинг янги тарихи» уч жилдлик китобнинг қўлёзмаси тайёрланиб, кенг илмий жамоатчилик кўригидан ўтказилмоқда. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати тарихига оид илмий асар яратиш соҳасида марказдаги муаллифлар махсус гуруҳи фаолият кўрсатяпти. Ундан ташқари бу гуруҳ «Туркистон жадидлари» номли фотобиографик альбом учун материаллар тўплаб, уни нашрга тайёрламоқдалар. XIX аср маҳаллий тарихчиларининг маълумотлари асосида, «Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олиниши» мавзусида китоб қўлёзмаси устида изланяптилар. Маълумки, 6-11-синфлар учун «Ўзбекистон тарихи»дан янги дарсликлар «Шарқ» нашриёти матбаа концерни ва «Ўқитувчи» нашриётларида чоп этилди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур, домла.

Тиловат СОАТОВА
суҳбатлашди

Jurnallarning yangi sonlarida

МУРАББИЙЛАР ЁРДАМЧИСИ

«Соғлом авлод учун» журнали муассислигида нашр этилаётган «Мактабгача таълим» илмий-методик ойлик журналининг апрель ойи сони босмадан чиқди. Журнал Қўқон шаҳридаги 22-болалар боғчаси мудираси Мамлакатхон Содиқованинг «Биз – бунёдкор халқмиз», «Шўртангаз» газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли «Нодирабегим» болалар боғчаси мудираси, София Абдуназаровонинг «Таълим-тарбия – энг муҳими» сарлавҳали мақолалари билан бошланади. Мақола муаллифлари Тошкентда шу йил 16 февраль куни бўлиб ўтган фожиали воқеага қўл урган қабиҳ кимсалар – мустақиллигимиз душманларининг хиёнаткорона ишларига ўз муносабатларини шундай баён этадилар: «Биз, боғча опалар, тарбиянинг сув бошисида турамиз. Шундай экан, қўлимизда Ўзбекистоннинг келажаги – баркамол авлод тарбияси турганлигини бир соония ҳам унутмаслигимиз керак. Бугун биз ҳар бир боланинг дилига, кўнглига йўл топиб, уларнинг муҳаббатига, ишончига сазовор бўла олсак, эртага бу дилбандларимиз Ватаннинг қалқонлари бўлишади».

Шунингдек, журналда «Назария, илм, амалиёт» рукни остида Юлдуз Амиржонованинг «Эзгу мақсад билан...», Гулчеҳра Муҳаммаджоннинг «Хотира муқаддасдир» (катта гуруҳ болалари учун суҳбат баёни), «Тажриба минбари» рукнида Бухоро Давлат университети педагогика ва психология кафедраси доценти Зебо Раҳимова ва шу кафедра ўқитувчиси Раҳима Неъматоваларнинг «Кичкинтойларнинг ҳиссий билиш (сенсорик) тарбияси" мақолалари, Жиззах туманидаги 3-болалар боғчаси тарбиячиси Манзура Раҳматованинг «Ким билимдон?» сарлавҳали мужассам машғулоти, «Жаҳон педагогикаси хазинасидан» «Монтессори-материаллар»ининг давоми берилган.

Ўйлаймизки, журналда чоп этилган мақола ва машғулотлар мактабгача таълимни янада ривожлантириш борасида Сиз азиз мураббийларга яқиндан ёрдам беради.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Ko'ngil bitiklari

БИЗ ЎҚИГАН ЎША МАКТАБ

Сехрларга бой бўлган дунё,
Маърифатдан тарқалган зиё.
Илмларга йўл очган дарё,
Эртакларда жой топган дунё.

Қолиб кетди у йироқларда,
Алифбеда, ўқиш китобда.
Парталарда, ёзув тахтада,
Биз ўқиган ўша мактабда.

Хотирада қолди у дунё,
Биз мактабга борган кўчалар.
Қайтмасмикан? Энди у дарё,
Ширин экан, тотли бунчалар.

Олиб кетди у шўхликларни ,
Расм дафтар, чизғич қаламни.
Соғинчларни қолдириб кетди,
Юракларга солди аламни.

Қайттим келар ўша дарёга,
Ғам, ташвишсиз оппоқ зиёга.
Эртак эмас бари рўёбга,
Болалигим қолган дунёга.

Ойшакар БОЗОРОВА,
Иштихон туманидаги
7 - мактаб ўқитувчиси

ЗАВҚ...

АЁЛГА

Арши аъло гулисиз — аёл,
Оллоҳ сизни яратмиш нурдан.
Гуллар ичар балки атру бол,
Кўзингиздан томган сурурдан.

Арши Аъло гулисиз — аёл,
Меҳрингиздан унгай чечаклар.
Сиз борлиқни кезгувчи хаёл,
Ошиқ дилга ширин эртаклар.

Пойингизда Равзаи Ризвон,
Гардин кўзга айлайин тавоф.
Эркак борки, сиз учун қурбон,
Сизни атар Қуёш, Моҳитоб.

Арши Аъло гулисиз — аёл,
Сизга меҳрим бўлсин пайваста.
То қиёмат кўрманг, деб завол,
Таъзим билан тутай гулдаста.

Баҳора НОРҚУЛОВА,
Тайлоқ туманидаги
25 - мактабнинг
9-«Б» синф ўқувчиси

Шуҳрат
НАРЗУЛЛАЕВГА

Неча йилки дарс берар,
Шуҳрат ҳарбий таълимдан.
Ўқувчилар миннатдор
Қўмондон-муаллимдан.

Яхши баҳо сўрашса
Машқларини қилар пеш.
Кимки жангда мергандир
Баҳолари «тўрт» ва «беш».

Ҳамкасблари гап қотса
Баъзан у-бу томондан.
Бирданига сўз очар
Ё немис, ё афғондан.

Ўтиш даври, ҳамма чопар
Бозор. Фирма, банкларга.
Бу фидойи муаллим
Мактаб, милтиқ, танкларга.
У яшайди Қиёт деган,
Бир қишлоқда ёронлар.
Мактаб бағрида ўсар
Ватан фахри — ўғлонлар.

Салим АЗИМОВ,
ўқитувчи

КЕНГ ОСМОННИНГ ҚУЁШИДАЙ КУЛ!

Бу — катта, шовқинли, олис шаҳарнинг
Боғлари бемаҳал кузламоқдадир.
Олтин сукунат ҳам кузги саҳарнинг
Йўқолган изларин изламоқдадир.

Ҳеч кимнинг иши йўқ — ёғади ёмғир,
Сўнгги томчиларга айланади куз.
Ҳеч кимнинг иши йўқ — юрагим оғрир,
Дардлар туғилса-да янада сўнгсиз.

Бу ер ҳамон ажиб. Дарахтзор жимжит.
Деразангни ювар энг сўнгги ёмғир.
Неки ғам-ғуссанг бор, барчасин унут.
Бу дам шу ёмғирни қувончга тўлдир.

. . .

Нигоҳингда ҳеч кўрмайин мунг.
Қувончим бўл, саодатим бўл.
Ёмғир ёғиб ўтганидан сўнг
Кенг осмоннинг қуёшидай кул.

Айрилмасин сендан мангу ишқ,
Айрилмасин мангу садоқат.
Гар куйласам қайғули қўшиқ,
Кўз ёшимни ўзинг арт, тоқат!...

...

Мовий кенглик. Шамоллар
Ҳур-ҳур эсиб қолдилар.
Қуёш рангли хаёллар
Қўлим тутиб олдилар.

Эриёттан қорларнинг
Куйларига чўмилдим.
Гўёки ёр-ёрларнинг
Тўлқинига қўшилдим.
Баланд тоғлар виқори
Кўзим билан тўқнашди.
Майсаларнинг уфори
Мен билан йўллар ошди.

Илон изли сўқмоқлар
Киприк каби тизилди.
Кўкдан булут, чақмоқлар
Ёмғир, овоз тўкилди.

Ёмғирдан сўнгги тупроқ
Ҳидлари билан анқиб,
Мени чорлаган оппоқ
Тонг келар нурлар тақиб!...

Ойгул СУЮНДИҚОВА

Tavsiya

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Шу йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида биргина пойтахтимизда 598 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинлардан 5211986 сўм моддий зарар кўрилган. Натижада 11 киши ҳалок бўлиб, 14 киши турли даражадаги куйиш тан жароҳатлари олганлар. Ёнғинларнинг кўпчилиги ахлатларни, турли хил чиқиндиларни, қуриган ўт-ўланларни, шох-шаббаларни ёқишда, сигарета чекишда оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, электр симларининг қисқа туташувлари, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари оқибатида содир бўлмоқда.

Ўлкамизда ёз фасли. Кунлар аста-секин исиб бормоқда.

Табиийки, бу даврда ёнғин чиқиш хавфи ҳам маълум даражада ортади. Шу боис биз Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходими, ички хизмат лейтенанти Феруза Саъдуллаева билан суҳбатлашдик.

*— **Феруза опа, мана яна ёз бошланиб, ўқувчилар оромгоҳлар бағрига отланишди. Оромгоҳларда ёнғин хавфсизлигига эришиш борасидаги тавсияларингиз билан ўртоқлашсангиз.***

— Мамлакатимизда, хусусан, пойтахтимизда ёнғиндан сақлаш бўлимлари, кўнгилли назоратчилар ҳамда фуқаролар томонидан кўпгина ишлар қилинмоқда. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёнғинларнинг аксарияти унга қарши чора-тадбирлар кўрилмаган ҳолларда содир бўлади. Ёнғинга қарши чора-тадбирларни кўриш, айниқса, болалар оромгоҳлари мутасаддиларининг биринчи галдаги вазифаси. Чунки, ёнғин содир бўлса унга қарши курашиш у ёқда турсин, болаларнинг ўзлари биринчи галда ҳимояга эҳтиёж сезади. Шунинг учун оромгоҳ хоналарини бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан таъминлаш, ёнғин ҳақида хабар берувчи алоқа тармоғини ўрнатиш, электр асбобларидан фойдаланишни болалар ихтиёрига қўймаслик шарт. Бундан ташқари йўлаклар, эшик олдилари, зиналар ҳар хил нарсалар билан тўсиб қўйилмаслиги керак. Кўп қаватли биноларда ёш болаларни 1-қаватга жойлаштириш, тез ёнувчи нарса ва жиҳозларни иложи борича ташқарида сақлаш, гулханлар ёқишда хавфсизлик чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир. Оромгоҳ маъмурияти ойна ромлари ва эшикларга металл панжаралар ўрнатилмаслигига, сув ҳавзаларининг тозалигига, электр токи узилиб қолганда фақат қўл фонарларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратиши лозим. Оромгоҳга ишлаш учун келган ходимлар ёнғинга қарши кураш ва олдини олиш йўл-йўриқлари билан таништириб борилса нур устига нур бўларди.

Ф.КАРИМОВ
суҳбатлашди.

Xullas...

ОШҚОЗОНМИ, ДОШҚОЗОН!

Энг улкан қорин тимсоҳда бўлса керак. Еб бўлмайдиган жиҳозлар ҳам унинг қорнига бемалол сиғиб кетаверар экан...

Цинцинатда қора тимсоҳ чалқанчасига ўлиб ётарди. Қорни ўнқир-чўнқир. Унда нималар борлиги ёриб кўрилганда аён бўлди; болалар белкураги, иккита эшитиш асбоби, тўрт жуфт кўзойнак, 22 та тиш чўткаси, 5 та мих, 14 та танга, пичоқлар ва гулларни суғорадиган идиш.

Шунча жиҳозни «ҳазм» қилишнинг ўзи бўладими? Одамлар «ошқозонми, дошқозонми?» деб ҳайратдан ёқа ушлашди.

Сиэтлдаги ҳайвонот боғида ёш тюлен «бандаликни» бажо келтиргандан сўнг сабабини билиш мақсадида, қорнини ёришди. Унинг ошқозонида 379 та турли тангалар, 3 та тугма, 2 та бильярд шари, 11 та майда-чуйда темир парчалари топилди.

Ветеринарларнинг таъкидлашича, бу «юк»лар тимсоҳ ва тюленнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлган.

НАПОЛЕОН ШОТЛАНДИЯЛИКМИ?

Англиялик тадқиқотчи Д.Торренсон «Одамлар ва анъаналар» деб аталган тўпламида ўрта асрлар тарихига оид маълумотларни эълон қилди. Олим француз императори Наполеон Бонапарт шотландиялик саркарда Уильям Бейннинг авлодига мансуб, деган тахминни билдирмоқда.

Клан Бейн якобинчилар қўзғолонидан сўнг 1745 йилда ўз ватанини тарк этишга мажбур бўлди. Ўрта ер денгизида узоқ вақт сузгач, унинг кемаси кучли тўфонга учради. Шотландлар кемани Корсикдаги кўрфазлардан бирига келтиришди. Кема оролчада қолиб кетди. Вақт ўтиши билан Бейн фамилияси французча оҳангда Буонга айлана бошлади. Кейинчалик Буонпарт фамилияси келиб чиқиб, катта авлод вужудга келди.

Торренсоннинг фикрича, Наполеон Бонапарт ўша авлоднинг вакили яъни Уильям Бейннинг неварасидир.

Нью -Йоркда чиқадиган «Новое русское слово» газетаси наполеоншунослар бу тахминни маълумот учун қабул қилганликлари ҳақида ёзади.

НОВОКАИН ЙЎЛДА ҚОЛДИ

Перм давлат фармацевтика корхонасида оғриқ қолдирувчи дори анилокоин кашф қилинди.

Оғриқ қолдириш бобида у новокаиндан устунроқ бўлиб, ўз «вазифаси»ни 16 соатга қадар бажаришга қодир.

Анилокоин танадаги шамоллаш жараёнини йўқотишга ҳам ёрдам беради.

Препарат кенг миқёсда ишлаб чиқарилмоқда.

15 ЁШЛИ МОДЕЛЬЕР ПАРИЖГА

Россия ва МДҲдаги 21 та шаҳардан иштирок этган қизлар кўрик-танлови «Ҳамкорлик модалари» деб аталар эди. Унда АҚШ, Италия, Япония, Россия каби ривожланган давлатларнинг мода бобидаги бизнеси намойиш қилинди.

Тульск вилоятининг Новомосковск шаҳридан 15 ёшли мактаб ўқувчиси Ольга Казакова намойиш этган либослар ҳаммага бирдек ёқиб тушди. У Париж модельерлари билан ишлаш ҳуқуқини берадиган шартномани қўлга киритди.

ana shunaqa gaplar...

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Сирдарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раиси Қаршивой Эшназаровга умр йўлдоши
Муслима ЭШНАЗАРОВА
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

ДАСТЛАБКИ ЮТУҚ «МАЪРИФАТ»НИКИ

«Sport» газетаси томонидан истиқлолнинг 8 йиллиги ва ОАВ ходимлари кунига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий мини - футбол турнири ўйинлари бошланди. 1- турнирнинг дастлабки учрашувида севимли газетангиз шарафини ҳимоя қилаётган «Маърифат» жамоаси Ўзбекистон радиосининг «Радио» жамоасини 4:2 ҳисоби билан доғда қолдириб, турнир жадвалидаги мавқеини мустаҳкамлаб олди.

ЛАС-ВЕГАСГА ЙЎЛЛАНМА

Пойтахтдаги «Қибрай» ўқув-машғулот базасида от спорти бўйича Жаҳон кубогининг III босқич саралаш мусобақаси ниҳоясига етди. Ҳаяжонли қизғин беллашувлар сўнгида 2000 йилги Лас Вегасга йўлланмани Петр Соловьёв оладиган бўлди. Иккинчи ўрин ҳамюртимиз Сергей Шмелевга, учинчи ўрин эса, қирғизистонлик чавандоз Сакин Сурангиковга насиб этди.

«ОСКАР» СОҲИБИ АНИҚЛАНДИ

1998 йил якунига кўра, дунёнинг энг яхши шоҳмотчисига бериладиган «Оскар» мукофоти соҳиби аниқланди. Вишванатан Ананд кетма - кет иккинчи бор бу юксак унвонни қўлга киритди. Сўровда 57 мамлакатнинг 271 мутахассислари, шоҳмот шарҳловчилари, журналистлар иштирок этдилар.

НАКАТА МАШҲУР ФУТБОЛЧИ

Ўтган йил каби бу йил ҳам Осиё Футбол Конфедерацияси қитъанинг энг машҳур ўйинчиси деб 22 ёшли япон футболчиси Хидоташи Накатани эълон қилди. 3 миллион эвазига Италиянинг «Перужа» жамоаси сафида тўп суришга рози бўлган бу йигит жамоа ҳисобига ёзилган 43 тўпнинг 10 тасига муаллиф бўлди.

ҚАЙИҚЛАР ЁШЛАР БОШҚАРУВИДА

Тошкент сув ҳавзасида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 1982-1983 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Уч кун давом этган чемпионатда 120 нафардан зиёд ёш спортчилар иштирок этишиб, ўз маҳоратларини имкон қадар намойиш қилдилар. Мусобақада жамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент вилояти спортчиларига, иккинчи ўрин Тошкент шаҳри ва учинчи ўрин Самарқанд вилояти спортчиларига насиб этди.

МАКТАБДА ТУРНИР

Тайлоқ туманидаги 34-мактаб ўйингоҳида халқ таълими соҳаси фидойилари Лапас Умрзоқов, Аҳад Қурбонов ва Султон Бобоевлар хотирасига бағишланган футбол бўйича турнир бўлиб ўтди. Мусобақада 18 та жамоа иштирок этдилар.

Мусобақанинг очилиш маросимида Тайлоқ тумани ҳокими муовини Зиёдулло Авазов, туман халқ таълими бўлими мудири Ҳамдам Яздоновлар барча иштирокчию мураббийларни қизғин табрикладилар.

Қизиқарли ва шиддатли ўтган ўйинлардан сўнг биринчи ўринни «Таллота» жамоаси (мураббий Дўстмуродов Абдусалом), иккинчи ўринни «Боғизақбон» жамоаси (мураббий Умурзоқов Комил) ва учинчи ўринни «Дўстлик» жамоаси (мураббий Неъматов Аслиддин) эгаллади.

Мусобақа якунида дарвозабон — Собиров Даврон, ҳимоячи — Бекназаров Норқул, ярим ҳимоячи — Мирзаев Хайрулло, ҳужумчи — Ҳалимов Суннат турнирнинг энг яхши ўйинчилари деб топилдилар.

Ташкилотчилар ва ҳомийлар, мархумларнинг оила аъзолари, мактаб жамоаси (директори Жулбекова Фотима), туман халқ таълими бўлими ва «Боғизабон» жамоа хўжалиги иштирокчиларга эсталик совғаларини топширдилар.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

QUTLOV

Ҳурматли Дилшода Абдуназарова!

Сизни туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Мустақил юртимиз таълим-тарбиясини бугуннинг талаб ва эҳтиёжларига мос равишда ташкил этишга қўшаётган улушингиз таҳсинга лойиқ. Бу йўлда Сизга куч-қувват, соғлиқ-саломатлик тилаймиз. Ҳамиша ғайрат-шижоатингиз баланд бўлсин.

Сирғали туман ХТБ ва 300- лицей мактаб жамоаси

ГИЁҲВАНДЛИК УМР КУШАНДАСИ

Кузатувлар натижасига кўра, гиёҳвандликка илк бор қадам қўйиш 11 - 17 ёш ўртасида кўпроқ кечади

Пойтахтимиздаги 305 - ЭКО мактаб-лицейида 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларга қарши кураш кунига бағишланган амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданият ишлари вазирлигининг халқ таълими ва маданий - маърифий ишлар Республика маркази, Сирғали туман ҳокимлиги ва туман ҲТБ ташаббуси билан ташкил қилинган тадбирда шу соҳа мутахассислари ҳуқуқшунослар, медицина ва таълим - тарбия ишлари ходимлари иштирок этдилар. Айниқса, юқори синф ўқувчилари билан уюштирилган мунозаралар жараёни қизғин кечди. «Оқ ажал» номи билан ҳар бир соғлом фикрли одамни бефарқ қолдирмаётган гиёҳвандлик муаммоси билан боғлиқ барча саволларга атрофлича жавоблар изланди.

Наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш мамлакатлар хавфсизлигига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига таҳдид солаётганини бутун дунё эътироф этиб турибди. Буни бугунги ёшлар англаб етишлари, унинг домига тушиб қолмасликлари учун жойлардаги ўқув-тарбия иш режаларида шу масаланинг акс этишига эришиш керак. Бунинг учун ўқувчи-ёшларни оммавий спорт тўгараклари ва мусобақаларига, маданий тадбирларга кенг жалб қилишнинг самарали йўлларини излаб топиш ва қўллаш тақозо этилади. Бу ишда мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлигидан, ҳомий ташкилотлар ва тадбиркорларнинг амалий ёрдамидан имкони борича фойдаланиш лозим.

Ф.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ТАРИХ ВА ШАРҚ ТИЛЛАРИ ЛИЦЕЙИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги тарих ва шарқ тиллари лицейига Ўзбекистон Республикаси шарқ тилларига ихтисослашган ўрта умумтаълим мактабларининг 9 - синфини намунали битирган ўқувчиларни қуйидаги хорижий шарқ тилларини ҳамда Марказий Осиё халқларининг тарихини ўрганишлари учун қабул эълон қилади:

- **араб тили** — **хитой тили**
- **форс тили** — **япон тили**
- **ҳинд тили** — **урду тили**

Дарслар ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ профессор - ўқитувчилари иштирокида, институтнинг ўқув методик ёрдами ва тавсияси асосида олиб борилади.

Танлов оғзаки суҳбат, диктант ва тест синовлари тарзида (9- синф фанлари она тили ва адабиёт, тарих бирон бир шарқ тили ва география доирасида) ўтказилади. Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари сўралади:

1. Директор номига ариза.
2. 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли).
3. Тиббий маълумотнома (086 - у).
4. 6 та фотосурат (3х4 ҳажмдаги).
5. Туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (асли ва нусхаси).
6. Турар жойидан маълумотнома.

Ҳужжатлар 1999 йил 31 июлгача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 1-10- август кунлари ўтказилади.

Лицей манзилгоҳи:
Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 12-уй.

Транспорт:
Метронинг «Ойбек» бекати, 26-,60- автобус; 1-,2-,5-,25-трамвай; 10-,20-троллейбусларнинг Жуковский бекати.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.
Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0457. Тиражи 47.450.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.30.